

УУК: 87.78

66.3(5Ў)

П 84

Носиров, Ўрол.

Президент Ислом Каримов: раҳбар кадрлар түгрисида тўплаб нашрга тайёрловчи Ў. Носиров. Тошкент: "Tafakkur" нашриёти, 2014 й. 192 б.

КБК 66.3(5Ў)

76.01

Нашрга тайёрловчи: Ўрол Носиров

Бугун бошимиздан кечираётган ўта мураккаб замонда олдинги давларга нисбатан раҳбарлик ва етакчилик вазифасининг кундан-кунга масъулияти ошиб бораёттан бир шароитда ҳар бир раҳбар олдида узи бошкарадиган худуднинг (жамоанинг) бутунги тақдиди. унинг эртанги куни, истиқболи, иқболи ва ниманинг хисобидан худуднинг ёркин келажагини, ахолининг фаровонлигини таъминлаш мумкинлиги жуда муҳим аҳамиятта эга. Раҳбарлик масъулиятини улдалаш учун унинг салоҳияти шаклланган ва фаол ҳаракатта кўчган бўлиши шарт. Бундай ўта масъулиятли вазифаларни улдалаш учун раҳбарликни зиммасига олган ҳар бир шахс мухтарам Президентимиз И.А.Каримовнинг раҳбар кадрларга карата айтган кимматли сўзларини нафакат тушуниб етишлари, балки унга амал килишларини кўзлаб ушбу тўплам тайёрланди.

*Биз бугунги ҳаётимизнинг
қайси масалалари ва вазифала-
ри ҳақида, қайси истиқболлари
ҳақида гапирмайлик, бошқариш
ва ишлаб чиқаришнинг барча
бўғинларида – ҳамма нарса бу-
гун кадрларга ва яна кадрларга
бориб тақалади.*

Ислом Каримов



Президент Ислом Каримов:

**РАҲБАР ҚАДРЛАР
ТҮГРИСИДА**

66-2-129

17-84

ПРЕЗИДЕНТ
ИСЛОМ КАРИМОВ:
РАҲБАР КАДРЛАР
ТҮҒРИСИДА

“ТАФАККУР” НАШРИЁТ
ТОШКЕНТ – 2014



СҮЗ БОШИ

Мустакиллик ўзбек халки ва давлатчилиги тарихида тамомиля янги даврни бошлаб берди. Мамлакат ҳётида бошланган бу давр ўз мазмун-моҳияти билан давлат бошқарувида ҳам замон талабига жавоб бера олуви раҳбар кадрлар булишини такозо этади. Ҳукукий давлат ва фукаролик жамияти илдизини мустаҳкамлаш учун демократик мезон талабларига жавоб берадиган раҳбар кадрларни шакллантириш бугунги куннинг муҳим талабидир. Негаки, собик Иттифоқ замонида халқимизнинг давлатчилик тажрибаси унтилган, тарихий маданий қадриятларимиз четга сурисиб кўйилган, ягона мафкура, ягона партия ҳукмронлиги шаклланган эди. Шундай экан, раҳбар кадрлар тайёрлашнинг синфиЙ-партиявий, мафкуравий тамойиллари ўрнида инсоний манфаатлар, ватанпарварлик устуворлиги каби демократик қадриятларга асосланган раҳбар кадрларни шакллантириш зарурдир.

Дарвоҷе, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида “Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади. Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас”, деб қатъий белгилаб кўйилди.

Шу тарика бир хил мафкувий дунёқарашга эга бўлган, бир колипдаги сиёсий раҳбарлик тизимиға барҳам берилди ва мамлакатда раҳбар кадрларни шакллантиришнинг янги тизимиға асос солинди. Ана шу тизимиға мос бўлган ижтимоий ҳаёт, бозор иктисадиёти қонуниятлари ва бошқарувнинг номарказлаштириш талабларига жавоб бера оладиган ҳокимиятнинг конун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши тамойилига асосланган раҳбар кадрларни шакллантириш ислоҳотлари бошланди.

Давлатнинг кадрлар сиёсатини тобора тақомиллаштириб бориши, барча меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш ва уларнинг самарадорлигини кескин ошира бориши, ҳар бир раҳбар кадрнинг касбий ўсиб боришини кўллаб-куватлаш, улар фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратиш орқали меҳнат самарадорлигига эришиш кадрлар сиёсатининг асосига кўйилди.

Давлат ва ҳукуматнинг доимий дикқат-марказида бўлган ана шу йуналиш Президент Ислом Каримов асарларида, ҳар бир нутқларида (ассосан, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган ташкилий сессияларда) тобора ривожлантириб борилди. Агар Президент асарлари, нутқларига зътибор килинса, уларда, энг

¹Ўзбекистон Республикасининг конституцияси, 2-боб, 12-модда.

аввало, раҳбар кадрларда умуминсоний қадриятларни устириш кўзланганлигини пайқаш қийин эмас.

Раҳбарликка номзоднинг мослиги, ўзига юклатилган масъулиятни хис этиш лаёкати, ўз вазифасига садокати, ватанпарвар ва миллатпарварлиги, ўз бурчини халол ва халқ билан биргаликда бажара олиши, ўз атрофига соглом кучларни туплай билиши, билимини тобора устира бориши, янгича тафаккур тарзи, фикрлар хилма-хиллигини эътироф эта билиши, ўзгалар фикрини тинглаш маданияти, уларни ҳурмат қилиши, ўз манфаатини бошқалар манфаатлари билан уйғун куриши ва ниҳоят “Элим деб, юртим деб ёниб яшайдиган” фидойи булишдек фазилатлар бугунги кун раҳбарида мужассам булиши лозим...

Президент Ислом Каримов мустакилликнинг дастлабки даврларида раҳбар кадрларга бўлган талабларга тўхталиб шундай деган эди: “Жамиятда раҳбарнинг ўрни бенсаҳоя мухим. Халқни эзгу ниятлар билан ўзига эргаштира олган раҳбар ҳамиша одамларнинг ҳурмат-эътиборида булади. Одамларни бир-бирларига суюниб, таяниб, бир-бирларини тушуниб, муаммоларни биргалашиб бартараф этишга даъват қилиш хақиқий раҳбарнинг ноёб фазилати хисобланади. Раҳбарнинг энг катта душмани – кибру ҳаво, ўзига бино кўйиш, ўзига ортиқча баҳо беришдир. Бундай раҳбар узокка боролмайди.

Раҳбарликнинг энг буюк мезони – адолат. Бу сўзнинг замонида бутун халқ тақдирли, жамият истиқболи, мамлакатимиз кс-лажаги мужассам булган. Буни чуқуррок тушунайлик, чуқуррок англайлик. Адолат ҳамма нарсадан устун булиши керак. “Куч – адолатда” деган Амир Темур бобомизнинг бизга колдирган ўйтнасиҳатларини эсимиздан, хаёлимиздан чиқаришга ҳаккимиз йўқ².

Дарҳакикат, ривожланишга юз бурган жамият юксак ма-лакали, салоҳияти фаол ҳаракатта кўчган раҳбар кадрларга эҳтиёжманд булади. Ва буюк инсонлар – буюк етакчиларнинг пайдо булиши миллат, Ватан тарихида янги давр – янги жараёнларнинг бошланиши ҳамдир.

Ўзбекистонда мустакилликни мустахкамлаш учун бошлануб кетган ҳар бир ҳаракатда миллий раҳбар кадрларга булган эҳтиёж ортиб борди.

Мустакиллик даврида Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар гайёрлаш миллий Дастури” кабул қилинди. Натижада, раҳбар кадрларнинг аклий салоҳиятини устириш, улар фаолиятини демократик қадриятлар асосида ташкил қилиш, бошкарув

²И.А. Каримов. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. Т-VII. Т.: Ўзбекистон, 1999. 76-бет.

самарадорлигини оширишнинг янги имкониятлари шаксланди. Бу дастурнинг устувор мақсади сифатида куйидаги вазифалар белгиланди:

Узбекистон Республикаси “Инсон хуқуклари ва эркинликларига риоя этилишини, жамиятнинг маънавий янгиланишини, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришни, жаҳон ҳамжамиятига кўшилишни таъминлайдиган демократик хуқукий давлат ва очик фуқаролик жамияти курмокда. Инсон, унинг ҳар томонлама уйғун камол топиши ва фаровонлиги, шахс манфаатларини рӯёбга чиқаришнинг шароитларини ва таъсирчан механизмларини яратиш, эскирган тафаккур ва ижтимоий хулқ-атвортнинг андозаларини ўзгартириш республикада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосий масади ва харакатлантирувчи кучидир. Халкнинг бой интеллектуал мероси ва умумбашарий кадриятлар асосида, замонавий маданият, иқтисодиёт, фан, техника ва технологияларнинг ютуклари асосида кадрлар тайёрлашнинг мукаммал тизимини шакллантириш Узбекистон тараккиётининг муҳим шартидир”.

Тўғри, мустақилликнинг ўтиш даврида раҳбар кадрлар танлаш, улар фаолиятида самарадорликка эришишда бир мунча кийинчиликлар юз берди. Шу муносабат билан Президент И.Каримов шундай деган эди: “Умрим давомида орттирган озми-кўпми ҳаётий тажрибаларим асосида шундай хulosага келдимики, дунёда инсон иродасини синайдиган воситалар кўп. Аммо уларнинг бирортаси ҳам амал, лавозим, мансаб каби одамзоднинг кимлигини, унинг киёфаси ва моҳиятини яққол очиб бера олмайди.

Шу хусусда кўп ўйлайман. Мансаб деганлари қандай сирли, бетизгин куч эканки, нега у манаман деган акли-хушли, оккорани таниган, туппа-тузук инсонларнинг эл-юрт, давлат ишониб топширган ваколатларни суистеъмол килишига, инсофини йўкотишига олиб келади. Маҳаллийчилик, уруғ-аймокчилик, пораҳўрлик, калондимоғлик каби иллатлар домига тортади? Бунинг сабаблари нимада? Бу ярамас иллат каердан, қандай пайдо бўлади? Бу хунук, аянчли ахволни қандай қилиб бартараф этиш, жамият танасига қандай ёпишган бу балодан қай тариқа халос бўлиш мумкин?”¹

Рахбар кадрларни танлаш, тайёрлаш, малакасини ошириш-

¹Баркамол авлод – Узбекистон тараккиётининг пойдевори. Т., 1997. 32-бет.

²И.А.Каримов. Биз келажагимизни ўз кўлимиз билан курамиз. Т-VII. Т.: Узбекистон, 1999. 237–238-бетлар.

да мамлакатда улкан ишлар амалга оширилди. Улар орасидан кўплаб истеъодли, фидойи ва жонкуяр, ватанпарвар, эзгуликка интилувчан, ҳалол ва пок, билимли ва катъиятли, Ватан ва ҳалқ манфаати учун ёниб яшайдиган шахслар етишиб чиқди. Уларнинг бир канчаси мамлакатимиз орден ва медаллари, фахрий унвонлари билан тақдирландилар.

Шу билан бирга, мамлакатда “Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари” тамойили асосида раҳбар кадрлар қатламини факат давлат бошқаруви соҳасидагина эмас, балки фуқаролик жамияти институтларининг үзларини мустакил бошқариши соҳасида ҳам шаклланишига муҳим зътибор берилди. Шу мақсадларда нодавлат-нотижорат ташкилотлар сони ва кўлами кенгайиб боришига муносиб тарзда давлат бошқаруви соҳасидаги кадрлар сонини кискартириш йўли тутилди. Давлат ва маҳаллий ҳокимият органлари бошқаруви аппарати сонининг қискариши натижасида нодавлат-нотижорат ташкилотларининг бошқарувдаги ролини оширишга доир шарт-шароитлар яратила бошланди. Бу соҳада мамлакат Президенти ва ҳукумат томонидан кўрилган чора-тадбирлар натижасида факат 2004 йилнинг үзида давлат ва ҳўжалик бошқарув органларидаги раҳбар кадрлар сони 40 минг кишига келтирилди. Бундай кискартиришлардан кейин бошқарув кадрларнинг сони ҳар минг кишига 6,1 кишини ташкил этди ва мамлакат бу соҳада МДҲ мамлакатлари ўртасида энг яхши курсаткичларга эга бўлди. Жумладан, бу курсаткич Козогистонда ҳар минг кишига 19,2 кишини, Россияда 22,1 кишини ташкил этади.

Замонавий раҳбар кадрларни шакллантириш мақсадларини үзида ифодалаган давлатнинг кадрлар сиёсати – умумдавлат даражасида кадрлар билан ишлашнинг стратегиясини ва давлат дастури, миллий кадрларни шакллантириш, ривожлантириш ҳамда улардан фойдаланишига, ҳалқ иродасини ифода этишга қаратилган стратегиядир. Бу сиёсат кадрлар тайёрлаш жараёнлари ва муносабатларини ташкил этиш ҳамда мувофиқлаштириш борасидаги мақсадлар, вазифалар ва устувор йўналишлар ва тамойилларнинг үзига ҳос миллий тизимиdir.

Замонавий раҳбар кадрларни тайёрлаш стратегиясининг барча мазмун-моҳияти ушбу тўпламга киритилган Президент Ислом Каримовнинг раҳбар кадрлар тўғрисида билдирган фикрларида үз ифодасини топган ва келгусида, энг аввало, баркамол ёшлар, захирага олинган кадрлар учун жуда муҳим манба бўлишини зарда тутиб алоҳида тўплам ҳолида нашрга тайёрланди.

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВ: РАҲБАР КАДРЛАР ТЎҒРИСИДА

Мен умрбод она халқим билан бирга, унинг ҳурматига мұяссар бўлганимдан, таъбир жоиз бўлса, унинг корига яраганимдан ўзимни баҳтли ҳисоблайман.

Бу хаётда бева-бечоранинг пешонасини силаган, етим-есирларга ёрдам берган, одамларнинг оғирини сенгил қилган инсон ўзини баҳтиёр санашга, албатта, ҳақлидир.

Аммо тарихнинг бурилиш нуктасида, улуғ бир миллатни ноҳақ таҳқир ва ҳурликдан асраш, унинг ўзлигини англаб, қадди-қоматини кўтариб мағрур яшашгодаъват этиш, буюк мэрраларга чорлаш, содда қилиб айтганда, озодлик ва эркинлик, мустақиллик ва истиқлол йўлига бошлаш – ҳар кимга ҳам насиб этмайди.

Менинг пешонамга ана шундай тақдир, ана шундай қисмат битган экан. Мен бу қисматни ўзим учун баҳт, ҳам шараф деб биламан. Чунки мен учун Ватан озодлиги, халқимнинг омонлиги, юртимнинг равнаки, мана шу муқаддас заминнимизда яшайдиган ҳар бир оиласинг фаровонлигидан бошқа олий саодат йўқ.

Менинг бир армоним борки, шу ҳақда айтмасам бўлмайди. Кўпчилик қаторида менинг ҳам ёшим, умрим ўтмоқда. Давлат ишлари билан, мураккаб, оғир, ўзининг ечимини талаб қилиб турган кундалик муаммолар билан банд бўлиб, бир нарсадан вакти келиб афсусланаман.

Менинг энг кагта армоним оддий, содда кишилар орасида кўпроқ булиш. Бугун хаёт қийинчиликларига бардош бериб яшаётган оила – хонадонларда бўлиш,

ҳаётнинг аччик-чучугини бошидан кечирган ота-хон, онахонларимиз, фахрийларимиз, энди ҳаётга кириб бораётган ёш йигит-қизларимиз билан сухбат қуришдир.

Шу оиласларниң хурсандчилик кунларини бирга баҳам қуриш...

И.А. Каримов. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард максадимиз. Т-VIII.
Т.: Ўзбекистон, 2000. 66–67-бетлар.

* * *

Умрим давомида орттирган озми-кўпми ҳаётий тажрибаларим асосида шундай холосага келдимки, дунёда инсон иродасини синайдиган воситалар кўп. Аммо уларнинг бирортаси ҳам амал, лавозим, мансаб каби одамзоднинг кимлигини, унинг қиёфаси ва моҳиятини яққол очиб бера олмайди.

Шу хусусда кўп ўйлайман. Мансаб деганлари қандай сирли, бетизгин куч эканки, нега у манаман деган ақлли-хушли, оқ-корани таниган, тупна-тузук инсонларнинг зл-юрг, давлат ишониб топширган ваколатларни сунистельмол қилишига, иисофи ни йўқотишига олиб келади. Маҳаллийчилик, уруғаймокчилик, порахурлик, қалондимоғлик каби иллатлар домига тортади? Бунинг сабаблари нимада? Бу ярамас иллат қаердан, қандай пайдо булади? Бу хунук, аянчли ахволни қандай қилиб бартараф этиш, жамият танасига қандай ёпишган бу балодан қайтарика халос булиш мумкин?

И.А. Каримов. Биз келажагимизни ўз қулимиз билан қурамиз. Т-VII.
Т.: Ўзбекистон,
1999. 237–238-бетлар.

* * *

Ватан учун жонини жабборга бериб ишлайдиган фидойи қишиларсиз Ўзбекистон келажагини тасав-

вур этиб бўлмайди. Улар дехконлар орасида ҳам, ишчилар орасида ҳам, зиёлилар орасида ҳам жуда кўплаб учрайди. Бундай инсонлар бакирик-чакирик, курук давватлар билан эмас, балки ҳақиқий бунёдкорлик билан машғул.

**И.А. Каримов. Узбекистон: миллий истиклол, иктиносод, сиёсат, мафкура. Т-I.
Т.: Узбекистон, 1996. 30-бет.**

* * *

Халқ олдида, биринчи навбатда, килинган амалий ишлар билан хисобот берилади. Битта ариқ қазимасдан, битта девор тикламасдан, битта дараҳт ўстирмасдан туриб ақл ўргатадиган одамларнинг сони қупайиб кетаяпти.

**И.А. Каримов. Узбекистон: миллий истиклол, иктиносод, сиёсат, мафкура. Т-І.
Т.: Узбекистон, 1996. 33-бет.**

* * *

Ҳар қайси раҳбар мана шу жойда туриб ваъда берган экан, ваъдасини бажариши, агар заифлик қилса, узурнини бушатиши керак. Битта заинф раҳбар туфайли минг-минг одам, миллионлаб фуқаро зарар куриши мумкин. Шуни ҳам тўғри тушунайлик. Ҳамма жойда – хўжалик, туман, вилоят, республика поғоналарида уз масъулиятини сезмаган, тўртта одамнинг бошини қовуштиромаган кимсаларга нима учун минбарни бериш керак? Умрида бирор амалий иш қилмаган одам бу ерга келиб ақл ўргатса, нега унга қуллуқ қилиш керак?

**И.А. Каримов. Узбекистон: миллий истиклол, иктиносод, сиёсат, мафкура. Т-І.
Т.: Узбекистон, 1996. 35-бет.**

* * *

Ҳар бир инсоннинг, айниқса, эндиғина ҳаётга қадам күйиб келаётган ёшларнинг онгига шундай фикрни сингдириш керакки, улар ўртага қўйилган мақсадларга эришиш ўзларига боғлиқ эканлигини, яъни бу нарса уларнинг событқадам ғайратшижоатига, тула-тўқис фидокорлигига ва чексиз меҳнатсеварлигига боғлиқ эканлигини англаш етишлари керак. Худди шу нарса давлатимиз ва халқимиз равнақ топишининг асосий шартидир.

**И.А. Каримов. Узбекистон: миллий истиклол, иктисад, сиёsat, мафкура. Т-I.
Т.: Узбекистон, 1996. 49-бет.**

* * *

Маънавият шундай қимматбаҳо меваки, у бизнинг қадимий ва навқирон халқимиз қалбида бутун инсониятнинг улкан оиласида ўз мустақиллигини тушуниб етиш ва озодликни севиш туйғуси билан биргаликда етилган. Маънавият инсонга она сути, ота намунаси, аждодлар ўгити билан бирга сингади. Она тилининг буюк аҳамияти шундаки, у маънавият белгиси сифатида кишиларни яқин қилиб жипслаштиради. Табиятга яқинлик, жонажон ўлканинг бенихоя гўзаллигидан баҳраманд бўлиш маънавиятга озик беради, кучайтиради. Маънавият ўз халқининг тарихини, унинг маданияти ва вазифаларини чукур билиш ва тушуниб етишга суюнгандинагина қурдатли кучга айланади. Тарихга мурожаат қилар эканмиз, бу халқ хотираси эканлигини на зарда тутишимиз керак. Хотирасиз баркамол киши бўлмаганидек, ўз тарихини билмаган халқнинг келажаги ҳам бўлмайди.

Маънавият турли ҳалқлар ва мамлакатлар кишиларини қон-қардош қилади. Уларнинг тақдирини ўзаро хурмат асосида якинлаштиради. Бизнинг маънавиятимиз асрлар давомида миллион-миллион кишилар тақдири билан шаклланган. Уни ўлчаб ҳам, поёнига етиб ҳам бўлмайди. У – инсон учун бутун бир Олам.

Маънавият инсонга ҳаводек, сувдек зарур. Саҳрораги сайёҳ ҳар доим булоқдан чанқогини босади. Ҳудди шунингдек инсон ҳам неча-неча азоблар ва қийинчиликлар билан маънавият чашмасини излайди. Ер, оила, ота-она, болалар, қариндош-уруглар, қўни-қўшилар, ҳалқ, мустақил давлатимизга садоқат, инсонларга хурмат, ишонч, хотира, виждон, эркинлик – маънавиятнинг маъноси ана шундай жуда кенг. Инсон уни Инсон даражасига кўтарадиган асосларнинг асосини ўз акли билан том маънода қамрай олмайди. Инсон ўзини ҳалқининг бир зарраси деб сезгандагина, у ҳақда ўйлаб, меҳнат қилиб яшагандагина маънавият билан туташади. Бизнинг одамларимиз Ватандан узоклашганда жуда изтироб чекадилар, чунки уларнинг маънавият чашмаси гўё узоклашиб кетгандек бўлади. Шунинг учун ҳам ҳалк Ватандан йирокликни оғир кабул қилади, чунки унда ҳар бир қадрдан киши учун қайгурадиган умумий қалб бор.

Маънавият тақдирнинг эҳсони эмас. Маънавият инсон қалбида камол топиши учун у қалбан ва виждонан, ақл ва қўл билан меҳнат қилиши керак. Бу ҳазина инсонга хаётда барқарорлик бағишлайди, унинг қарашлари шунчаки бойлик ортириш йулида кун кўришга йўл қўймайди, фожиалар вактида омон саклаб колади ва моддий қийинчилик қунларида иродани мустахкамлайди. Ҳалқимизнинг хотираси ажойиб номларга бой. Бутун жаҳонга машхур бўлган Беруний, Ал-Хоразмий, Ибн Сино, Имом Бухорий, Ат-Термизий,

Ахмад Яссавий, Улугбек, Навоий ва бошқа кўпгина алломалар маънавияти кенг ва айни вақтда қисмати оғир бўлган сиймолардир. Улар ўзларини ҳақиқатга ташна ва ўзи ҳақиқат бўлган халққа бағишиладилар. Буюк аждодларимизнинг улуғ номлари, халқ хотираси ва унинг тақдири муносиб давом этишга лойикдир.

«Олдин одамларга моддий бойлик бериш, сўнгра маънавият тўғрисида ўйлаш керак», дейдиганлар ҳак бўлмасалар керак. **Маънавият – инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч-кудратидир.** У йўқ жойда хеч қачон бахт-саодат бўлмайди. Нафақат кўхна тарих, балки янги тарих ҳам бунинг кўплаб мисолларини беради.

Маънавиятни мустаҳкамлаш учун меҳнат ва маблагни яш ўз келажагига болта уриш демакдир. Ватан ва жаҳон маданиятининг, адабиёт ва санъатнинг ютуклари ҳар бир оиласга етиб бориши учун оиланинг моддий таъминланганлигидан қатъий назар қулай шароитлар яратиш талаб этилади. Ижодий ходимларнинг маънавий кучига эркинлик бериш, уларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш ҳам катта аҳамиятга эгадир.

**И.А. Каримов. Узбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёsat, мафкура. Т-1.
Т.: Узбекистон, 1996. 80–81-бетлар.**

* * *

Ҳақиқатан ҳам юрт соҳиби халқ гамини ўйлагувчи бўлса, Яратганинг ўзи ҳам, қолаверса, халқ ҳам уни қўллайди, асрайди, тиклайди, эслайди.

**И.А. Каримов. Узбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёsat, мафкура. Т-1.
Т.: Узбекистон, 1996. 89-бет.**

* * *

Бугун кечираётган ҳаётимиз, харакатларимиз, интилишимиз тарихда қолади. Келгуси авлодлар бу тарихни мустақиллик, озодлик, хуррият тарихи деб эъзоз-хурмат билан эслашлари мукаррар.

Эндиғи вазифа – миллатнинг, нафақат миллатнинг, балки бугун Ўзбекистон ҳалқининг яқдиллигини таъминлашдан иборат. Эндиғи вазифа – Ватан равнаки учун сидқидилдан меҳнат қилиш. Ватан озод экан, энди қиласиган меҳнатимиз меваси четга кетмайди, балки шу юртнинг келажаги, фарзандларимиз баҳт-саодати учун хизмат қилади.

**И.А. Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т-I.
Т.: Ўзбекистон, 1996. 98-бет.**

* * *

Инсон дунёга яхши иш қилиш, яхши из қолдириш учун келади. Яхши фарзандларни тарбиялаб, қилган яхши ишлари ва қолдирган яхши изларига муносиб вористар тайёрлайди. Бугун мамнуният билан айтиш мумкинки, биз яна бир олижаноб ишни охирига етказдик ва фарзандларимиз учун яна бир ибратли намуна ҳозирладик. Келажак авлод вакиллари бугунги кунни эслаб, ҳақиқатни тиклаш ва баркарор этиш сабогини олишларига шак-шубҳа йўқ.

**И.А. Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т-І.
Т.: Ўзбекистон, 1996. 101-бет.**

* * *

Бугунги раҳбар катъият билан, қаттиққўллик билан ишлаши лозим. Унинг учун ҳалқ тинчлигини таъмин-

лаш, турмуш шароитини яхшилаш вазифаси барча масалалардан устун туриши керак...

Хеч бир муаммо тұсатдан пайдо бўлмайди. У барча иш ўз ҳолига ташлаб қўйилган, бепарволик ва бокибекамлик ҳукм сурган жойда илдиз отади. Ҳар ким, ҳар қайси раҳбар ўз жойида, ўз лавозимида туриб, чекига тушган бурчни ҳалол бажариши керак. Ҳужалик миқёсидаги муаммо ва камчиликларни ҳужалик раҳбари бартараф этса, туман миқёсидаги ишларни туман раҳбарининг ўзи эпласа, ахвол бу даражага бориб етмас эди. Бугун қарабисизки, вактида ечилмаган ўнлаб ва юзлаб масалалар мадда бойлаб, ижтимоий ва ҳатто сиёсий гус ола бошлади. Биз тезкорлик билан масалани ўз назоратимизга олмасак ва қатъий чоралар кўрмасак, бир кун бориб, албатта, портлаш юз берар эди.

**И.А. Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т-І.
Т.: Ўзбекистон, 1996. 174–175-бетлар.**

* * *

Элимизнинг сабр-қаноати зўр, аммо ҳақиқий раҳбар дегани одамларнинг бардошини синаш билан эмас, балки уларга муносиб шарт-шароит яратиб бериш, оғирини енгил қилиш билан танилади. Элни иззат қилсанг, эл ҳам сени иззат қиласди...

Моддий неъматларнинг яратувчиси – ҳалқ, маънавий бойликлар эгаси – ҳалқ. Ҳалқнинг турмуш шароитини билган, унинг кўнглини олишга қурби етган раҳбаргина одамларни бунёдкорлик ишларига етаклай олади. “Ҳалқим, ҳалқим!”, дея оғиз кўпиртириб, аслида эса ақалли бир чўпни олиб бошқа жойга қўймайдиган ҳовлиқмалардан Худо асрасин! Яна такрорлайман: раҳбар айтган ҳар бир сўзнинг ўз тошу тарозуси бор, тоғдай ваъдалар бериб бажармаган, арзгўйларнинг

қўйинни пуч ёнгокка тўлдириб, иш масъулияти-
ни зиммасига олмаган раҳбарларга шафқат қилиб
үтирмаймиз. Бугун шундай даврки, у биздан қатъият
ва гайрат талаб этади. Ойда бир марта халққа кўриниш
бериб, кейин яна бир ойгача соя-салқиндан ҳаловат топа-
диган тўра ва турачаларнинг замони ўтди!..

“Ўзимиздан бўлсан!”¹, деган гаплар энди ўтмайди.
Кадр танлашда шахсий муносабатларга берилишга,
ошна-оғайнингарчиликка чек қўямиз. Бугун барчамиз-
нинг илдизимизни чамбарчас боғлайдиган буюк бир
тушунча борки, бу мустакил Ўзбекистондир! Керак
бўлса, Ўзбекистоннинг истиқболи ва истиқболи учун
ҳаммамиз жонимизни фидо киламиз, Ўзбекистонимиз,
асрий зулматдан ҳалос бўлган жабрдийда Ватанимиз биз
учун ҳамма нарсадан улуғроқ ва устунроқдир.

**И.А. Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқбол.
иктисод, сиёsat, мафкура. Т-I.
Т.: Ўзбекистон, 1996. 176–177-бетлар.**

* * *

Халқнинг кундалик хайри корига ярайдиган юмуш-
ларга кўл уриш қачондан бери савоб бўлмай қолди?
Ҳокимларимизга элнинг дуосидан кўра, шухрат, соҳ-
та обру кўпроқ керак шекилли. Бундай хотамтойларга,
аччик бўлса ҳам айтамиз: ҳокимлигингизни килинг ёки
салла ӯраб масжидга имом бўлинг!

**И.А. Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқбол.
иктисод, сиёsat, мафкура. Т-I.
Т.: Ўзбекистон, 1996. 184-бет.**

* * *

Вилоятдаги раҳбарлардан бири истиқбол муқад-
дас нарса, лекин у қайта қуриш туфайли келди, дебди.

Мен бир учрашууда: “Жамият маънавий инқирозга юз тутган, тилимиз, урф-одатларимиз йўқолиб кетиши олдида турган, миллатни миллат қиласиган нарсалар бутунлай топталган вазиятда истиқлолни қўлга киритиб, энди қаддимизни ростлаб олаётганимизни тушунмасангиз, агар мана шу халқка тушунтиrol-масангиз, шунга масъул бўла туриб, ўзингизни етакчи хис кила туриб, шуни охиригача етказолмасангиз, заиф ва қўрқок бўлсангиз, тўғрисини айтиб, орамиздан чиқиб кетаверишингиз мумкин”, – дедим. Шундай вазиятдан фойдалана олмаса, ойдин келажакка олиб борадиган тўғри, асосий йўлда одамларга бош бўлолмаса, мустақиллик факат нон билан чой эмаслигини, у, аввало, маънавий, яъни одамни одам қиласиган, миллатни миллат қиласиган тушунча эканини одамлар онгига сингдиролмаса, ундай раҳбарнинг кераги йўк.


**И.А. Каримов. Узбекистон: миллий истиқлол, иктисад, сиёсат, мафкура. Т-1.
Т.: Узбекистон, 1996. 190–191-бетлар.**

* * *

Биз маҳаллийчиликка, гурухбозликка чек қўйишимиз зарур. Бундай нарсаларни орамиздан кўтариб ташлашимиз керак. Бу ишимизга халакит беради. Дунёда ўзбек миллати битта. У хоразмлики, фарғоналики, сурхондарёлики, фарки йўк – ўзбекдир.

...Мен бъзан ҳайрон бўламан: катта-катта мансабдор одамлар, вазирлар нима учун куюнмайди? Нима учун жонини фидо килмайди? Ёниб ишлайдиган одамлар кани? Кечирасизлар, кўпол бўлса хам айтишим керак, писмиклар кўп. Ичидан пишганлар, шамолга қараб турдиганлар кўп. Энг ёмони – шу.

Яна бир гап. Шуни тўғри тушунни жарди, шунни ҳурмат қилиш, унинг ишларни кўданда ташкил олат. Хизматини эътироф этиш, кўз юмганидан кейин



унга ҳайкал қўйиш, суратини ўрнатиш бошқа гап. Лекин раҳбар раҳбарлигини қилиши керак, раҳбарнинг ҳурмати бор, бу, аввало, миллатнинг ҳурмати. Лекин бунда мактovларни ҳаддан ошириб юбормаслик керак, чегарадан ўтмаслик зарур. Одамга бу фойда эмас, балки зарар етказади. Шунинг учун газеталарда ҳадеб суратимни чикаравериш шахсан менга ёқмайди! Мен бунга каршиман, бу ҳурмат белгиси эмас. Тарғибот бўлиши керак, албатта, лекин уни ақлли одам бироннинг ғашига тегмайдиган қилиб, меъёрида ўtkазиши лозим. Баъзан хижолат бўлиб кетаман.

**И.А. Каримов. Узбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёsat, мафкура. Т-1.
Т.: Узбекистон, 1996. 195-бет.**

* * *

Халқ вақтинча давом этаётган қийинчиликларга чидаши мумкин, лекин билиб қўяйлик, такроран айтаман адолатсизликка чидамайди! Буни унутиш масъул лавозимдаги шахсни бамисоли устунлари чириб колган бинога ўхшатиб қўяди.

Халқ каллоб ва юлгичларни кўриб-билиб турибди ва ҳеч қачон кечирмайди. Халқнинг сабр-тоқати чексиз эмас, қилмиш-қидирмиш деганларидек, жиноятчиларга айбига яраша жазо бериш даркор. Жиноий жазодан қутулиб колиш мумкин. Аммо Худонинг қаҳри, халқ нафрати ва лаънатидан қочиб қутулиб бўлмайди. Халқнинг назаридан қолиш, ҳаром йўл билан ортирилган бойлик бир кунмас-бир кун мукаррар тешиб чиқади.

Хозирги кунда ҳар бир раҳбар кадрнинг канчалик масъулият билан ишлаши ҳамда соғ вижданлигига кўп нарса боғлиқ. Раҳбар фаолиятини баҳоловчи бош мезон унинг ишни ташкил қила билиш қобилияти-дир. Раҳбар ишини шундай ташкил қилсинки, одам-

лар “Ҳа, бу халқ фаровонлиги йўлида ғамхўрлик килувчи ва уни ҳамма нарсадан юксак қуювчи раҳбар”, дея олсин.

Бир гапни алоҳида таъкидламоқчиман. Илгари раҳбарларнинг обрусини унинг лавозими, ўтирган биноси, ёнида туриб кўлловчи тирговичлари ҳал килган бўлса, бугун шуни аник тушунишимиз лозим – қуруқ савлату ўзганинг ёрдами билан ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Сабаби – бугун халкимиз анча сезгир ва савияси ҳам аввалги эмас – ўсган, ўзгарган.

Шуни айтишим керакки, раҳбарларнинг кўпчилиги республикамиз олдида турган оғир масалаларни тушунали ва янгичасига ишлашга харакат қилмоқда. Аммо орамизда бирорларнинг пинжига кириб олиб, ҳеч ким билан муносабатни бузмасликни шиор қилган кимсалар ҳам борлигини дангал айтиш керак. Улар ҳар қандай сиёsat, ҳар қандай ҳокимиятга бирдек мослашиб кетаверишлари мумкин. Қариндош-уруглари ва таниш-билишларининг илтимосини халқнинг, оддий кишиларнинг эҳтиёжидан юқори қуювчи худбин, масъулиятсиз кишилар ҳам бор...

Раҳбарнинг ишига халқ ўзи баҳо беради. Энг олий ҳакам – вакт. Раҳбарлик лавозимига кутарилган кишиларнинг энг буюк, энг муқаддас вазифаси – уни тарбия қилган, билим берган, юксак мартабага олиб чиқкан халқига сидқидилдан хизмат қилиш...

Ўз қадрини билган раҳбар мактовга зор эмас. Албатта, юртга бош булиш ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Бу ҳам – Аллоҳнинг инояти. Худо берган оғир, масъулиятли бурчини оғишмай, дохийлик касалига берилмай ҳалол адо этиш учун жуда катта акл-идрок ва фаҳм-фаросат керак.

**И.А. Каримов. Ўзбекистон: миллӣ истиқлол, иқтисод, сиёsat, мафкура. Т-1.
Т.: Ўзбекистон, 1996. 215–217-бетлар.**

* * *

Туман ҳокимлари бугун дәқонга қандай қилиб пахта етиширишни ўргатиш ўрнига янги иш жойлари яратиши, кўшма корхоналар ташкил этиши, кўшимча даромад олиш йўлларини ахтариши, бозорни етарли даражада озик-овкат маҳсулотлари билан таъминлаш учун ҳаракат килиши лозим. Бу соҳада катта имкониятлар бор.

**И.А. Каримов. Узбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёsat, мафкура. Т-1.
Т.: Узбекистон, 1996. 242-бет.**

* * *

Ислоҳотларни амалга ошириш ва уларнинг натижасига масъул бўлган ҳокимлар, идора, ташкилот, муассасаса ва корхона раҳбарлари фаолияти энди янгича мезонлар билан ўлчанади. Узбекистонда бозор муносабатларига ўтишнинг бешта тамойилидан яна бири – давлатнинг ислоҳотчи бўлишидан англашиладиган яна бир тушунча бор. У ҳам бўлса, раҳбар шахснинг ислоҳотларни амалга оширишдаги ўрнидир...

Раҳбарлар фаолиятига баҳо беришда: “У ислоҳотларни қандай тушунади, замон талабига яраша ташаббускор бўлишга, иш юритишга тайёрми-йўкми”, деган савонни қўйиш вакти келди. Бугун ҳокимлар “Узбекистоннинг ўз тараккиёт йўли бор”, деган гапни қандай тушунади? Улар бозор муносабатларига ўтишнинг тамойилларига кай даражада амал қилаяпти?

**И.А. Каримов. Узбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёsat, мафкура. Т-1.
Т.: Узбекистон, 1996. 243–244-бетлар.**

* * *

Янги иш услубига ўтган, миллий истиклол мафкурасини тұла аңглаб етган, халқ манфаатлари йүлида күкрагини қалкон қилишга тайёр раҳбарлар бұлмаса, ислоҳотлар бир жойда депсиниб тураверади...

Бугун раҳбардан талағ қилинадиган нарса ташаббускорлик, илғор меҳнат маданияти тажрибасини жорий этишда фидойилик, одамлар кайфиятини билиш, улар ташвиши билан яшаш, янги иш жойларни яратиш, халқнинг маънавий ва моддий фаронлигини таъминлашдир.

Президент кадрлар фаолиятига баҳо беріб, уларни учтоиғага бұлды.

Биринчи тоиға – эски тузумни құмсаб юрган кишилар. Иккінчиси, энг хавфлisisi – имонсиз, зытикаодсиз кишилар. Бундайларга Ватан манфаати бегона, улар шахсий хузур-халоват, мансаб учун ҳеч нарсадан тоймайдилар. Ватан манфаати, Мустакиллик манфаатини ҳамма нарсадан устун құядиган, қалбіда үтива эрк түйғуси бор, ғайратли, куюнчак яна бир тоиға кадрлар борки, менинг бутун умидим ва ишончим ана шулардан. Булар ҳозирча озчиликни ташкил этади, тажрибалари ҳам кам. Лекин мен Президент сифатида етишиб келаётган мана шу фидойи, қалби олов авлод вакилларининг жойларда раҳбарлик килишини истайман. Ҳар бир раҳбар биз таклиф этаётган ислоҳотларни қалбдан ҳис этсін, уни бажаришга қодирми-йўклигини ўйлаб кўрсін, қадамини шунга қараб қўйсін.

**И.А. Каримов. Ўзбекистон: миллий истиклол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т-1.
Т.: Ўзбекистон, 1996. 245-бет.**

* * *

Энди зиммасига масъулият олишдан чучимайдиган кишилар ишлайдиган замон келди. Ҳамма нарсани бир одам бошкариши кийин. Қачонгача, ҳамма нарсага раҳбар жавоб беради, деб жойларда гарданига масъулият олишдан кўркиб ўтириш мумкин? Агар бошкарув тизимини пирамидага қиёсласак, оғирлик унинг барча бўғинларига баробар тушиши лозим. Қачонгача барча масъулият юқорида турган раҳбар зимида бўлади? Бундан буен “жангни четдан кузатувчи стратег” бўлиб колавериш ярамайди. Тармоқларнинг қасаба уюшмалари раҳбарлари ислоҳотларнинг бир-икки кунда самара бериши кийинлигини халққа тушунтиришда республика раҳбариyatига ёрдам бериши лозим. Ушбу қийинчиликлар баҳона арzon обру орттириб колиш пайида бўлиш ёмон иллатдир. Буни купгина мамлакатлар тажрибаси тасдиқлаб турибди.

**И.А. Каримов. Узбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёsat, мафкура. Т-1.
Т.: Узбекистон, 1996. 262-бет.**

* * *

Замон билан ҳамқадам бўламан, деган раҳбарнинг вазифаси – одамларга ишлани, даромад қилиш учун шароит яратиб бериш, шу йўл билан уларнинг моддий фаровонлигини оширишдир. Акс холда, уларнинг ислоҳотлардан ихлоси қайтади, эртанги кунга бўлган ишончи сусаяди.

Маълумки, кишлоқ хўжалиги – республика иқтисодиётининг энг қўламли, ҳал қилувчи бўғинидир. Узбекистоннинг тақдири кўп жиҳатдан шу соҳанинг қандай ривожланишига боғлик. Шундай экан, жойлардаги раҳбарлар фермерларга ҳар бир жиҳатдан ёрдам беришлари, ишибилармонлик, ташаббускорлик йўлидаги ғовларни бартараф этишлари лозим. Ердан оқилона фой-

даланиш, унинг унумдорлигини ошириш ва илмий асосланган алмашлаб экишини жорий этишда уларга олимларимиз яқиндан ёрдам бермоклари даркор.

**И.А. Каримов. Узбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мағкура. Т-1.
Т.: Узбекистон, 1996. 271–272-бетлар.**

* * *

Мен илгари нутқларимда кадрларни бир неча тоифага ажратган, кимлар билан қандай ишлаш кераклиги түгрисида фикримни баён этган эдим. Биринчи тоифа, бу – хозирги оғир вазиятдан фойдаланиб қолишга харакат қиласидиган, фактат үзманфаатини үйлайдиган, халқ ғам-ташвишидан бегона кимсалардир. Иккинчи тоифа эса – бефарқ, лоқайд одамлар булиб, уларни “үйинчи” дегим келади. Бундай раҳбарлар ҳеч кимга қарши гапиришни, душман орттиришни хоҳламайди. Уйин билан юрибди. Шамолга караб туради. **Хушомадгўйлик билан овора.** Неча марта айтдим: менинг номимни улуғлаш керак эмас! Вилоятларга кираверишда, чегарада суратимни осиб қўйиш керак эмас! Одамлар нима дейди, ахир! Ҳар бир маъруза, ҳар бир нутқ Каримовдан бошланиб, Каримов билан тугайди. Бу нима деган гап? Каримовни тинч қўйинглар! “Яласин!” деган даврлар ўтди. Ҳаммаси ўтади. Факат зиммангизга юклатилган ишни бажарсангиз – менга бўлган энг катта хурматингиз шу!

Ўзбекистон танлаган тараққиёт йўлини, унинг ўзига хос жиҳатларини одамларга тушунтириш, онгига сингдириб бориш, бу – менинг Президент сифатидаги бурчим. Чунки биз бу йўлда елкадош бўлишимиз керак...

...Кадрларни танлаш масаласига келсак, шуни билингларки, бу энг нозик иш. Одамлар жойида ўтиrsa, топширилган ишга муносиб бўлса – шунинг ўзи 50–60 фонз ютуқ демақдир. Ўзи рози бўлса, ун-

дан эл рози бўлса, бундан ортиқ баҳт йўқ. Аммо ҳамон сўзамол, гапга тўн кийдирадиган, ўзини донишманд килиб кўрсатадиган, лекин ҳалкнинг назаридан колган кишилар масъул лавозимларда ишлаб келмоқда. Қани вилоят ҳокимининг кадрларни танлаш ва жой-жойига кўйишдаги ўрни?

Вилоятда кадрларни танлаш, уларни үрганиш жараёнлари ҳалқ депутатлари, фаолларидан сир тутилган. Кадрларни танлашда уларнинг малакаси, қатъиятлилиги, кобилияти эмас, аксинча, уларни ишга тайинлашда вилоят раҳбарига нисбатан шахсий эътиқоди, садоқати эътиборга олинган. Лавозимларни таниш-билишчилик, ошна – оғайнigarчилик асосида таксимлашга йўл очилган. Бу йўл билан тайинланган раҳбарлардан юрт, Ватан, истиклол манфаати учун нима кутиш мумкин?

Баъзи раҳбар шахсларни ишдан олиш, уларнинг наздида, жонини олишдай гап. Қурқади. Нега? Қулидан бошқа иш келмайдими? Оч қоладими? Йўқ. Сабаби шуки, амалини сунистеъмол килиб келган бўлади. Мансабдан манфаат топмаса, нега бунча қўрқади?

И.А. Каримов. Биздан озод ва обод
Ватан қолсин. Т-II.
Т.: Узбекистон,
1996. 67–68-бетлар.

* * *

Бугунги замон раҳбарлик лавозимида ўтирганлардан қатъият талаб килади. Раҳбар бўлиш ҳамманинг ҳам пешонасига ёзилмаган.

Заиф, ўз соясидан қўрқадиган, лекин ўз манфаатини эсидан чиқармаётган шахслар – ўйинчилар билсинки, уларнинг замони – даври ўтди.

Энди ёш, эл-юрт ишига жонини тиккан – мен учинчи тоифага киритган кадрларга умид боғлашимиз

керак. Мен Қашқадарёда юрганимда ана шундай ёшларни кўрсам, қани энди, бирон урин бўшасаю уларни кўтарсам, деб орзу килардим. Бунинг учун вилоятдаги ана шундай ёшларни излаб топиш, яъни ташкилий ишларни яхши йўлга кўйиш керак.

Хозир бир куни – бир ойга, бир ойи – бир йилга тенг тарихий даврни бошдан кечиряпмиз. Кечағи үлчовлар бугунга тўғри келмайди. Шунинг учун ҳам агар мендан: “Президент, давлат раҳбари сифатида юрагингдаги энг катта, эзгу ниятинг нима?”, – деб суралса – Аллоҳ таолога минг шукроналар айтиб, эл-юртимизга тинчлик-осойишталик сурардим, халқимизнинг ризқини, насибасини сурардим, ҳар бир хонадонимизнинг тотувлигини, фарзандларимизнинг баҳтини илтижо килардим.

“Ана шу максад-муродимизга етиш учун нима керак?”, – деб суралса – “Авваломбор, эл-юртимизга инсофли, диёнатли, билимдон, тажрибали раҳбарлар, фаоллар керак, эл-юрт обруси учун, ватанимиз манфаати учун жонини тиккан жонкуяр, камарбаста раҳбарлар керак. Қани энди шундайлар ҳар қайси вилоятда, туманда кўпроқ бўлса”, дер эдим.

Ҳар қайси шаҳар, туманларимизда, йўлларнинг ҳар бир чорраҳасида мана шу – ҳаммамизнинг қалбимизда бўлган, ҳаммамизни муқаддас ишларга чорлайдиган сермазмун шиорни катта-катта ҳарфлар билан ёзиб кўярдим: “Бу азиз Ватан – барчамизники. Унинг баҳт-саодати, ёруг истиқболи, фаровон келажаги учун яшаш, курашиш, керак бўлса жонни фидо қилиш шу муқаддас заминда яшаётган ҳар бир инсон учун баҳтдир”.

**И.А. Каримов. Биздан озод ва обод
Ватан қолсин. Т-II.
Т.: Ўзбекистон, 1996. 69-бет.**

* * *

Ҳокимлар, каттаю кичик раҳбарлар халқнинг турмushiдан, қандай кун кечираётганидан эрtaю кеч хабардор бўлиши, аҳолининг таъминотини жой-жойига қўйиши керак...

Одамлар ҳокимларни ҳимоячиларимиз, деб сайлайди, бу курук гап эмас. Бир ҳоким сайланганидан кейин маълум вакт ўтади, халқ унинг фаолиятини ташаббускорлик ва жонкуярлик эвазига амалга оширган ишлари билан баҳолайди. Бу гап вазирларга ҳам тегишли. Одамларнинг назарида сиз килган ишлар қандай қўринади – шуни унутманг!

И.А. Каримов. Биздан озод ва обод
Ватан қолсин. Т-II.
Т.: Ўзбекистон, 1996. 86-бет.

* * *

Энди раҳбарлар ҳакида, уларнинг вазифалари ва масъулияти ҳакида гаплашиб олсак. Мана, бугун янги ҳоким сайламокчимиз. Шунча раҳбарлар орасидан бир кишини танлашимиз керак. Шундай экан, у ўзи билан ишлайдиган одамлардан қайсиdir фазилатлари билан устунроқ бўлиши керакми ёки йўқми? Хўш, биз бугун катта ишонч билдириб, катта лавозимларга қўяётган кишилардан қайси сифатларни талаб қилишимиз зарур?

Энг аввало, раҳбардан акл-идрок талаб этилади. Акл-идрокли бўлиш билан бир каторда раҳбар одам мустахкам иродали, иймони бугун, ориятли бўлиши шарт. У бағри кенг, айни замонда талабчан бўлиши даркор.

И.А. Каримов. Биздан озод ва обод
Ватан қолсин. Т-II.
Т.: Ўзбекистон, 1996. 119-бет.

* * *

Жасур, матонатли раҳбар элнинг дуосини олади, масъулиятни англамайдиган, мақтовни ўзи олиб, хато ва камчиликни бошқаларга ағдараалиган, тили бошқаю дили бошқа кимсалардан Худо сакласин.

Бизга ташкилотчи, ташаббус кўрсатиб, бошқаларни хам эргаштира оладиган раҳбарлар керак, чунки бундай инсонлар халқни жипслаштиради, савобли ишларга сафарбар этади.

Ичикора одамлар раҳбар бўлолмайди. Юксак лавозимли киши кечиримли бўлиши, билмай хато қилган ходимларга хатоларни тузатиш имконини бериши зарур.

Иккинчи талаб шуки, раҳбари чинакам юргарвар, ватанпарвар бўлмаган жойда иш олға силжимайди, эл-юрт ташвишини ўз ташвиши деб қабул қиласидиган, эл дарди билан ёниб яшайдиган инсонги на халқ ҳурматига лойик булади.

Раҳбарнинг обру-эътибори пурим кийиниши, савлату-салобати билан эмас, балки етим-есирларга, ногиронларга, мухтоҷларга, кексаларга меҳрибонлиги билан ўлчанади. Эл-юртнинг маъракасидан колмаслик керак. Даблабали тўйларга бормаслик мумкин, лекин азада азадор билан бирга бўлиши керак. Етим-есирнинг бошини силаган, улардан ёрдамини аямаган одам ҳеч қачон хор бўлмайди. Халқка ва ватанга садоқат ота-онага садоқатдан бошланади. Ота-онаси рози инсондан Худо хам рози.

Илгари бир “касб” бўларди. Унинг номи “партия ходими” эди. У замонлар ўтиб кетди. Биз раҳбарлик лавозимларида ўқимишли, илму фанга чанқоқ, изланувчан кишиларни кўрмокни истаймиз. Раҳбар шахс энг камида битта касбу ҳунар негизини билиши, шу касб згаси сифатида бошқаларга устозлик қила оладиган даражада бўлиши шарт. Маданият, одоб-ахлоқ бобида хам кишилар ўз раҳбарларидан намуна олса нақадар ибратли бўларди!

Чинакам раҳбар енгил-елпи шухратга, курук даб дабага учмайди. У ўз қадрини билиши баробарида ўзгаларнинг ҳам қадрига етади.

Раҳбар одамларга ишониши керак. Ўз ўринбосарларига, ўз ёрдамчиларига ишониб, уларнинг ҳар бири ўсоҳасида мустакил тарзда иш юритишига имкон бериши зарур. Акс ҳолда, ҳамма вазифа ва бурчларни битта ўзи гарданига олиб, асосий йуналишдан чалғииди, диккати бўлинади, майда-чуйда ташвишларга кўмилиб қолиб умумий раҳбарлик жиловини кўлдан чиқариб қўяди. “Ёлғиз отнинг чанги чиқмас, чанги чиқса-да – донги чиқмас”, деган нақл бор.

Бугун ўтказаётган сиёсатимиз аниқ, муддао равшан. тараккиёт дастуримиз мавжуд. Энди уларни амалга оширадиган, мустақиллигимиз ва ҳалқимиз фаровонлиги йўлида фидойилик қила оладиган раҳбарлар керак.

И.А. Каримов. Биздан озод ва обод
Ватан қолсин. Т-II.
Т.: Ўзбекистон,
1996. 120–121-бетлар.

* * *

Олдимиизда турган энг муҳим, энг долзарб. тақдиримизни ҳал этувчи масалалардан бири – давлат бошқарувида, тармоқ ва хўжалик раҳбарлигига, назорат қилувчи ташкилотларда, жойлардаги ҳоким ва бошқа мансабдор шахсларда масъулиятни ошириш, таъмагирлик, пораҳўрлик, бюрократизм сарқитлари боткогидан чиқиш, биз тутган йўлни тушунмасдан, нафс балосига мубтало бўлган, нафс балосига тушган кимсалардан ҳалос бўлиш ва уларни жавобгарликка тортиш.

Яна бир муҳим масала – фаолларимизни, раҳбарларимизни, Президентдан то оддий фукарогача ёши ва вазифасидан катъий назар – ҳаммани бу-

гунги замон талабларига, бозор иктисодиёти қонун-қоидаларига ўргатиш, малакасини ошириш. Бу вазифани бажариш учун ҳар қанча вақтни ва ҳар қандай маблагни аямаслик зарур. Керак бўлса, республикамиз бўйича шу мақсадга қаратилган маҳсус дастур тузамиз. Ўзининг кучига, савиясига, билимига танкидий кўз билан қараш ва тўғри баҳо бериш ҳеч кимга зарар қилмаган, айб ҳам эмас. Буни ҳаммамиз тушунишимиз лозим.

Замон талабларига мос бўлиш учун ҳаммамиз қайтадан ўқишимиз даркор. Бунинг айби йўқ. Ўқиш ва урганиш ҳеч кимга зарар етказмаган. Агар қайсарликка бориб, масаланинг моҳиятини яхши тушунмасак, унда хато қиламиз. Бирордан сўраб ўрганишнинг айби йўқ. Аммо биз кўпинча қайсарлигимиз боис, “Мен раҳбарман, катта лавозимда ўтирибман, қандай қилиб билмаганимни ўргатинг, деб айта оламан”, деган нотўғри фикрга борамиз. Бирор марта каттарок лавозимдаги одам мажлис минбаридан туриб: “Мен бу масалани билмайман”, деганини эшитганимисизлар? Йўқ. Мени кечирасизлару, лекин ҳаммамиз ҳам раҳбар сифатида бироз кеккайиб, гудайиб қолганимиз. Лавозим ёки вазифага эга бўлибок дарров ўзгариб қоламиз. Бошқаларни назарга илмай қўямиз. Худди атрофдагилар биздан акли, савияси пастдек туюлади. Энг катта хатомиз ана шунда.

Жойлардаги ҳокимлар ва мутахассисларга кўпроқ ишониш ва уларга эркинлик бериш вақти келди. Келаётган маълумотлар ва текширишлар шуни курсатадики, масъулиятини яхши англаётган, ваколатлари ва ҳалқ ишончидан тўғри фойдаланаётган ҳокимлар жуда катта ижобий ишларни амалга ошириб, эл-юрг хурматига сазовор бўлмоқдалар...

Энг аввало, ҳокимлар ҳамма соҳада барчага намуна булиши лозим. Ҳокимнинг бурчи ва вазифалари хусусида кўп гапирамиз, чунки уларга катта хукук берилган.

ларнинг даври ўтди. Бундай вазиятнинг энг хавфли жойи шундаки, сўзи бошкаю, иши-килмиши бошка раҳбарларнинг ва иккюзламачи шахсларнинг “фаолияти” туфайли эзгу ғояларимиз, ҳалқнинг олийжаноб умидлари ўз қадр-кимматини йўқотиши мумкин. Одамларнинг улуғ мақсадларга бўлган ишонч, интилишлари сўнади.

Эл-юрт катта ишонч билан сайлаган раҳбарлар, фолларимиз, ҳокимларнинг масъулияти ҳакида алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. Бу савол бугунги мажлисимишининг асосий масаласи, асосий мақсади.

Биз ўз йўлимизни танлаб олдик. Шу йўлдан боришга ахду паймон килдик. “Кемага тушганнинг жони бир”, деган накл бор. Фараз килингки, Ўзбекистон бамисоли бир кема, Бухоро, Хоразм, Самарқанд, Фарғона, умуман, вилоятлар, барча туманлар шу кемага тушган жон. Демак, уларнинг мақсади ҳам, ниятлари ҳам, ҳаракатлари ҳам бир бўлиши керакми-йўкми? Бирортаси агар ўзини у ёкка-бу ёкка ташлайдиган бўлса, бу кеманинг такдири нима бўлади?! Гирдобрларга, тўфонларга дош беролмай чўкиб кетади.

Шундай экан, амалга оширилаётган ислохотлар, авваламбор, раҳбарлар учун ҳаёт-мамот масаласига айланиши шарт. Бугунги куннинг сиёсий талабларини англаш, уларга муносиб бўлиш керак.

Биз ҳеч кимни мажбуран раҳбарликка қуяётганимиз йўқ. Бу борада ҳеч кимга зуғум ҳам қилинаётгани йўқ. Агарки, қайси бир раҳбарга шу сиёsat маъкул бўлмаса ёки ўзи шу сиёsatга муносиб бўлмаса, мардона келиб, “Энди, бу талаблар жуда кучайиб кетди, мени ўз ҳолимга қўйинглар, мен бу мақсадларга лойик эмасман”, деб айтиши лозим эмасми?!

Мен, мана, турт-беш йилдан бери ишляйпман, лекин бундай мард одамларни жуда кам кўраяпман.

Минг афсуски, айрим раҳбарларимиз айтаяётган гапларига, юритаётган сиёsatларига ўзлари ишон-

майди. Гоҳ у томонга, гоҳ бу томонга шоҳ ташлаб, “үйин” қилиб туради. Иродаси мурт, иймони суст бундай раҳбарларнинг хатти-харакатлариға қатъият билан муносиб баҳо бериш лозим.

И.А. Каримов. Биздан озод ва обод
Ватан колсин. Т-II.
Т.: Ўзбекистон,
1996. 188–189-бетлар.

* * *

...Бугун замон оғир, ўтиш йўли мураккаб, аниқ бир таянч нуктасини топиш мушкул. Аммо республикамизда сиёсий ва ижтимоий тараққиётнинг ўзига хос ва ўзига мос йўли ишлаб чиқилди. Халқимиз уни маъқуллади. Бу йўлни жаҳон эътироф этди. Ҳатто ашаддий мухолифларимиз ҳам уни тан олишга мажбур бўлмоқда. Эндиги вазифа – шу сиёсий йўлни окиллик ва ахиллик билан амалга оширишдан иборат.

Бироқ, таассуфки, баъзи жойларда, айрим раҳбарлар орасида иккиланиш, бекарорлик кайфиятлари мавжуд. Қархисида бирон-бир тўсик, жиддий бир синов пайдо бўлганида ўзини буткул йўқотиб қўйиш ҳолаглари сезилмоқда. Шундай вазиятга тушиб қолганда ҳалқидан, Ватанидан, иймон-эътиқодидан осонгина кечиб юбораётган кимсаларни ҳам кўриб турибмиз.

Ҳаётда учрайдиган аччиқ тажрибалардан мен ўзимга бир хулоса чиқариб олдим.

Садоқатли бўлиш учун инсон, аввало, мард бўлиши қерак экан.

Буниям англанлар. Тагига етиб боринглар. Садоқатли одам бошига қилич келганда ҳам сўзидан, аҳду кароридан қайтмайди. Инсон, аввало, оиласига, ҳалқига, Ватанига садоқатли, вафодор бўлиши зарур.

Айни вактда уларнинг масъулияти ва жавобгарлиги ҳам жуда катта.

И.А. Каримов. Биздан озод ва обод
Ватан қолсин. Т-II.
Т.: Ўзбекистон,
1996. 135–136-бетлар.

* * *

Ислоҳот йўлидаги барча ҳаракатларимизни йўкка чикарадиган яна бир сабаб, бу – республика давлат бошқаруви идоралари, икгисодий хукмрон ташкилотлар, вазирлик, концерн ва уюшмалар, шу жумладан, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, “Ўзмевасабзавотузумсаноат” концерни раҳбарияти, вилоят, туман хукмдорлари фоилиятида хўжаликларга нисбатан эскидан колган маъмурий-буйруқбозлик, котиб колган зўравонлик усулларини ишлатиш, ҳисобот сураси, янгича иш юритмоқчи бўлган хўжаликларни эски қолилларга киритиш ҳаракатлари барҳам тоғмаганидир. Бунга ҳам биз тегишли баҳо беришимиз зарур.

Биз маҳсус қарор билан давлат буюртмасини бекор килсак, баъзи вазирлик ва идоралар ўзларининг буюртмасини ўйлаб чиқариб жорий этяпти. Совет тузумидан колган бундай иш услубидан воз кечиш керак.

Бундай иш услублари ва ҳаракатлар, авваламбор, жойлардаги масъул вазифаларда ўтирган раҳбар ва мутахассисларнинг ўз билимини оширмаганлигидан, бугунги замон талабларига жавоб бермаслигидан, малакаси етишмаслигидан, суяги эски тизим пайтида котиб колганидан далолат беради.

Биродарлар, мен яна такрор айтаман: эски тузум саркитидан қайтинглар. Фикрингизни ўзгартиринг. Ишлаб чиқаришга, ҳаётга бўлган муносабатингизни ўзгартиринг. Бусиз ислоҳотларни ўзгартириш мумкин эмас.

Биз яқинда шундай қарорға келдік: ҳар қайси вилоят ва туман рахбарларини чет әлларға юборамиз. У ерлардаги хұжалик юритиш тарзини, фикрлаш йүсінини, мәхнатни ташкил килишни күришимиз, ҳар томонлама үрганишимиз керак. Манфаатли, фойдалы битимлар тузиш даркор. Мабодо бу ишлар бугун натижа бермаса, зерттега самара бериши мүкаррардир.

Шуни очик айтиш керакки, расмиятчилик, күзбүймачилик ва билем ҳамда масъулият етишмаслиги билан бирга айрим жойларда масъул ходимлар томонидан янгиликларға мутлақо зид ёндашувлар содир этилаёттанини кузатиш мүмкін. Бозор иқтисодиёти йулида қилаёттгач ҳаракатларимизнинг афзаллигини ва обрусини оддий мәхнатчилар күзи олдида пастға уришга ҳаракат қилиш ҳоллари ҳам кам эмас.

И.А. Каримов. Биздан озод ва обод
Ватан қолсиин. Т-II.
Т.: Ўзбекистон,
1996. 165–166-бетлар.

* * *

Танланған йўлнинг тўғрилигига, унинг манзилга бехато олиб чиқишига, аввало, етакчиларнинг ўзлари қаттік ишонган булиши керак. Карвонни бошлаб бораётган сарбон йўлнинг пасту баландини, ҳавфу ҳатарли жойларини яхши билиши, уларга яраша олдиндан ҳозирлик кўриб қўйиши шарт. Ортидан келаётганларнинг тинчлигини, оромини таъминлаш учун уз ҳузур-ҳаловатини қурбон килиши керак. Шунга тайёр одамгина сарбонлик, рахбарлик масъулиятини бўйнига, зиммасига олиши лозим.

Ҳалқ ишонч билдирган рахбарнинг сүзи ва иши, яъни тили ва дили бир булиши бугун энг муҳим ҳаётий заруратга айланди. Баландпарвоз, ҳавойи гап-

Бугунги замонда садоқатли бўлиш қийин. Оқим у томонга тортади, нафс бу томонга, "үйинчилик" бошка томонга. Шундай пайтда одам агар мард бўлса, иродаси бақувват бўлса, у ёк-бу ёкка оғиб юрмайди.

Нима учун бизларда ўйин бўлаяпти? Нима учун ҳар эҳтимолга қарши гоҳ униси билан ўйнаймиз, гоҳ буниси билан?

Сабаб шундаки, кўпчилик масъул раҳбарларда ҳаётий позиция, фукаролик бурчини теран англаш, бугунги давлат сиёсатига аниқ муносабат етишмайди. Раҳбар бўлиш учун, авваламбор, курашчи бўлиш керак, иродаси бақувват, иймони бутун бўлиши даркор.

Етакчи, раҳбар шахс биринчи галда пок ва шижоатли, азму қарор сохиби бўлиши лозим. Амир Темур бобомизнинг бу борадаги ўғитлари ҳар биримизга ибрат бўла олади.

Тажрибамдан кўраяпманки, улуг бобомиз айтганидек, ишбилармон, тадбиркор, хушёр, азми қатъий, мардлик ва шижоат сохиби бўлган бир одам мингминглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир. Чунки масъулиятсиз ва бепарво раҳбар минг кишига ортиқча иш орттириши мукаррар.

Айтайлик, раҳбар одам бугунги иқтисодий ислохотларга ўзи ишонмаса, уларнинг моҳияти ва оқибатларини билмаса, бир сўз билан айтганда, "ўйинчи" бўлса, қандай килиб бошқаларни бунга ишонтиради? Қандай килиб уларни ортидан эргаштира олади?!

Биз ҳаммамиз эски замон тузумини бошимиздан ўтказдик ва ундан аччик, аммо зарур хуласалар чиқардик.

Энг асосий хулоса шу бўлдики, маъмурий-буйруқбозлик йўли билан иқтисодиётни ривожлантириб бўлмас экан. Бутун жаҳон тажрибаси ҳам, ўзимизнинг тажрибамиз ҳам шуни исботлаб турибди...

Албатта, ҳаммамиз ҳам ўша тизимда шаклланган одамлармиз. Ҳеч биримиз осмондан тушган эмасмиз. Мен бу фикрни кўп айтганман, ҳозир яна такрорламокчиман.

Лекин бир масалада ўзимизнинг аник қароримизга келишимиз зарур. Эски мустабид, хукмронлик, зўравонлик, буйруқбозлик замонига қайтиш йўк. Эски тизимда суги қотган, шу замонни кўмсаб юрган, истаб, ҳавас килиб юрган раҳбарларга орамизда ўрин бўлмаслиги керак. Буни ҳаммамиз англаб олишимиз зарур.

Яқин ўтмишимизда катта мавқега эга бўлган, маълум бир сиёсий гурухга мансублиги билан гердайиб юрган айrim масъул раҳбарларни қандай тушуниш мумкин?!

Уларнинг бундай бачкана ва калтабинлик билан килаётган хатти-ҳаракатларини қандай изоҳлаш мумкин?!

Бу вазиятнинг ҳавфли жойи шундаки, бундай раҳбар ўз атрофида, теварагида ўзига ўхшаган кимсаларни йигиб олади ва уларни бор кучи билан ҳимоя килади.

Билиб кўйинглар, ҳалқ, жамият кимнинг қандай партия ё ҳаракатга мансуб бўлганига караб эмас, эл-юрт манфаати йўлида қилаётган амалий ишларига караб баҳо беради.

И.А. Каримов. Биздан озод ва обод

Ватан қолсин.

**Т-II. Т.: Узбекистон,
1996. 195–197-бетлар.**

* * *

Раҳбар одам – юргнинг отаси, катта-кичикка, бойу камбағалга бирдай муносабатда булиши лозим. Сохта обру, асьасаю дабдаба кетидан кувган, босар-тусарини билмай қолган ҳар турли шахсларга ҳушёр кўз билан караб, ўз шаънини пок саклаб юриши керакми-йўкми?...

...Бугунги қийинчиликлардан фойдаланиб, конунга зид равишда ҳалқни талаш хисобидан бойлик ортираётган баъзи шахслар ҳам борки, улар давлат ва жамият учун жиддий ҳавф тугдирмоқда. Биз бундай ҳолат ва

шахсларга карши муросасиз кураш олиб боряпмиз. Бу – мавсумий бир иш эмас, бизнинг изчил, катъий сиёсатимиздир.

Бордию, бундай ишларга раҳбар шахслар аралашиб колган бўлса, сўров ҳам, жазо ҳам шунга яраша қаттиқ бўлади. Мен бу ҳакда яна бир карра кескин огохлантириб ўтаман: бундай кимсалар шафқат кутмасин!..

Шуни унутмаслик керакки, таъмагирлик, турачилик, пораҳўрлик, кибр-ҳаво, коррупция нихоятда юқумли ва хавфли касалликдир. Ўз вактида унинг олди олинмаса, бу мараз бутун жамият танасига ёйнилиши ва уни ҳалок қилиши мумкин. Бу иллат, аввало, шу касалга мубтало бўлган одамнинг ўзини еб ишдан чиқаради. Унинг иймонини, охиратини хонавайрон килади. Сўнгра бошқа инсонларни, аста-секин бутун жамиятни емиришга ўтади.

Эҳтимол, дастлабки вактда бу касалликни одамлардан яшириш ҳам мумкин бўлар. Аммо ҳалкни алдаб бўлмайди. Қингир одамнинг қилигини ўзи билдирамаса, боласи билдирамаса, хотини билдиради. Хотини билдирамаса, ёнидаги малайлари билдиради.

Эҳтимол, нопок раҳбарнинг қилмишларини назорат органлари билмаслиги ҳам мумкин. Аммо ҳалқ билади. Ҳалқ билган куни бундай раҳбар назардан қолади.

Ҳалқ назаридан қолиш эса – агар жиндек виждо ни бўлса, улим билан баробардир.

И.А. Каримов. Биздан озод ва обод
Ватан қолсин. Т-II.
Т.: Ўзбекистон,
1996. 199–200-бетлар.

* * *

Ислоҳотни ҳаётга татбик этиш, унинг одамларга маифаат келтиришига эришиш энди жойлардаги ҳокимларнинг дунёқараши, билим, ақл-заковатига

боглик бўлиб қолди. Шу маънода ҳоким, яъни етакчи үзини сайлаган, унга ишонч билдирган одамлар назарида обрули бўлиши, бошқаларга нисбатан билимлирок, узокни кўра оладиган, эл-юрт дардини чукуррок тушунадиган, азму қарори қатъий, қуашчи бўлиши керак.

Барчамиз ҳам Аллоҳ таолонинг бандаларимиз. Демоқчиманки, раҳбар ҳам одам. Унинг ҳам қариндошурugi, дустлари, үзига яраша шахсий ташвишлари бор. Лекин раҳбарлик масъулияти шундаки, у, аввало, эл-юрт тақдирни учун жавобгар. Ҳадиси шарифда таъкидланганидек, раҳбарликнинг макоми элу юртга оталикдир. Окил ота эса фарзандларини хеч қачон яхши-ёмонга ажратмайди. Барчасига teng кўз билан қараб, уларнинг бошини ковуштириб, пировардилә, хонадон ободонлигига эришади. Бунинг акси бўлган жойда ҳалқ орасига адоварат тушади, қарама-каршилик кучаяди, иш эса орқага кетади, одамларнинг бир-бирига ишончи йўколади, турли кингир ишларга йўл очилади.

**И.А. Каримов. Биздан озод ва обод
Ватан колсин. Т-Н.
Т.: Узбекистон,
1996. 202–203-бетлар.**

* * *

Ҳокимлар – Президентнинг жойлардаги вакилларидир. Президент олға суроётган сиёсатни одамлар онгига етказиш, уларни белгилаб олинган тараққиёт йўлидан бошлаш, улуғвор ишларга давват этиш ҳокимларнинг муқаддас бурчидир. Шундай экан, ҳалқ билан бирга бўлиш керак. Улуғ максад – Узбекистоннинг тарақкий топган давлатлар сафидан урин олиши, ҳалқимизнинг фаровон турмушга эришуви йўлида бир тану бир жон бўлиб ҳаракат қилиш за-

рур. Ҳеч кимни оёғи ердан узилгулик, эл назаридан қолгулик килмасин.

И.А. Каримов. Биздан озод ва обод
Ватан қолсин. Т-II.
Т.: Ўзбекистон, 1996. 206-бет.

* * *

Халқимизда бир мақол бор: “Минг ишчига – бир бошчи”. Бундан шундай хулоса чиқадики, аграр секторимизда ҳам самарадорликка эришмок учун, биринчи навбатда, ҳар погонага раҳбарни тўғри танлаш, иш тизимини оқилона ташкил этиш керак.

Бугунги иктисадий ислоҳотларимизнинг пиравард натижалари раҳбар ходимларнинг изланувчанлиги ва тадбиркорлигига, поклиги ва қатъиятига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Буни ҳеч ким инкор килолмайди.

Бугун шундай замон келдики, мана шу муаммони ечмасдан, етук раҳбарларга, ёш ва иқтидорли тадбиркорларга ва мутахассисларга кенг йўл очиб бермасдан, уларга таянмасдан туриб асло олға юролмаймиз. Бу ҳаммамизга маълум ва равшан булиши керак.

И.А. Каримов. Биздан озод ва обод
Ватан қолсин. Т-II.
Т.: Ўзбекистон, 1996. 216-бет.

* * *

Ҳокимларнинг бурчи – ҳалқ тақдирини ўйлаш, майда-чуйда ташвишларга ўралашиб қолмасдан, энг йирик вазифаларни ҳал этиш, маданий ва маърифий ишларга тўғри йўналиш бериш. Ҳокимлар одамларнинг ташвишларидан, юмушларидан хабардор булиб, узаро бирлаштириб, руҳларини кўтариб,

зарур шарт-шароитлар ва маънавий иқлим яратиб, уларни олдимизда турган мақсадлар ижросига сафарбар этишлари лозим.

Албатта, турли хўжаликларга бориб кўрсатмалар бериш осон. Вилоят, туман ва қишлоқларнинг истиқболини кўра билиш эса, ғоят мураккаб ишdir.

Жойларда йўл кўйилган камчиликларни, бепарволик ва локайдлик холатларини кўриб, раҳбарлардан изланувчанлик ва тадбиркорликни талаб этишга тұғри келади. Лекин бу талабларнинг бажарилиши амалда кўринмаса, оғиррок карорларни кабул килишга мажбурмиз.

Мен бугун шу минбардан ҳокимларимизга яна бир марта мурожаат килиб, шу гаплардан тегишли хulosса чикиришни сўрайман. Такрорлаб айтаман: биз ким нима килишини узил-кесил аниклаб олдик. **Хўжалик раҳбари ўз ишини қиласи, қурувчи – ўз ишини!** Дехкон ҳам ўз ишини ўзи эплайди, зиёлининг ҳам ўз бурчи ва ўз юмуши бор. Хulosса шуки, ишни билиб қилаётган одамларга халакит бермаслик керак.

Менинг бу масалада куйиб-пишиб гапираётганимнинг боиси нимада? Ҳозир ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий ва маънавий соҳаларда олиб борилаётган сиёсатимизнинг тақдири бир нарсага – жойлардаги раҳбарларнинг масъулиятига, ўз ишини билиб бажаришига боғлиқ булиб қолган.

Халқ ва мамлакат раҳбарияти ишонч билдирган кишилар ўз вазифасини пухта ва ҳалол бажарса бас, бугунги мушкулотлар ўз-ўзидан ечилади. Бунинг учун ҳокимлар маънавий уйғоқ булиши керак...

Ҳокимларимиз орасида ҳалол ва пок инсонлар кўп. Афсуски, баъзида уларда ташаббускорлик этишмайди. Инсон изланувчан булиши керак. Вактни аямасдан, ҳалқ орасида булиб, унинг ташвишини билиб, мавжуд муаммоларни ечиш йўлини ахтариш лозим. Билиб кўйинглар, кимдир бирор бошқа жойдан келиб, бизнинг ишлари-

мизни бажариб бермайди. Энди турли баҳоналар билан, ўз ташвишимизни ўзгаларнинг елкасига ташлай олмаймиз. Ўз тақдиримизни ўзимиз ҳал этишимиз керак.

Бизнинг асосий бойлигимиз, ривожланган давлат тузишга олиб борадиган йўлдаги асосий таянчимиз – инсондир. Юксак малакали ва юксак маънавиятли инсондир.

И.А. Каримов. Биздан озод ва обод
Ватан қолсин. Т-II.
Т.: Ўзбекистон,
1996. 223–224-бетлар.

* * *

Ҳар ким ўз нонини ҳалол топса, ўз вазифасини тұғри бажарса, олам гулистон бўлмайдими, ахир?

Мен, одатда, масъулиятли лавозимга тайинланаётган одамдан: “Шу иш қўлингиздан келадими, билимингиз, тажрибангиз етадими?”, –деб сўрайман. Кўпчиликнинг жавоби шундай бўлади: “Мен солдатман, каёкка юборсангиз боравераман, содикман” ва ҳоказо. Бу ерда битта «шарт» бор: агар катта лавозим таклиф килинаётган бўлса.

Нега ҳеч ким ўзига баҳо бериб, имкониятини чамалаб кўрмайди? “Йўқ, бу иш қўлимдан келмайди”, деб очик айтмайди?

Аслида ҳар соҳанинг бевосита раҳбари, ҳалқимиз ти-лида айтганда, ҳар соҳанинг ўз эгаси бор. Афсуски, улар кўпроқ тантанали маросимларда кўриниш берадилар ва савлат тўкиб ўтирадилар, холос. Топширилган иш учун жавоб бериш талаб этилганида эса, ҳеч кимни топиб бўлмайди. Ҳамма айбни бир-бирига ағдараверади. Хуллас, муаммо кўпу, ҳал килувчи йўқ, раҳбар кўпу, жавобгар йўқ.

Кўпчилик хафа бўлмасину, айрим раҳбарларнинг ғалати хислатлари ҳакида гапирмоқчиман. Улар кўл ости-

даги одамларга етарли эътибор бермайди, ўзидан юкори амалдорлар олдида эса, саккиз букилиб салом беради. Ишни билмайди десангиз, ўз манфаати йўлида калласини шундай ишлатадики, ҳайрон қоласиз! Ана шуларни куриб, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишда янглишиш нақадар мушкул оқибатларга олиб келиши мумкинлигига амин бўласиз.

И.А. Каримов. Биздан озод ва обод
Ватан колсин. Т-II.
Т.: Ўзбекистон, 1996. 277-бет.

* * *

Бугун ислохотнинг қай даражада амалга ошиши раҳбарларнинг дунёкарашига, ҳалол ва поқ, тадбиркор ва ташаббускор бўлишига боғликдир.

Раҳбарлик – лавозим, мансаб эмас, аввало, одамларга хизмат қилиш масъулияти эканини барча тўғри тушуниб олмоғи зарур. Раҳбар дегани ҳаммадан кўпроқ ишлаб, фуқаролар саодати ва юрти равнаки учун елиб-югурадиган фидойи инсон бўлиши керак.

Халк ҳамиша ўз дастурхонига, туриш-турмушига караб раҳбарларнинг ишига баҳо беради. Халқимиз сабртоткатли, чидамли халқ. Уни ўз ҳолига ташлаб қўйиш – ута масъулиятсизлик, инсофисизликдир. Ўзининг хаттихаракати билан ҳукumat шаънига доғ туширадиган раҳбарлар орамизда бўлмаслиги керак.

Ҳаёт тажрибаси шуни кўрсатадики, бирор масалада халқка мурожаат қилинса, “Эй, ҳалойик, мана шундай масала, тўсик бор, шуни ечишга ёрдам беринглар”, дейилса, халқ доимо “лаббай！”, деб жавоб беради. Халқ – катта куч. Ҳамма гап – шу кучдан оқилона фойдаланиш, одамларни савобли, ижобий ишларга жалб кила билишда. Агар мансабдор, раҳбарлик лавозимида ўтирганлар ташаббус кўрсатиб, жонкуярлик қилиб, курашга, аввало,

ўзи бел боғласа, колаверса, халққа мурожаат қылса, ҳар доим халкимиз ёрдамга чиқади.

И.А. Каримов. Биздан озод ва обод
Ватан колсин. Т-II.
Т.: Ўзбекистон, 1996. 279–280-бетлар.

* * *

Бир нарсани жуда яхши ўрганиб олганмиз: минбарларда, мажлисларда сўзга чиқиб, ислоҳотларни мактамиз, иш килаяпмиз, деб одамларни ишонтирамиз, баландпарвоз ваъдалар берамиз, амалда эса – бутунлай бошка ҳолат.

Бундай юқумли касалликдан, хўжакўрсинга вай-сашдан, расмиятчиликдан тезрок кутилиш керак. Бундай ҳолатнинг чўзилиши, аввало, ислоҳотнинг ўзига, аҳамияти ва обрўйига доғ тушуриши, охир-окибатда эса, одамларимизнинг ислоҳотлардан ихлоси қайтишига сабаб булиши мумкин.

Бугунги энг муҳим вазифа – халқимизнинг, ишчиларимизнинг бор кучини бунёдкорликка сафарбар қилиш.

Албатта, ҳаммамиз ҳам, биринчи навбатда, раҳбарлик лавозимида ўтирган кишилар, бугунги кун талаблариға жавоб бериш учун билим ва малакамизни оширишимиз, замонавий тажрибаларни қунт билан ўрганиш, изланиш ва тадбиркорлик йўлида ўзимизни аямаслигимиз лозим.

Албатта, тайёр раҳбар ва мутахассисларни топиш кийин. Аслидабу – энг мураккаб масала. Чунки раҳбарлик кобилияти ҳам одамнинг пешонасига битилган бўлади. Агар раҳбар эгаллаган лавозимига муносиб бўлса, ўша жойда халқ ўз химоясини топади. Лекин, минг афсуски, раҳбарларимизнинг кўпчилиги ҳануз бокимандалик кай-

фиятидан кутулгани йўқ, эски тизимнинг қотиб колган услугуб ва асоратларидан халос бўлмаяпти.

Кимдир юқоридан келиб уларга ҳамма шартшароитларни ташкил қилишига умид боғлаб, ўз масъулиятини сезмасдан ўтирган раҳбарларни учратиш жуда ачинарли ҳолдир.

Ҳаммамиз яхши тушунамиз: бугунги кийинчиликларни енгиш, тўғри йул топиш, бу – жуда мураккаб ва қийин вазифа. Лекин, шу билан бирга, раҳбарлик қобилияти бўлган, керак бўлса, қаттиққўллик хусусиятларига эга, инсофли, диёнатли одамларнинг гина раҳбарлик тўнини кийишига маънавий ҳакки бор. “Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак”, деган шиор, энг аввало, ана шу раҳбарларнинг ҳаётий маслаги бўлмоғи лозим.

Раҳбарлик қобилияти ҳам, менинг фикримча, одамзодга Аллоҳ Таоло берадиган ноёб бир инъомдир. Бинобарин, раҳбар шахс ана шу юксак талаб ва мезонларга муносиб булиши зарур. Куп ҳолларда раҳбарлик лавозими таклиф этилган кишилардан “ишончингиз учун раҳмат”, “топшириғингизни бажараман”, деган гапларни эшитамиз. Афсуски, бу одамларнинг барчasi ҳам зиммасига олаётган масъуллиятини теран тушувавермайди. Баъзан беихтиёр ўйлаб қоламан: шундай бир асбоб-ускуна бўлсанки, у билан раҳбарликка номзоднинг ўй-фикрини, билимини, диёнатини яққол кўриб, кейин фармонга имзо чексам!..

Ҳаётий тажриба шуни курсатадики, инсофли, янгиликка интилувчи, кучли раҳбар атрофида соғлом фикрловчи, изланувчан, тадбиркор ва ишбилармон кишилар кўпаяли. Карабсизки, бундай иш қайнаб турган жойда муҳит ҳам соғлом, одамларнинг кайфияти ҳам яхши.

Муҳит қаерда носоғлом? Бу саволга аниқ жавоб бериш мумкин.

Құлидан иш келмайдын, манманликка берилған, ғұдайған, атрофидагиларни менсімайдын, уруғчилик, маҳаллийчиликни авж олдирған, аввало, үз манфаатини күzlайдын раҳбар шундай носоғлом ахволга, жанжал, туполон, қарама-каршилик ва адоматтаға тұла мухитта сабаб бұлади.

Халқымиз “бир күн жанжал бұлған жойдан кирк күн барака кетади”, деб бежиз айтмайды, мухити носоғлом бундай хұжалик ва туманларда ҳақиқатан ҳам файзы барака ва омад йўқолади. Шунга караб, хulosани үз вактида чиқарсак, ишимиз ҳам ўнгидан келиб, тезроқ юришиб кетади.

**И.А. Каримов. Биздан озод ва обод
Ватан қолсинг. Т-II.
Т.: Ўзбекистон, 1996. 299–301-бетлар.**

* * *

Одамларнинг бошини қовуштириб, тинчлик-тотувлигини сақлаб, уларнинг эзгу ниятларини амалга ошириш йўлига бошлайдын, ҳамдард ва раҳнамо бўлиб, ўзидан ном қолдирадиган ҳам раҳбар. Ёки аксинча, мансаб курсисига ўтириб, ваъдаларига вафо килмасдан, үз манфаатини кўзлаб, ҳаром-харишга кўл урадиган, ишнинг кўзини билмасдан, қўлидан иш келмасдан жамоа ҳәтини вайрон килиб ўзидан доғ қолдирадиган ҳам раҳбар.

**И.А. Каримов. Биздан озод ва обол
Ватан қолсинг. Т-II.
Т.: Ўзбекистон,
1996. 350-бет.**

* * *

Яна бир бор айтамян: бугунги босқичда кўп нарса хокимлар ва хұжалик раҳбарларининг савиясига.

инсофига, ишбилармонлигига ва тадбиркорлигига боғлик. Ҳамма белгилаган тадбирларимиз, дастурларимизнинг бажарилиши шуларга боғлик булиб турибди. Бироқ, минг афсуски, эски замон тарбияси билан суяги қотган, ўртача поғонада ўтирган кўпчилик раҳбар ва фаолларимиз аксарият ҳолларда бугунги ислоҳотларга гов булиб турибди. Чунки бундай кимсалар, аввало, янгиликдан қўркади, масъулиятини ўзига олмайди, эшигимизни қоқиб турган бугунги ҳаёт талабларини тушунишни хоҳламайди, давлат-жамоа мулкини худди ота-бобосидан колган меросдай билади.

Бу ҳолатнинг энг ёмон, хавфли томони шундаки, буларнинг барчаси давлат номидан гапиради, одамларга ўзини давлат вакиллари деб кўрсатади, ислоҳотларнинг обруйини тўқади. Оддий фукаролар, дехконларимиз эртага ҳам шу ҳолат давом этса, ислоҳотларга ишончини йўқотиши мумкин. У ҳолда уларнинг ишдан қули совиб, ҳафсаласи пир булиб қолиши табиий ҳолдир.

Демак, йўлимизда гов булиб турган мана шундай ўтакетган бюрократларни, бугунги сиёсатни англамасдан, ўз шахсий манфаати билангина юрган раҳбарларни уйғотмасак, онгини, тушунчаси ва дунёқарашини ўзгартирасак, лозим бўлса, алмаштирасак, биз ислоҳотлардан кузланган максадларга эриша олмаймиз. Бу – аниқ гап, буни ошкора айтишимиз ва бу йўлда азму шижоат билан аниқ фаолият олиб боришимиш шарт.

И.А. Каримов. Биздан озод ва обод
Ватан қолсин. Т-II.
Т.: Ўзбекистон, 1996. 356–357-бетлар.

* * *

Раҳбар шахс учун эса эл-юрт назаридан қолиш, жамоатчилик ишончидан маҳрум булишдан кура оғирроқ жазо йўқ.

Ислоҳотларнинг тақдири, уларнинг самараси, ҳайтимизга таъсири, авваламбор, кадрларнинг мала-касига, уларнинг ўз ишини қай даражада ўзлаштириб олганлигига, юртшарварлиги ва фидойилигига боғликдир. Бугунги ўтиш даврида бу муаммо энг мурракаб, энг оғир масалага айланиб қолиши қўпчиликка маълум. Бу муаммони тўғри ечишга эриша олсак, ҳалқ ганини, ташвишини ўз дардидай хис киладиган, ишибилармон, тадбиркор, билимдон, инсофли, диёнатли, злим деб, юртим деб ёниб турган одамларни жойжойига қўйиш масаласини ҳал эта олсак, аминманки, ишларимиз доимо бароридан келади, зафар ва омадлар ёр бўлади.

Бугунги кунда эски тизим янги, эркин тизимга ўз жойини бушатиб бераётган бир пайтда – бу масала энг муҳим, ҳал қилувчи масалага айланмоқда.

Ўзини етакчи деган ҳар қайси раҳбар мана шу файзбараканинг маъносини, мазмун-моҳиятини чукур англаши, кўз корачигидай асраб-авайлаши лозим. Ўзининг пок орзу-ниятлари билан, соф ва холисона ҳаракатлари билан эл-юртнинг ишончини қозониши ва мустаҳкамлаши даркор...

Ҳар қайси раҳбар ўз фаолиятини, авваламбор, одамларнинг бошини қовуштириш, бирлаштиришдан, аҳиллик ва тотувликни карор топтиришдан бошлиши керак. Атрофида ишлаетган фаолларга иши билан ибрат булиб, уларни изидан эргаштира олиши зарур.

Албатта, ишда талабчанлик, қаттиққўллик керак. Қаттиққўлликни ҳам одамлар тўғри тушунади, агар қаттиққўллик адолатга, одамларни ҳурмат килишга асосланган бўлса, ҳар қандай инсон ҳам буни тан олади.

Ҳар қайси раҳбар – авваламбор, инсон. Инсоннинг ўзига хос камчиликлари бўлиши табний. Лекин манман-

лик, бошқаларни менсимаслик, ўзини катта тутиш, гердайиш, ўзбошимчалик энг хунук, ҳеч кимга ёқмайдиган хусусиятларданdir.

Албатта, ҳеч ким осмондан тайёр раҳбар булиб тушмайди. Инсон фақаттинга олийжаноб фазилатларга эга булиб туғилмайди. Агарки, одамзод ўрганмокчи бўлса, кундалик ҳаёт ўзининг сабоклари, аччик тажрибалари билан уни кўп нарсага ўргатиши мумкин.

Ориятли, мард одам бундай пайтда, албатта, тегишли хулоса, сабоқ чиқаради, ишини, фаолиятини ўзгартиришга харакат килади.

И.А. Каримов. Биздан озод ва обод
Ватан қолсин. Т-II.
Т.: Узбекистон,
1996. 358–360-бетлар.

* * *

...Ҳаёт ўзгариб бораётганини түгри тушуниб олиш, айниқса, раҳбарлар буни чукур хис этиши, дунёқарашини ўзгартириши, фаолиятини бугуниги кун мезонларига мослаб ташкил этиши шарт... Акс холда, у замон талабларига жавоб бера олмайди, охир окибатда аравадан тушиб қолади. Шуни таъкидлаш керакки, баъзи ҳокимларда кадрларга нисбатан талабчанлик етишмаяпти, янги кучлардан – билимдон, ўзидан устун ёшлардан чучиш, уларга йўл очиб бермаслик кайфиятлари бор. Бу кун келиб панд бериши мумкин. Қолаверса, айрим жойларда ҳокимлар майда хўжалик ишлари билан уралашиб қолаяпти. Оқибатда, эл-юртни ободонлаштириш, аҳоли таъминотини, ҳаёт шароитини яхшилаш борасидаги ишлар кўнгилдагидек амалга оширилмаяпти. Ҳолбуки, ҳалқ етакчиси бўлган ҳар бир раҳбарнинг энг мукаддас бурчи – одамларга ғамхўрлик қилиш, уларни бирлаштириш, сиёсати-

миз – эзгу максалларимиз йулида жипслаштиришдан иборатдир. Чунки йўл қуриса – ободлик бўлади, газ келса – ҳаёт тарзи ўзгаради, сув – одамларга саломатлик баҳш этади.

**И.А. Каримов. Биздан озод ва обод
Ватан қолсин. Т-II.
Т.: Ўзбекистон,
1996. 371-бет.**

* * *

Ўтмишда олий адолат ғояси мансабдор шахсларга қўйиладиган талаб ва баҳонинг асоси бўлган. У давлатчилик негизларини белгилаш, исломий қоидалар ва шариат мезонларининг пойдеворини ташкил этган. Биз тарихимиздаги ана шу жиҳатларни хисобга олмасак, қудратли, эркин, демократик давлат қура олмаймиз.

Адолат ва ҳакиқат ғояси ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларини камраб олмоги даркор. Адолат ва ҳакиқат ғояси конунчилик фаолиятимизнинг замани, бош йўналиши бўлмоғи шарт.

**И.А. Каримов. Ватан саждагоҳ каби
муқаддасдир. Т-III.
Т.: Ўзбекистон,
1996. 10-бет.**

* * *

Иктиносий, айникса, сиёсий ислоҳотлар муваффакияти, аввало, бошқарув соҳасидаги кадрларни тайёрлаш даражасига, уларнинг бугунги ўзгаришларни амалга ошириш истаги ва лаёқатига боғлик. Худди шу боис хам давлат хизматчиларининг мақоми тўғрисида конун кабул килиш зарурати сезилмокда. Бу конунда ва унинг асосида кабул килинадиган меъёрий ҳужжатларда давлат

хизматчиларини танлаб олиш тизими, уларнинг хуқук ва бурчлари, масъулияти, униб-ўсиши, ижтимоий ҳимояси, имтиёзи белгилаб берилган бўлар эди.

Мазкур муносабатларни қонун йўли билан тартибга солиш кадрларни танлаш ва жой-жойига кўйишдаги узбошимчаликни, шахсий садокат, қариндош-уругчилик каби иллатларнинг пайини кирқади. Конун кучли рағбатлантириш механизмини вужудга келтириши керак. Сир эмаски, бугун давлат муассасаларидан хизмат қилиш на моддий, на маънавий жиҳатдан ҳавас қиласиган машғулот. Бундай конун кабул килингач эса, ўз хизмат вазифасига садоқатли, юксак малакали хизматчилардан иборат давлат аппаратига эга бўламиз, деб ўйлайман.

Шу билан бирга, биз қадрларнинг топширилган вазифа учун жавобгарлигини қаттиқ назорат остига олишимиз керак. Токи ҳар бир раҳбар жамиятимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар учун масъул эканини теран хис этсин. У белгиланган вазифаларни амалга ошириш йўлида одамларни бирлаштириш, ижодий мухит яратса билиш қобилиятига эга бўлиши лозим. Биз нокобил, локайд, манман раҳбар кадрлардан тезрок қутулишимиз керак. Ўзини билимдон ва удда-бурон килиб кўрсатадиган, амалда эса ҳеч нарсани ҳал килмайдиган, ўз манфаатларини жамият манфаатларидан устун қўядиган, эл-юрг ичидан обру қозонолмаган шахсларга раҳбарлар орасида ўрин бўлмаслиги керак.

И.А. Каримов. Ватан саждагоҳ
каби
муқаддасдир. Т-III.
Т.: Ўзбекистон, 1996.
13-14-бетлар.

* * *

Бизнинг кўплаб раҳбарларимиз, фаолларимиз Эски тизим асоратларидан жудо бўла олмаятилар.

Кўпчилик ҳал этилмаган муаммолар ҳокимиятнинг ўрта бўғинларида чигаллашади, ташаббускорлик ва ишга ижодий ёндашиш йўқ.

Ҳаммамиз яхши билиб олишимиз керак: ҳаёт ривожланаяпти, вазият, ҳолат ўзгарайяпти – демак, янги ёндашувлар, қолипдан ташқари ечимлар излашимиз шарт. Умуман буйрукни, кўрсатмаларни ва янги йўрикномаларни кутиб ўтирмасдан, ўзгарувчан ҳаётга сезирлик билан муносабатда бўлиш керак.

Рахбарларнинг ўз масъулиятини, уларга берилган ваколатларни англаши, изланиш, ташаббускорлик, тадбиркорлик руҳи билан яшаш ва курашиш – бўгунги куннинг энг долзарб масаласидир.

И.А. Каримов. Ватан саждагоҳ каби
муқаддасдир. Т-III.

Т.: Ўзбекистон,
1996. 33-бет.

* * *

Тарақкиёт тақдирини маънавий жиҳатдан етук одамлар ҳал қиласди. Техникавий билим, мураккаб технологияни эгаллаш қобилияти маънавий баркамоллик билан, мустакил тафаккур билан бирга бориши керак. Ақлий зakovat ва руҳий-маънавий салоҳият – маърифатли инсоннинг икки канотидир.

Шунинг учун мустакиллик тафаккурини кенгроқ тушишимиз лозим.

Бу тушунча, аввало:

- Ўзбекистоннинг истиқболи ва истиқтоли ҳақида қайғуриш;
- ўзининг ва ўз халқининг, Ватанининг қадру киммати, ор-номусини англаб, уни ҳимоя килиш;

— юксак ғоялар, янги фикрий кашфиётлар, ниятлар огушыда меҳнат килиб, истеъоди, бор имкониятини, керак бўлса, жонини юрт истиқболи, элига баҳшида этишдир.

И.А. Каримов. Ватан саждагоҳ каби

муқаддасдир. Т-III.

Т.: Ўзбекистон,

1996. 34-бет.

* * *

Масъул паллада ўз тақдирини ишончли, билимли ва гайратли шахсларга топшира олмаган миллат ўз баҳтига зомин, келажакдан маҳрум бўлади. Ва аксинча, келажаги буюқ булишини истаган миллат ўз тақдирини улуғ максадга эга, олижаноб, қатъиятли, маърифатли инсонларга ишонч билдириб топширган холдагина ўз муродига етади.

Ишонч йўқ жойда шижаат, гайрат бўлмайди. Донишманд боболаримиздан бири бежиз “Маърифат – бу шижаатдир”, демаган. Маърифатдан йироқ амалдор ҳеч качон ҳалқ дилидагини англашга қодир бўла олмайди. Қолаверса, у бунга интилмайди ҳам.

Маърифатсиз раҳбар ҳамиша ўз теварагида маърифатсиз раҳбарларни йигиши билан машғул бўлади. Чунки унинг ягона мақсади ўзамалини мустаҳкамлашдан иборат булиб қолади. Шу сабабдан ҳам у гайратли, фидойи, маърифатли кишиларни ҳокимиятга яқинлаштирмасликка тиришади, уларни бадном қилади, уларнинг ютуғидан азобланади...

Мен бир нарсага қаттиқ ишонаман: ёшларда шижаат бор, янгиликка интилиш бор, ихтиро килишга, кашфиёт яратишга иштиёқ бор. Лекин уларнинг олдида катта бир тусик турибдики, бу тусикни баъзан замбарак ўки билан ҳам отиб қулатиб бўлмайди. Бу тусикнинг номи – бюрократия, тамагирлик, махаллийчилик, уруғчилик.

Усиб келаётган ёшларга қулоқ солиши, мадад берниши лозим бўлган кўп мансабдорларда инсоф, диёнат йўклиги ҳам шу тусикнинг бир кўринишидир. Бундай одамларнинг нияти аник – беш-үн йил амаллаб ўтирган мансабини йўқотмаса, мўмай маоши ва ҳуфия “шапка”сини олиб турса, марра уники – у ёғи пенсия. Мустақил давлатимизнинг бугунги бош шиорларидан бири – юртим деб, элим деб ёниб яшаш ундаиларнинг тушига ҳам кирмайди.

**И.А. Каримов. Ватан саждагоҳ каби
муқаддасдир. Т-III.
Т.: Узбекистон, 1996. 36–37-бетлар.**

* * *

Киши қалбида ҳаромдан ҳазар, нопокликка, адолатсизликка нисбатан муросасиз исён бўлиши керак.

Шундай одамгина лафзини саклайди, бироннинг ҳақига хиёнат килмайди, садоқатли бўлади. Ватани, ҳалқи учун, жонини фидо этишга ҳам ўзини аямайди. Бунинг акси ӯларок, ёлғончи, ваъдабоз кишида ватанпарварлик туйғуси бўлмайди. Манфаатнарастлик йўлида қилинган ҳар бир қингир иш, у канчалик баландпарвоз таъриф-тавсифларга уралмасин, фатволар тўкиб чиқарилмасин, барибир Ватанга хиёнатдир.

**И.А. Каримов. Ватан саждагоҳ каби
муқаддасдир. Т-III.
Т.: Узбекистон, 1996. 39-бет.**

* * *

Ишончим комилки, сизларнинг ҳар бирингиз уддабурон, ишнинг кўзини биладиган, астойдил киришса, тогни талқон қилишга қодир ғайратли кишиларсиз. Савобли ишларга одамларни бошлаш, етакчилик қилиш ҳар бирингизнинг кўлингиздан келади. Бундан менинг кўнглим тўқ.

Мен сизлардан фақат бир нарсани илтимос қилмокчиман: күпроқ одамлар орасида булинглар, халқнинг турмушидан, ҳол-аҳволидан ҳабар олиб туринглар. Айниқса, мухтоҷларнинг, етим-есир, бевабечораларнинг, эҳтиёжманд оиласаларнинг муаммолари Навruz ёки Ҳайит кунларидағина эмас, доимий зътиборингизда бўлсин.

**И.А. Каримов. Ватан саждагоҳ каби
муқаддасдир. Т-III.
Т.: Ўзбекистон, 1996. 85-бет.**

* * *

Ташаббускорлик ва тадбиркорликни күпроқ намоён қилиш зарур. Масъулиятдан кўркмаслик керак. Бошқарувнинг барча босқичларида зарур қарорларни мустақил равишда, тезкорлик билан қабул қилиш лозим. Күпроқ иқтисодий эркинлик, күпроқ мустақиллик, күпроқ тадбиркорлик – мана шулар барча ишларимизнинг асоси бўлиши зарур.

Лекин бу борадаги биринчи ва асосий камчилик иқтисодий ислоҳотларнинг етарли даражада амалга оширилмаётгани, энг муҳими, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, хусусий мулкчиликка, тадбиркорликка кенг йўл очиб беришда сусткашлик, лоқайдлик, оксоклика йўл кўйилаётгани аён булади.

Барча бўғиндаги раҳбарлар, айниқса, корхона раҳбарлари бу масалага жиддий қарашлари лозим. Бу соҳадаги ечилмаган муаммоларнинг асосий қисми ҳокимликлар, тижорат банклари ва бир неча вазирликлар ва уларнинг ўрта бўғинларида чигаллашмоқда.

**И.А. Каримов. Ватан саждагоҳ каби
муқаддасдир. Т-III.
Т.: Ўзбекистон, 1996. 93-бет.**

Ҳар бир вилоят, шаҳар ва туман раҳбарлари ўз ишларини шундай ташкил қилишлари керакки, токи нақд пул ҳисобида берилётган иш ҳаки, нафақа ва бошка даромадлар аҳолининг харид қилиш қувватини ошириш, хилма-хил хизмат кўрсатиш ташкилотларини кўпайтириш орқали банкларга қайтиб келиши лозим. Бунинг учун эса вилоят, шаҳар ва туманларда катта ишларни амалга ошириш керак. Аввало, аҳоли олаётган даромадларнинг ички бозор товар ресурслари билан мувозанатини таъминлаш, қўшимча мол-мулк келишига кенг йўл очиш керак. Хуллас, юкоридан қўшимча пул ёки товар беришади, деган кайфиятдан воз кечиш лозим.

**И.А. Каримов. Ватан саждагоҳ қаби
муқаддасдир. Т-III.
Т.: Узбекистон, 1996. 95-бет.**

* * *

Ҳокимликлар, вазирликлар, катта-катта ишлаб чиқариш корхоналари раҳбарлари шуни тушуниб етиши керакки, одамларни қишлоқдан завод ва фабрикаларга эмас, балки саноатни одамлар ҳузурига – қишлоқка олиб бориш керак!

**И.А. Каримов. Ватан саждагоҳ қаби
муқаддасдир. Т-III.
Т.: Узбекистон,
1996. 119-бет.**

* * *

Яна бир муаммо шундан иборатки, кўплаб корхона раҳбарлари ҳанузгача экспорт имкониятларини ошириш, маҳсулот сифатини дунё даражасига тенглаштириш ҳамда ишлаб чиқариш ҳаражатларини камайтириш борасида етарли жонбозлик кўрсата олмаяптилар.

Бу масалалар ривожланган мамлакатлар фирмалари учун энг мухим хисобланади. Улар таркибида фирма фаолиятининг юкори самарадорлигини таъминловчи маркетинг, яъни оддий тил билан айтганда, чикараётган молнинг бозорини олдиндан ўрганиш, стратегик тадқиқотлар каби узокни кўзлайдиган бўлимлар муваффакиятли иш олиб боради. Аслида, маркетинг биз учун янгилик эмас. Ота-боболаримиз, кадимги савдогарлар шу усулда ишлаган.

Очигини айтсак, бугунги аксарият вилоят раҳбарлари ва фаолларимиз бундай муаммолар ҳакида ҳали-бери бош қотирадиган ҳам эмас. Шунинг учун ҳам чет элдан мол келтиришни ташкил қилиш ўрнига Тошкентга – пойтахтга накд пул келтириб, товар ташиб кетмоқдалар.

Шундай услубда ишлаб суюги котган айрим раҳбарлар хозир ҳам эски тузумнинг тартибига асосланиб иш олиб бормоқда. Шу сабабли улар жунатган маҳсулоти учун карзларни талаб қилиб олишда катъият курсатмаяпти.

Кўпгина раҳбарларда боқимандалик кайфияти устун, давлат бизни оғир ахволга ташлаб кўймайди, деган илинж сакланиб колмоқда. Улар бошчилик қилаётган корхоналар ҳеч қандай ғам-ташвишсиз, маҳсулотни бемалол омбор учун ишлаб чиқарибгина қолмай, балки карзлар ҳам орттирадилар, сўнгра эса, ўз қарзларини давлат зиммасига юклаб, уларни коплаш учун кредит, кўшимча айланма маблағлар сўрайдилар.

Бундай усулда ишлаётган раҳбарлар ва корхоналар бир нарсани катъий англаб олишлари лозим: давлат уларнинг масъулиятсизлигига ортиқ тоқат килолмайди.

И.А. Каримов. Ватан саждагоҳ каби
муқаддасдир. Т-III.
Т.: Ўзбекистон,
1996. 148–149-бетлар.

Янги бошқарув структурасини вужудга келтириш уларда ишлайдиган кадрларга, уларнинг касбий тайёргарлигига янада юқори талаблар қўяди. Ҳозирги замон бошқарув кадрлари, менежерлари юқори касбий маҳоратига эга булибгина колмай, балки хар жихатдан маълумотли, ўз соҳаларининг билимдони, ташаббускор, топширилган иш учун жон қўйдиралигани, муаммоларни хал қилишга ижодий ёндашадиган кишилар булишлари, энг муҳими эса, Ватанимизнинг чинакам фидойилари булишлари лозим.

И.А. Каримов. Ватан саждагоҳ қаби
муқаддасдир. Т-III.
Т.: Ўзбекистон,
1996. 236-бет.

* * *

Корхона раҳбарлари шуни узил-кесил булишлари керакки, ўз ҳисобида валюта тушумлари бўлгандагина хар қандай бутловчи ускуна ва материалларнинг хоҳлаган миңтакәдан, дунёнинг хоҳлаган бурчагидан етказиб берилишини таъминлаши мумкин. Факат ана шундай истиқболгина бизни кризис ҳолатидан олиб чиқиши, ишлаб чикаришнинг ўсишини таъминлаши мумкин. Шундагина турлича тенгсиз айирбошлиш операцияларини амалга ошириш учун корхоналар, бутун-бутун уюшмалар ва корпорацияларга алмаштириш мумкин бўлган хом ашё ресурслари – пахта ва ундан тайёрланган маҳсулот, рангли металл ва бошқаларни беришни илтимос қилиш зарурати бекор бўлади. Шунда хўжалик алоқаларининг узилишини, тўловлар етиб келмаётганлигини ва ҳамма ўз ҳолича мустақил

бұлиб кетгандығынни рұкач қилиш учун хеч қандай зарурат бұлмайди.

И.А. Каримов. Ватан саждагох каби мұқаддасдир. Т-III.

**Т.: Ўзбекистон,
1996. 328-бет.**

* * *

Юқори маълумотли, маданиятли ҳамда профессионал жихатдан етук шахсина иктисодий эркин бұлиши, демократик ва туб иктисодий ўзгаришларнинг ишончли таянчи бұлиши мүмкін. Ушбу ҳақиқатни тушуниш халқнинг маънавий ва маданий ҳаётини яхшилаш, таълим-тарбия тизимининг бутун тизимини янгилаш жараёнининг замирида ётиши даркор.

Билимдон, профессионал жихатдан саводли ҳамда ғайратли-шижоатли шахсларни, ўз мамлакатининг чинакам ватанпарварларини тарбиялай оладиган, уларни буюк миллий маданиятнинг улкан маънавий мероси билан бойита оладиган, жахон фани ва маданияти дурдоналаридан баҳраманд эта оладиган мамлакатгина, миллатгина буюк келажакқа эришиши мүмкінлегини ёддан чикармаслик лозим.

И.А. Каримов. Ватан саждагох каби мұқаддасдир. Т-III.

**Т.: Ўзбекистон,
1996. 361-бет.**

* * *

Яна бир муаммо, кишилар тафаккурини ўзgartириш, эски колиплар, энг аввало, бокимандалик кайфиятларидан кутулиш зарур. Жамиятга янгича фикрлай олишга Қодир кишилар керак. Бириңчи навбатда, ўз иродамизга таяниб, қобилятимиз ва ишбилармонлигиге

мизга суюниб, ўз куч ва имкониятларимизни тұғри тақсимлаб янги ҳәёт қуришимиз, ҳақиқий келажақ учун қурашишимиз лозим.

Бугунги кунда гүзал мамлакатимизда маңнавий күтаринкилил күзга ташланмоқда, жамиятта бунёдкорлик рухи хукм сурмокдаки, уни ҳар томонлама мустахкамлаш зарур.

Мустақиллігимизни мустахкамлаш йүлидаги әнг катта масала, кишиларимиз дүнёқарашида, жамиятимизда Ватанга мөхр ғояси биринчи үринде туриши керак. Ҳар кандай иш асосига миллій орият, миллій ғурур, миллатчилик ёки шовинизмга алоқаси бүлмаган, мана шу мамлакат, мана шу халкқа мансублиги учун күчкүвват бағишлидиган ғурур қўйилиши лозим.

Бу мұқаддас тушунчалар миллати ва диний зъти-кодидан қатый назар, мана шу юрт, мана шу мұқаддас заминда яшаётган ҳар бир кишининг ҳаёти, онги, кони ва жисмига сингиб кетиши керак.

Үтмишимиз ва келажагимиз учун құдрат бағишлидиган мана шу ифтихор түйғуси билан биз янги ав-лодларни тарбия қилишимиз, ўз миллій давлатимизни қуришимиз лозим.

**И.А. Каримов. Бунёдкорлик йүлидан.
Т-IV. Т.: Ӯзбекистон,
1996. 47-бет.**

* * *

Ҳаётнинг ўзи шуни тасдикладыки, бозорни қуллаб-кувватловчи механизм ва тузилмаларни барпо қымасдан туриб, тегишли шароит түғдирмасдан туриб, режали иқтисодиётдан бозор тизимиға ўтишни амалга ошириб бүлмайди.

Бу вазифаларни ҳал этиш учун эса кучли, құдратли давлат, юксак малакали, ахлоқан барқамол ходимлар керак.

Биз оддий ҳакикатни тушуниб етишимиз керак: бизнинг давлатимиз, жамиятимизни бирор четдан келиб қуриб бермайди. Уни ҳаёти ўз ватанининг келажаги билан узвий боғлик бўлган биз ўзимиз, шу мамлакат фарзандлари бунёд этамиз.

Бу эскича фикрлаш юкидан ҳоли бўлган янги ходимлар тайёрлашнинг ягона тизимини яратишни тақозо этади. Таълим беришнинг, маънавий, ахлоқий ва касб малақаси бўйича тарбиялашнинг мутлако янги тизими ишлаб чиқилиши зарур. Сифат жиҳатидан бундай янги ўкув дастурлари яратилиши даркор.

Биз яхши биламизки, бугунги талабларга бутунлай жавоб берадиган, олдиндан тайёрлаб қўйилган мутахассислар ва раҳбарларнинг ўзи йўқ. Ҳаммамиз ҳам ўтган замондан, ўтган тизимдан чиққанимизни тан олишимиз керак. Ва бизнинг қонимизда эскича қолип, эскича фикрлашнинг муайян асоратлари борлигига ҳам икror булишимиз шарт.

Шу билан бирга, яхши англаймизки, янгича фикрловчи кишиларни тайёрламасдан, тарбия қўлмасдан ўз олдимизга қўйган вазифа ва мақсадларни рӯёбга чиқара олмаймиз.

Хўп, масала шундай қўйилар экан, табиий бир савол туғилади, яъни янги, замонавий мезонлар билан фикрловчи одамлар, ходимларни тарбиялаш учун, бу ишни давлат йўлига қўйиш борасида нима қилдик?

Албатта, бизнинг олий ўкув юртларимиз, бошқа илм даргоҳлари давлат қурилишининг бу муҳим соҳасига ёндашувларни ўзгартириш бўйича кўп иш қилмоқда. Ҳаёт тажрибасининг ўзи ҳам бугунги талабни тушунадиган кўплаб раҳбар ва мутахассисларни тарбияламоқда. Бундай мисолларни кўп учратиш мумкин. Лекин, очигини айтганда, ҳар хил қолиллардан ҳоли, мутлако янги давлат барпо этиш учун давлат ҳокимияти ва бошқарувини эплайдиган, ижтимоий таракқиётга ривож берадиган.

Кадрлар тизимини янги, билимли ва истеъоддли ёшлар хисобига тўлдириш, лавозимларни тадбиркор ва янгиликни тез илғайдиган ёшларга топшириш ҳамма вакт янгиланишларнинг асосий мезони хисобланади.

**И.А. Каримов. Бунёдкорлик йўлидан.
Т-IV. Т.: Узбекистон,
1996. 114–115-бетлар.**

* * *

...Халкни бошқариш, унинг ички, юрагидаги ғамташвишлардан хабардор бўлиш, уни ҳимоя қилиш, ёруғ максадларга чорлаш – бунинг ҳаммасини кимдир ўз зиммасига, елкасига олишидадир.

Авваламбор, ҳар қайси погона, тоифа, умуман, ҳаётимиизда адолат ўрнатишида, ҳакиқатни карор топтиришида ўзини аямаслик, ўрнак ва ибрат кўрсатиш – ҳар қандай раҳбар учун ҳам карз, ҳам фарздир...

Кўпчилик раҳбарлар ҳамон юкоридан буйрук кутиб, бокимандалик кайфияти билан яшайдиган бўлса, замон талаблари моҳиятини тушунишга ҳаракат қилмаса, ижобий натижалар кутиш мумкинми?

Вилоят ҳокимлиги хукуматимизнинг жойлардаги ваколатхонаси, ҳоким эса Президентнинг вакили, деб кўп гапирамиз. Аммо жойлардаги ҳокимлар бугунги замонавий талабларга жавоб бера олмаса, қабул қилинаётган қонун, фармон ва қарорларнинг маъно негизини яхши англамаса, ташаббускорлик хиссиети ва хусусиятларидан олис бўлиб, янгиликларга тўсик бўлиб турса, уларни Президентнинг вакиллари, ҳалқнинг ваколатини олганлар, деб бўладими?

**И.А. Каримов. Бунёдкорлик йўлидан.
Т-IV. Т.: Узбекистон,
1996. 135-бет.**

* * *

...Хом ашё муаммосини ечмасдан на қишлоқ хұжалиги, на бошқа тармоқларни ривожлантириб, энг ассоцийси, халқнинг ахволини, ҳаёт даражасини яхшилаб, юртимизнинг барқарорлигини таъминлаб бўлмайди. Бу ҳаммамиз учун тушунарли бўлиши керак.

Хулоса шундай бўлиши лозим, деб ўйлайман.

Бундан кейин кимки бу хақиқатни тушунмаса, уни ҳаётимизга татбиқ этиш учун жон куярлик, тадбиркорлик қилмаса, раҳбар бўлишга хаққи йўқ. Уз жойини бошқаларга бўшатиб берсин...

...Бугунги барча ишларимиз, машакқатли меҳнатларимиз, орзу-ниятларимиз, интилишимиз, кечани-кеча, кундузни-кундуз демасдан килаётган саъй-харакатларимиз – ҳамма-ҳаммаси эртанги ёргу кунларимиз, муносиб ҳаётимиз, биз раҳбарларга кўз тикиб катта умид билан бокиб турган халқимиз, гудакларимиз, аёлларимиз, кексаларимиз учундир.

И.А. Каримов. Бунёдкорлик йулидан.

T-IV. Т.: Ўзбекистон,

1996. 136–138-бетлар.

* * *

Таҳлилларимиз шуни курсатяптиki, вилоят, туман, шаҳар раҳбарлари халқдан ажралиб қолаяпти. Натижада, фуқаролар ўз раҳбарларидан умид узиб, ҳақ-хукуқларини ҳимоя қилиш, ҳаёт-мамот масалаларини ечишда адолат ва нажот истаб Республика идораларига мурожаат қилишга мажбур бўляяптилар.

И.А. Каримов. Бунёдкорлик йулидан.

T-IV. Т.: Ўзбекистон,

1996. 148-бет.

уни мустахкамлайдиган мутахассислар ва фидойи одамларни тарбиялашга ҳануз киришганимиз йўқ.

Менинг фикримча, бугунги кунда бу соҳа – кадрлар тайёрлаш иши маблағ сарфлашда энг даромадли бўлган соҳага айланмоқда. Чунки бу тармок эртага ҳар қандай давлатнинг, халқнинг, миллатнинг тараққиёти учун зарур бўлган олтин омил – етук мутахассисларни бера бошлади.

И.А. Каримов. Бунёдкорлик йўлидан.

Т-IV. Т.: Узбекистон,

1996. 49–50-бетлар.

* * *

Бугунги куннинг энг муҳим вазифаси – ҳаётимизнинг барча соҳаларида, айникса, бошқарувда, республика миқёсида, вилоят, шаҳар, туман, қишлоқ ва маҳаллаларни бошқаришда, тармок бўғинларини идора этишда янгича фикрлайдиган, кийин дамларда масъулиятни ўз зиммасига ола биладиган, ҳаёт билан ҳамқадам юришга қодир, имони пок, билимдон, ишбилармон одамларни топиш, уларга ишонч билдиришдан иборатdir.

Халқимизда “Ўн кўшчига бир бошчи”, деган ибора бор. Бунинг маъноси шуки, халқимиз азал-азалдан ўз етакчиларига қаттиқ ишонган, ихлос кўйган.

Шу ўринда бугунги ҳаётимиздаги муайян бир номутаносибликни ҳам очик эътироф этишимиз керак. Бошқарувнинг қуи қатламларида, айникса, ишлаб чиқариш соҳасида янгиликка интилиш, янгиликни жорий этишга саъй-харакатлар бор, лекин бу олижаноб майл ва харакатлар ўрта ва юкори бўғинларда, хусусан, мамлакат вазирликлари ва идоралари даражасида ўтирган, тўрачиликни ўзларига касб этиб олган лоқайл. Эскича фикрлайдиган, ўзини хон, кўланкасини майдон ҳисоблайдиган, янгиликка йўл бермайдиган ношуд

кимсаларнинг каршилигига дуч келмоқда. Бизнинг катъий фикримиз шуки, бундай кишилар ё танкиддан зарур хулоса чикариб, тез орада ўз фикр ва савияларини ўзгартирадилар, ёинки биз уларнинг бутунлай баҳридан ўтамиз.

Шонли тарихимизда буюк давлатчиликка асос солган сохибқирон Амир Темур ўз “Тузуклар”ида: “Тажрибамда кўрилганким, ишбилармон, мардлик ва шижоат сохиби, азми катъий, тадбиркор ва хушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир. Чунки тажрибали бир киши минг кишига иш буюради”, деб ёзган эди.

И.А. Каримов. Бунёдкорлик йўлидан.

Т-IV. Т.: Ўзбекистон,

1996. 54–55-бетлар.

* * *

Ҳамма гап хўжалик ва ташкилот раҳбарларида, уларнинг ташаббускорлиги ва янгича ишлашга иштиёқмандлигига.

Раҳбар ташкилотчи бўлса, сезгир ва эпчил бўлса, имконият излайди. Бу мисоллар жойларда бокимандаликка, ўзибуларчиликка кунишиб кетган, эскича иш қолипидан чиколмаётган раҳбарлар ишлаётганидан далолат беради.

И.А. Каримов. Бунёдкорлик йўлидан.

Т-IV. Т.: Ўзбекистон,

1996. 105–106-бетлар.

* * *

Ислоҳотнинг тақдирни, унинг қай даражада амалга оширилиши, биринчи навбатда, кадрларнинг малакасига, уларнинг ўз ишларини қай даражада ўзлаштириб олганлигига, юртпарварлиги ва фидойилигига боғлик...

Лунда килиб айтганда, хизмат курсатиш тармоғини кенг ривожлантириш, кичик бизнесга, хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш талаб этилади.

Бу ишни ташкил этиш вазифаси кимнинг зиммасига тушади? Албатта, биринчи навбатда, вилоят ва туман ҳокимларининг, хўжалик раҳбарларининг зиммасига тушади.

Бугун масалани шу тарзда кескин қўйиш пайти етди: бу вазифани уддалай олмаган кишининг раҳбар бўлиб ишлашга маънавий ҳаққи йўқ. Чунки бутун ислоҳотларимиз тақдири, миллионлаб инсонларининг тақдири шу масалани ечиш, ҳал килиш билан чамбарчас боғлиқдир.

И.А. Каримов. Бунёдкорлик йўлидан.

Т-IV. Т.: Ўзбекистон,

1996. 166-бет.

* * *

Бизнинг муқаддас вазифамиз, ҳатто айтган булардимки, маънавий бурчимиз – адолатни тиклаш, кишиларимизнинг йўқотган бойлигини қайтариб беришдан иборат. Ана шундай килсак, биз уларнинг назаридаги давлатнинг фукаролар ижтимоий ҳукукларининг химоячиси ва гарови сифатидаги нуфузини, обрусини янада мустаҳкамлаган бўламиз.

И.А. Каримов. Бунёдкорлик йўлидан.

Т-IV. Т.: Ўзбекистон,

1996. 180-бет.

* * *

Менинг назаримда, энг заниф жойимиз ижро чиларнинг ўрта бўғини, корхона ва хўжалик раҳбарлари дидир.

Улар ҳамон эски тасаввур билан яшамоқдалар. Фондлар, ҳал хил лимитлар, имтиёзли кредитлар ундиришга асосланган бокимандалик кайфиятидан кутулмас эканмиз, барча хайрли ишларимиз, ташаббусларимиз тұрачилик боткоғига ботиб, оксок булиб қолаверади...

Аник айтиш мүмкінки, ҳар бир участкада, ҳар бир бошқарув бүгіннің үз касбінинг устаси бұлған ғайратли кишилар турғанида бир талай муаммолар аллақаған ҳал булиб кетарди. Бунинг тасдиғини ҳар қадамда күриш мүмкін.

Биз кадрлар тайёрлаш тизимини жиддий қайта күриб чиқишимиз зарур. Кадрларнинг дүнёқарашини тубдан үзгартырыш, тадбиркорлыққа, тижоратга хавас-иштиёқ үйғотиши бугунги күннинг әнг долзарб масаласи десек ҳеч қандай муболаға бұлмас.

И.А. Каримов. Бунёдкорлик йўлидан.

**Т-IV. Т.: Ўзбекистон,
1996. 252–253-бетлар.**

* * *

Шу ерда бир амалий таклифни яна тақрорламоқчиман. Қани, ораларингизда билимдон, мард ҳокимлар бұлса, уларнинг ҳар бири битта ёки иккита хұжаликни пай услубига үтказиш, бу янги усулнинг самарасини амалда ишботлаш учун майдонга чиқсан.

Хар бир ҳоким белни маҳкам бөглаб, ишінде ижодий ёндашиб, янги усулни амалга оширишда яхши тажриба орттариб, үзининг әнг оқыл ва тадбиркор раҳбар эканини бутун мамлакатга, ҳалқимизга намоён қилсан...

И.А. Каримов. Бунёдкорлик йўлидан.

**Т-IV. Т.: Ўзбекистон,
1996. 278-бет.**

Ислоҳотларнинг тақдирин, унинг қай даражада амалга оширилиши, биринчи навбатда, кадрлар малакасига, уларнинг ўз ишларини қай даражада ўзлаштириб олганликларига, юртпарварлиги ва фидойилигига боғлиқ. Бунинг учун биз янгича фикрлай оладиган, янги технологиялар асосида ишлай биладиган, замонавий соҳаларни чукур эгаллаб, самарали фаолият курсатадиган ёшларни тарбиялашимиз ва уларга таянишимиз лозим.

**И.А. Каримов. Бунёдкорлик йўлидан.
Т-IV. Т.: Ўзбекистон, 1996. 285-бет.**

* * *

Вилоятда ва туманларда кадрларни танлаш ва жойжойига кўйишда қариндош-уругчилик, таниш-билишчилик иллатлари илдиз отмоқда. Айрим туман ҳокимлари ўғилларини ўзлари бошкараётган худудда раҳбарлик лавозимиға тайинлаганига, ҳокимликдаги турли вазифаларга эса қариндошлари, таниш-билишларининг ўғилларини қабул килганига нима дейиш мумкин? Мана сизга ҳокимнинг маънавий киёфаси!..

Биз ҳамма вакт, фаолиятимизнинг ҳар бир дақиқасида кадрлар тарбиясига жиддий эътибор бермоғимиз лозим. Раҳбарликнинг турли даражасида ишлаганимиз билан, биринчи навбатда, ота-она эканлигимизни, фарзандлар камоли учун масъуллигимизни унутмаслигимиз керак...

Халкнинг дардига бефарқ қарайдиган, ўз манфатидан бошқа нарсани ўйламайдиган, худбин ва таъмагир раҳбарлар мамлакатимиз равнақига, халқимиз фаровонлигига тўсиқ бўлмоқда. Энди улар билан муроса қилиб бўлмайди. Бизга шундай раҳбарлар керакки. токи улар элим деб, юртим деб қуийб-ёнсинлар, ўз халоватидан кечиб меҳнат қилсинлар!

Барча бўғинларда инсофли, диенатли, билим-
дон, тажрибали раҳбарлар бошчилик қилмас экан,
мустакил мамлакатимизнинг обруси, унинг манфаати
учун мардлик, жонкуярлик билан ишламас экан,
ишларимиз кўнгилдагидек бўлмайди.

И.А. Каримов. Бунёдкорлик йўлидан.
Т-IV. Т.: Узбекистон, 1996. 286–288-бетлар.

* * *

...Одамларимиз янги шароитларда ишлаш тажрибасига зга була бошладилар. Кўпчилик раҳбарлар ва оддий ходимларнинг табиати, психологияси ўзгарди. Бугун дадил айтиш мумкинки, республика, вилоят ва ишлаб чикариш даражасидан ислоҳотчилар командаси, эътиқоди бир, маслакдош кишилар командаси шаклла на бошлади. Бир йуналишда ҳамжиҳат булиб, умумий мақсад дастурига амал қилган ҳолда ишлайдиган кишилар командаси пайдо бўлди. Бу инсонлар учун давлат манбаатлари, иш манбаатлари, ҳалқ манбаатлари ҳамма нарсадан ҳам устунроқдир.

И.А. Каримов. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. Т-V.
Т.: Узбекистон, 1997. 91-бет.

* * *

Ҳақиқий демократик жамиятни шакллантириш тўғрисида сўз юритар эканмиз, табиийки, сиёсий мухолафат зарур эканлигини айтиш лозим.

Сиёсий мухолафат зарурат эканлигини исботлаб бермоқчиман. Дейлик, мен ҳокимман, амалдорман. Менга катта ҳуқук берилган. Лекин шу ҳуқукларимдан мен қандай фойдаланяпман: эл-юрт равнақи йўлидами ёки уз манбаатларим йўлидами? Ким мени назорат килади? Ким менга тўғри йўл кўрсатиб, камчилигимни юзимга

рўй-рост айтади? Обруйимни тўкмай, камситмай ким туғри баланс қилади? Баланс дегани бу – тенглаштиришдир. Баланс бўлиши керак. Ўзбекчада бу адолат тарозиси, мезон дейилади. Тарозининг бир палласида амалдор ўтирибди, иккинчисида – жамият. Адолат тарозисини мувозанатга келтириб турувчи куч эса жамоатчиликдир. Хўш, энди айтинглар-чи, амалдорларимизнинг барчаси ҳам инсофли, диёнатлими? Уларнинг ҳаммаси факат халқ дарди билан яшайди, деб ким кафолат бера олади? Афсуски, ҳеч ким бера олмайди.

Ҳаёт – мураккаб. Кўп ҳолларда хушомад қилиб, мансаб курсисида ўтирганларни ўзимиз бузиб қўямиз. Натижада, амалдор ғўдайиб кетади, ҳамма менга эътибор беряпти, демак, мен ҳаммадан ақлиман, деб ўйлай бошлайди. Мувозанатни жойига қўядиган, амалдорнинг попугини пасайтирадиган тизим тузиб олишимиз керак. Бу тизимнинг негизи, аввало, жамоатчилик бўлади. Яна бир бор айтмоқчиман: манмансираш иллатидан тезрок, бутунлай кутулишимиз зарур, акс ҳолда ҳаммаси эскича колаверади, жамиятимиз олға юрмайди.

Маълумки, тегишли юридик мақомга ва конституциявий кафолатларга эга бўлган, ўз ҳатти-харакатида давлат ва ижтимоий тузумнинг барқарор ҳолати учун жавобгар бўлган, ташкилий жиҳатдан шаклланган мухолафатнинг бўлиши – жамият ҳолатининг нормал ахволини кўрсатади.

И.А. Каримов. Янгича фикрлаш ва ишлаш
давр талаби. Т-У.
Т.: Ўзбекистон, 1997.
121–122-бетлар.

* * *

Дунё ўткинчи. Дўппини бир бор айлантиргунча орадан шитоб билан неча йиллар ўтиб кетади. Ўзлигини

англааб етган, қалбига қулок солган ҳар бир инсон ўзига, мен бу фоний дунёда нима иш қилдим, яна қандай ишлар килишга вақтим ва қурбим етади, деган саволни бериши керак. Ана шу савол инсон қалбини тозайтиради, уни бо-савоб, эзгу ишларга чорлайди. Хуллас, маънавиятда ин-соннинг иймони, эътиқоди, ахлоки, хаётнинг маъносини қандай тушуниши, ички дунёси намоён бўлади. Ватан, ҳалқ олдидаги бурчни англаш ҳам юксак маънавият белгисидир. Маънавий баркамол инсон – ўзининг са-вобли ишлари билан кечирган ҳаётидан рози кетади.

**И.А. Каримов. Янгича фикрлаш ва ишлаш
давр талаби. Т-V.
Т.: Узбекистон,
1997. 149-бет.**

* * *

Амир Темур ҳаётининг мазмуни, бетакрор фаоли-ятининг асосий маъноси – Ватан озодлиги, Ватанга муҳаббат деган олий қадриятлардан иборатdir.

Соҳибқирон бобомизнинг рухияти истиқлол ва ҳурлик, эркинлик ғоялари билан табиий гўзал бир ра-вишда уйғунлашиб кетган. У ҳатто умрининг сўнгги онларида ҳам зурриётларига қарата “Истиқлол билан мулку миллат, лашкар ва раъиятни бошқарингиз”, деб васият қилган.

Чукуррок ўйлаб қарасак, бу васият айнан бизлар учун – буюк Соҳибқироннинг бугунги авлодлари учун айтилган.

Ҳамиша эл ғамини, юрг ғамини ўйлаб яшаган Соҳибқирон ёвлар оёғи остида топталган үлкани дунё-нинг энг қудратли салтанатига айлантирган эди. Ке-линглар, азиз дўстлар, барчамиз яқдил бўлиб, ҳалол меҳнатимиз, аклу заковатимиз, Ватанга муҳаббатимиз билан Ўзбекистонни жаҳон ҳавас қиладиган буюк давлат-

га айлантирайлик! Бу йўлда бобокалонимизнинг: “Адолат ва озодлик – дастурингиз, раҳбарингиз бўлсин”, деган доно ўгитлари доимий шиоримиз бўлсин!

**И.А. Каримов. Янгича фикрлаш ва ишлаш
давр талаби. Т-V.
Т.: Ўзбекистон,
1997. 169–170-бетлар.**

* * *

Томирида миллий гурур, Ватан ишки жуш урмаган одамдан жасорат кутиб бўлмайди. Биз шундай бир мухит яратишимиш керакки, юртимизнинг хар бурчагида, хар бир фуқаро қиёфасида озод ва обод Ватандан фахрланиш хисси қўзимизни яшнатиб турсин. Бу борада ҳокимликлар билан бирга, маҳалла оқсоқоллари, хотин-қизлар кенгашлари, “Соғлом авлод учун” ва “Камолот” ёшлар жамғармалари ҳамда кенг жамоатчиликнинг бошини қовуштириб ишлаши лозим. Шуни яхши билиб олишимиз керакки, жамоат ташкилотлари фаолияти энг таъсирчан ва ҳозиржавоб фаолиятдир. Чунки улар бевосита одамлар кундалик ҳаёти ва ташвиши билан узвий боғланган. Жамоат ташкилотлари ва фуқаролар ўз-ўзини бошкариш органлари ишини кучайтириш, уларнинг жамиятда тутган мавқенини ошириш зарур.

Ислоҳот – энг аввало, одамлар онгидағи ўзгаришдир. Токи бизнинг тафаккуримиз эскича қарашлардан халос бўлмас экан, бугунги кун вазифасини ҳар бир замондошимиз онгига, қалбига етказмас эканмиз – туб ўзгаришларга эриша олмаймиз.

Ислоҳотларнинг муваффақияти кадрларнинг ма-
лакасига, уларнинг ташкилотчилик қобилиятига,
янги давр талабларини нечоғлик ўзлаштириб олга-

нига, жонкуярлигига, ҳалол ва поклигига, қолаверса, ватанпарварлигига боғлик.

Шу сабабли янгича фикрлайдиган, янгиликка чанкок, замонавий соҳаларни чўқур англаб етадиган ёшларни тарбиялаб, уларни ҳеч иккиланмай раҳбарлик лавозимларига қўйишимиз керак. Шу йўл билан биз ўз сафимизни тозалашга, бошқарув тизимининг мустаҳкамланишига эришамиз.

Ҳаммамиз бир юртнинг фарзандимиз, Ўзбекистон – ватанимиз учун жон кўйдириб яшаб, меҳнат қилишимиз зарур. Маҳаллаларни, қишлокларни, туманларни, қолаверса, вилоятларни бир-биридан ажратишга, “Менинг киндик қоним фалон маҳаллада ёки даҳада тўкилган！”, деб юришга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ！ Энди ана шу касалликдан кутулиш керак！

Биз учун Ватан битта! Мамлакат битта! Бизни битта манфаат бирлаштиради: мустакил Ўзбекистон манфаатлари! Ана шу буюк мақсад, олий манфаат йулида бирлашиб курашишимиз керак.

Раҳбарликнинг барча бўғинларига инсофли, диёнатли, тажрибали, аввал ҳалкни, Ватанинг равнакини ўйлайдиган инсонлар бошчилик килмас экан, вилоядта тартиб ҳам бўлмайди, иш ҳам юришмайди. Бошқарув тизимини тақомиллаштириш бевосита раҳбар маънавияти, унинг шахс сифатидаги камолоти, етук ва комил инсонлиги билан боғлик бўлиб қолмоқда.

Шунинг учун биз турли тоифа ва даражадаги раҳбар кадрлар танлаётганда уларнинг қобилияти, билим даражаси, тажриба ва куникмаси билан бирга, маънавий киёфасига ҳам жиддий эътибор бермоғимиз лозим.

Одамлар дардига қулок солмайдиган, ўзининг манфаатидан бошқа нарсани ўйламайдиган, турмушимиз Фаровон булишига тўғононқ бўлаётган, ҳалқ мулкини та-

лон-тарож килаётган таъмагир мансабдорлар энди эта-
гини йигиштириб олсин.

**И.А. Каримов. Янгича фикрлаш ва ишлаш
давр талаби. Т-В.
Т.: Ўзбекистон,
1997. 203–205-бетлар.**

* * *

Қатъий интизом, юксак талабчанлик, ишда аниқ ма-
ромни таъминлаш, қайси тоифада бўлмасин, ҳар бир
рахбарнинг энг муҳим фазилати бўлмоғи керак! Акс
холда раҳбар ўзига ишонч билдирган халқни қийин
ахволга солиб қўйиши, мамлакат ривожига тұғанок
булиши ҳеч гап эмас.

Хўжалик раҳбарларининг ўзи ислоҳотлар моҳиятини
тұла тушуниб етмаган. Уларнинг ишни қандай ташкил
килиш, мулкчиликни ривожлантириш ва унинг асосида
одамлар манфаатдорлигини ошириш тамойилларини
англаб етмаётгани, аксарияти манфаатпастлик гирдо-
бига тушиб қолгани кишини ранжитади.

**И.А. Каримов. Янгича фикрлаш ва ишлаш
давр талаби. Т-В.
Т.: Ўзбекистон,
1997. 210-бет.**

* * *

Раҳбарлик лавозими-вазифасига ўтказиш, та-
йинлаш масаласида эскидан қолган сарқит-маҳал-
лийчилик, уруғчилик, ошна-оғайнигарчилик, по-
рахӯрлик иллатлари устунлик қилмоқда. Яна бир
сабаб – кўпчилик вилоят, туман раҳбарлари ўзларидан
кучлирок, салохияти кўпроқ ёшлиар ўсишидан кўркиб,

уларнинг йулиға түсик қўймоқда. Бундай ахволни тагтамири билан йўқ қилишимиз даркор.

**И.А. Каримов. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. Т-В.
Т.: Узбекистон, 1997. 217-бет.**

* * *

Ҳар қайси инсон қаерда бўлмасин ва қайси вазифани бажармасин, у вилоят раҳбарими, туман ҳокимими, ҳўжалик ёки корхона раҳбарими, оддий косиб ёки оддий дехқонми – мартабаси ва касбидан қатъий назар, ўзини ҳаром-хариш ишлардан тийсин ва ўз жойида ўз вазифасини ҳалол бажарсин.

И.А. Каримов. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. Т-В. Т.: Узбекистон, 1997. 224-бет.

* * *

Жамиятимизнинг маънавий-маърифий жихатдан покланиши, ислохотларнинг тақдири, халқимизнинг фаровонлиги, биринчи навбатда, раҳбар кадрларнинг малакасига, фидойилигига, юртпарварлигига ва иймону эътиқодига боғлик.

Раҳбар сайлангаётган пайтда, албатта, энг биринчи навбатда, унинг ташкилотчилик қобилияти, ташаббускорлиги, мутахассислиги, малака ва савиаси эътиборга олинади. Ижтимоий ҳолат ва рақасига бир карасак, сайлангаётган ёки тайинлангаётган раҳбарларимизнинг аксарияти бу талабларга тулик жавоб беради. Аммо бу масалада биз иккинчи томонга ҳам жиддий эътибор беришимиз керак.

Бу муҳим савол шундан иборатки, раҳбар лавозимига, курсисига ўтираётган одамнинг иродаси бақувватми, имони бутми, керак бўлса, ўз манфаа-

тини бутунлай унутиб, бошқаларнинг манфаати, юрт фаровонлиги учун ҳаловатидан воз кечиб, бутун күчини, бутун борлигини баҳш этишга, фидо этишга тайёрми ёки тайёр эмасми?

Айтинглар, азиз дўстлар, бу улуғ мезонни қайси тарозида үлчаш мумкин?

Тажриба кўпинча шуни кўрсатадики, янги тайинланган раҳбар аввал бир йил иш ўрганади, одамларни ўрганади. Яна бир йил баҳоли-қудрат ишлайди, харакат килади. Афсуски, ана шундан кейин, ўзини озгина ушлаб олганидан кейин, бели бақувватгина бўлиб қолганидан кейин, бола-чакани жойлаштириб, яна етти пуштига етадиган мол-бойлик тайёрлаб қўйганидан кейин, қарабсанки, раҳбарнинг ўзи ҳам чақнамайди, кўзиям чақнамайди, харакатлари суст, ишга ҳафсалалари йўқ, кискача, содда килиб айтганда, “оксоқоллик гашти”ни суриб, шунчаки “Ҳорманг! – Бор бўлинг！”, деб юрадиган бўлиб колади.

Яъни энди бу одамнинг гўёки иши битган, эшаги лойдан ўтган. “Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак”, деган шиоримиз, даъватимиз, бундай одамнинг кулоғига жуда узоқдан эшитиладиган ноаниқ бир садога айланади.

Очик айтишимиз керак: ҳам вилоят, ҳам туман, ҳам хўжалик раҳбарлари орасида мана шу касалликка мубтало бўлганларни учратиш мумкин.

Бу дардга қандай даво бор? Унга қарши қандай доридармон топиш мумкин?

Албатта, аввалимбор, бу борада давлатимиз конунчилиги, хисобот тартиби, жавобгарлик масъулияти ўз таъсирини кўрсатиши керак.

Лекин бу касалликнинг энг катта ва энг таъсирчан шифоси борки, бу – жамоатчиликнинг назоратидир.

Ҳали иситмаси чикмасдан туриб, раҳбарнинг биз айтган дардга чалинганини ким биринчи бўлиб сезиши мумкин?

Албатта, унинг атрофида яшаётган ва меҳнат килаётган жамоа, жамоатчилик. Лекин мен биламанки, буни ошкор қилиш, керакли шошилинч чора-тадбирларни куриш, аччик бўлса-да, раҳбарнинг юзига ҳақиқатни очик гапириш, афсуски, негадир бу тартиб бизнинг одатимизга кирмаган.

Бундай тартиб, яъни касалликнинг олдини оладиган таъсирчан тартиб, минг афсуски, ҳаётимиизда жуда кам учрайди. Агар бу касаллик қандай хунук оқибатларга олиб келишини англаган ҳолда тўғри гапиришга журъат этувчи одамлар пайдо бўлса, билиб кўйингки, бундай бечораларнинг боши калтакдан чиқмайди. Ношуд раҳбарнинг хушомадгўйлари, лаганбардорлари рост гапни айтган одамнинг ҳолинивой қилади.

Натижада, тўғри ва ҳалол гапирадиган одамнинг ҳам хафсаласи пир бўлади, у ҳам кўриб кўрмасликка, билиб билмасликка олиш йулига утади.

Биз андиша, ўзбекчилик, мусулмончилик деган эзгу тушунчаларни ўзига никоб этган ана шу кусурдан бутунлай ҳоли, бутунлай ҳалос бўлишимиз керак. Андиша ўз йули билан, лекин инсон, энг аввало, журъатли ва жасур бўлиши лозим. Дард яширилса, оқибати ёмон бўлади, мадда бойлаб кетади. Ўз дардимизни ўзимиз ошкор этишимиз, ўз вактида чора топишимиз, тузатишими, бу ҳар кунлик оддий одатимизга айланиши зарур.

Очиқ айтиш керакки, вилоятда кадрларни шошма-шошарлик билан, тадбиркорлик, ташаббускорлик, касбий ва ахлокий сифатларини чуқур ўрганмаган ҳолда юкори лавозимларга қўйиш ҳоллари мавжуд.

**И.А. Каримов. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. Т-У.
Т.: Ўзбекистон,
1997. 230–232-бетлар.**

* * *

Хоҳ катта, хоҳ кичик корхона ёки ташкилот раҳбари ўз ходимининг ташвишларидан хабардор бўлмас ва уларни севмас экан, у раҳбар бўлишга нолойиқдир. Бу уринда эришилган ютуклар оддий кишилар турмушида сезилмаса, улар манфаатдорлигида акс этмаса, бундай юксалишнинг ҳеч кимга кераги йўқ.

**И.А. Каримов. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. Т-В.
Т.: Ўзбекистон, 1997. 260-бет.**

* * *

Кадрларни танлаш, тарбиялаш ва жой-жойига қўйиш масаласида ҳам аччик, танқидий гапларни айтишга тўғри келади. Ўрта бўғин раҳбарларини аттестациядан ўтказиш якунлари уларнинг асосий кўпчилиги эскича ишлаётганини, янги замон моҳиятини етарли даражада тушуниб ололмаганлигини кўрсатмоқда. Вазифаларни ҳал этишда, муҳим муаммоларни бартараф килишда ижодий ёндашиш, ўзига хос иш услубини қидириш хусусиятлари этишмайди.

Туманларнинг ҳокимлари, асосан, пахта ва дон етишириш билан шуғулланишади, холос. Ваҳоланки, улар ўз туманларидағи ҳар бир кишининг ташвишига шерик бўлишлари, ижтимоий ҳайётимизнинг ҳамма соҳалари учун маъсул ва жавобгар эканликларини чуқур тушунмоқлари даркор.

Шаҳар ва туман ҳокимларининг ўринbosарлари ҳам, асосан, кундалик ишлар билан уралашиб қолиб, ўзлари маъсул бўлган соҳалар билан шуғулланишга вақт топа олмаяптилар.

**И.А. Каримов. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. Т-В.
Т.: Ўзбекистон, 1997. 274–275-бетлар.**

* * *

Рахбарнинг ўзи куйиб-ёниб ишлаётганини куриб жамоа ҳам унга эргашади, ҳақиқатдан ҳам жамоа бўлиб, ўзаро ҳамдард ва ҳамнафас бўлиб, бир ёқадан бош чиқариб ишлай бошлайди.

Ҳар қайси ҳокимнинг энг муҳим бурчи – бундай раҳбарлардан чўчимасдан, рашқ қилмасдан, уларга ҳар томонлама ёрдам бериш, кўмаклашиш, уларнинг руҳини кўтаришга ҳаракат қилишидир.

**И.А. Каримов. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. Т-V.
Т.: Ўзбекистон,
1997. 277-бет.**

* * *

Кимки қачон ва қасерда ишлаган бўлмасин, қайси юксак лавозимда ва қанча кўп йил ишлаган бўлмасин, қандай ишларни, шу жумладан, номаълум ишларни қилган бўлмасин, уларнинг кетидан қувиш, эски гуноҳларини кавлаш, уларга “компромат” йигиш, уларнинг ҳаётини бузиш, бола-чақасига, қариндош-уругига тазйик ўтказиш бизнинг мақсадимизга, сиёсатимизга мутлако зид...

Бугун замон ўзгарди. Эскича фикрлайдиган кадрлар бугунги сиёсатимизга мутлако тўғри келмайди. Яъни лаганбардор, хушомадгўй, ҳар қандай топширикка ҳам ўйламасдан “лаббай！”, деб жавоб берадиган, ўз фикри йўқ, аммо ўзидан каттароқ амалдорнинг бемаъни фикрини ҳам сиёsat қилиб олувчиларга энди орамизда ўрин йўқ...

Ўз фикрига эга бўлганлар, дунёқараши кенг, ўз фикрини ҳимоя қилишга кодир бўлганлар, энг муҳими, жамоат манфаатларини ўзининг шахсий манфаатидан устун қўядиганлар, қатъиятли, ориятли,

ташкилотчи, эл-юрт дардини юрагидан ўтказадиган мард инсонларнинг замони келди.

Қани энди шундай мардлар юртимизда кўп бўлса!

Санаб ўтилган фазилатларни мужассам этган йигит ва қизларни топиш, ташлаш, ўз жойига кўйиш – бугунги кадрлар сиёсатининг негизи бўлмоғи даркор...

Менинг бир нарсага иймоним комил: юртимизда халқимизнинг дарду ғамини юрагидан ўтказиб, унинг қадрига етадиган фидойи раҳбарлар кам эмас.

Улар ўзларининг мардлиги, акл-заковати, билими билан бугунги замон талабларини чукур англаб, эл-юрт баҳт-саодати, унинг истикболи ва тараккиёти учун, халқимизга бош-кош бўлиб, ҳалол меҳнат килмоқдалар.

Мени қувонтирган жойи шундаки, буларнинг орасида ёш, малакали, юртпарварлар сони купайиб бормоқда. Бир нарсага каттиқ ишонаман: бундай раҳбарлар – етакчилар сафи қанча тез купайса, меҳнаткаш, қийинчиликларда тобланган халқимиз, жамиятимиз, ватанимизда мавжуд имкониятлардан фойдаланиб, шунча тез ўз мурод-максадига, фаровон ҳаётга етиб боради, иншооллоҳ.

**И.А. Каримов. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. Т-V.
Т.: Узбекистон,
1997. 278–280-бетлар.**

* * *

Нега вилоят ҳокимлари, туман ҳокимлари, вазирлар ва бошка мутасадди раҳбарлар матбуотдан ўзини олиб кочади?

Заифлиги, тили кисик жойи борми? Нега очиқ мулоқотга чорласангиз, дудукланиб қолади? Ёки, очигиний айтадиган бўлсак, мазмунли жавоб бериш учун, яъни оддий хизмат бурчи-вазифасини бажариш учун курби, савияси, малакаси етишмайдими?

Билингки, бу масалада сиёсатимиз қатый бўлиши шарт: бизнинг яширадиган нарсамиз йўк. Сиёсатимиз очик-ойдин. Халқ билан бамаслаҳат иш курсак. ислохотларнинг бориши ва яқунларидан уни доимо ҳабардор қилиб турсак, кийинчиликларни яширмасдан ҳётимизнинг энг оғир жихатларини ҳам очик ошкор этсак, баён этсак, бундан биз асло ютқизмаймиз, аксинча – фактат ютамиз.

Ошкоралик ва очиклик бизнинг хар қадамимизни зимдан пойлаб юрган ганимларимиз тарқатаётган турли миш-мишларга, бўхтон ва уйдирмаларга қарши зарба беради. Тирнок остидан кир ахтариб юрадиган кимсаларга ҳам иш қолмайди.

Ошкоралик, фикр эркинлиги кундалик ҳаёт тарзимизга айланиши керак. Ҳаётда ютуклар билан бир каторда куп камчиликларимиз ҳам бор. Буюк мақсадларни ўз олдига қўйган одам, жамоа, халқ хатоларини очик бўйнига оладиган ва бартараф этиш чорасини кўра биладиган даражада жасур ва мард бўлиши шарт.

И.А. Каримов. Янгича фикрлаш ва ишлаш
давр талаби. Т-У.
Т.: Узбекистон,
1997. 382-бет.

* * *

Авваламбор, вилоятни бошқаришда қатъиятлилик, талабчанлик, керак бўлса, қаттиққўллик, изланувчанлик, тадбиркорлик билан иш олиб бориш масалаларидаги оқсоқлик бугунги вазиятга ва иш самарасига салбий таъсир қўрсатмокда.

Кадрларни танлаш, уларнинг касбий, ахлоқий, инсоний фазилатларини чукур ўрганмасдан лавозимига кўйиш натижасида кадрлар қўнимсизлиги вужудга

келмоқда. Утган икки йил давомида вилоятда шаҳар ва туман ҳоким ўринбосарларининг ярми алмаштирилган.

Айрим раҳбарлик курсисида ўтирганлар ўз хизмат вазифасини сунистеъмол килиб, ор-номусини йигиштириб кўйиб, шахсий манфаат йўлида ҳаромхариш ишларга кўл ургани сабабли бугун конун олдида жавоб бермоқдалар.

Хўжаликларнинг айрим раҳбарлари эски тизимда суяги қотган, аввал турли катта-катта лавозимларда ишни эплай олмаган кишилардир.

Албатта, одам зоти борки, бир-бирига ўхшамайди. Раҳбарлар борки, хатога йўл кўйиб ёки зиммасидаги вазифанинг уддасидан чиқмагани сабабли ишдан олинса, тез орада тегишли хulosага чиқариб, ҳаётдан сабоқ олиб ўз фаолиятини ўзгартиради. Собиқ раҳбар, агар у инсофли ва диёнатли бўлса, бор куч-ғайратини ўзини элюрт олдида оклашга сарфлайди. Бундай инсонлар яна қайтадан одамлар орасидан муносиб ўрин олса, ўз обру-эътиборини тиклашга ҳаракат килса – бош устига. Улар билан ишлаш, уларнинг бой тажрибасидан фойдаланиш – бу ҳам бизнинг катта ютугимиз.

Лекин, минг афсуски, бундай ҳолатлар камдан-кам учрайди. Онги ва шуури эски услубларда қотиб қолган одамлар янги талабларга жавоб бера олмайдилар, йул кўйилган нуксонлардан хulosага чиқара олмайдилар.

Бу ҳолат – эски совет тизимининг саркити. Илгари “номенклатура” деган рўйхат бўларди. Шу рўйхатга, бошқача айтганда, “раҳбарлик доирасига” кирган одам қанча хато қилмасин, уни тепада қўллайдиган ўз одами бўлса, шу доира юзасида сузиб юраверади. Ҳозиргача шу касалликдан халос бўлганимиз йўқ. Илгари раҳбар булиб ишлаган одамни бутунлай кўйиб юборишга кўнглимиз бўлмасди. Жуда бўлмаганда, отбозор ёки молбозорга директор қилиб кўямиз.

Бу иллатнинг энг томони шуки, бугунги вилоят ҳокимлари, туман ҳокимлари ишни эплай олмаган

раҳбарларнинг юзига қараб тұғри гапириш, унга халқ олдидә холисона, аччик бұлса-да тұғри баҳо беришдан кочади. Ношуд одамға ҳақиқатни айтишдек “оғир” вазифадан үзини тортади. Улар мендан үтгунча – эгасига етгунча қабилида ишлайди. Ишни барбод қилған раҳбарни четлатиш үрнига, “Мендан нима кетди, майли насибасини териб юраверсін”, деб үйлайди. Агар дүппи тор келиб, ношуд раҳбарни ишдан олишга тұғри келса, Президент номидан олади, жазолайди ва аксинча, тузукрок мансабға ишга құйса, албатта, үзининг номидан қуяди.

Кадрлар масаласида талабчанлик ва қатыяят курсатиши үрнига, ҳокимларимиз үзларига бирорта бұлсın ортиқча душман орттирумаслик йүлиға үтиб олғанлар.

Бу – заифлик ифодаси эмасми? Бундай кайфият да юрганлар мұтлако раҳбарлікка мұносиб эмас. Агар раҳбар масъулиятни үз елқасига олмаса, бу унга ишониб сыйлаган одамларни алдаш, уларға хиёнат қилиш билан баробар.

Битта үзини йүқотған қобиляйтсиз одам раҳбар булып қолаверса, бунинг жабру жафосини минглаб одамлар тортади. Нимага деганда бугунғи оғир үтиш даврида, буюк бобомиз Амир Темур ҳазратларининг битта оқил ва тадбиркор инсон минг-минглаб локайд, бепарво ва тадбирсиз одамлардан афзалроқдир, деган мазмундаги сұzlари ғоят мұхим замонавий мазмун ва ахамият касб этади.

Албатта, үз эл-юртىнинг қадрига етиб обру топа-ётган фидойи раҳбарлар күп. Улар үзларининг ҳалол мекнатлари билан халқимизнинг баҳт-саодати, юртимизнинг истиқболи йүлида курашмоқдалар, мамлакатимиз тараккиётiga үз хиссаларини күшмоқдалар.

Биз кадрлар танлови, уларни тарбиялаш, уларнинг билими ва истеъдодидан оқилона фойдаланиш ҳақида күп гапирамиз. Ағсуски, күп ҳолларда бу соҳадаги ишларимиз күтилған натижаларни бермаяпты.

Рахбар ходимларни саралаш, уларни тайёрлашда биз ҳанузгача замонавий самарали тизим ва тартибни шакллантира олганимиз йўқ. Бизда эскидан қолган “кадрлар резерви” деган гап бор. Бунинг нима эканини шу залда ўтирганлар яхши билади. Оддий килиб айтганда, бу эртага масъул раҳбарлик, етакчи мутасадди лавозимлари ни эгаллайдиган кишиларнинг рўйхати.

Захира рўйхатига аксарият ҳолларда ишнинг кўзини биладиган, тадбиркор, билимдон, азму шиҷоатли кишилар ўрнига ҳамтоворклиқ, ошна-оғайнигарчилик, қариндош-уругчилик асосида танланган тасодифий одамлар кириб қолмоқда. Оқибатда, кадрлар сиёсатимизда жиддий оксашлар вужудга келмоқда.

Виждонли, юртпарвар одамларимиз, ёшларимиз бор, аммо уларнинг тажрибаси йўқ. Хуш, биз уларга тегишли тажриба ва малакани, замонавий бошкарув асосларини қаердан олиб ўргатамиз?

Тилимизда “муовин” деган сўз билан бирга “уринбосар” деган жуда маъноли сўз ҳам бор. Чукуррок ўйлаб карасак, бунинг мазмуни шуки, уринбосар одам керакли дақикада, исталган шароитда бошлиқнинг ўрнини боса оладиган, раҳбарнинг ишини юксак савида давом эттиришга кодир кучли шахс булиши зарур. Афсуски, кундалик турмушимида биз кўпинча бунинг тескарисини кўрамиз.

Агар бирор катта раҳбарга, у ҳоким буладими, вазирми, ўзингиз бир муовин топинг, дейилса у қандай одамни танлайди? Табиийки, ўзининг измида юрадиган, гап қайтармайдиган, шахсий садоқатли, ўзидан савииси пастроқ, хеч качон ўзининг ўрнини босолмайдиган одамни танлайди.

Натижада, биз бугун шундай аччик ҳақиқатга дуч келиб турибмиз: катта раҳбарнинг еттита муовинидан бирортаси ҳам бугун унинг ўрнини эгаллашга муносиб эмас. Нега? Чунки ўша бошлиқ ўзидан кучлирок кадр-

ни якинига йулатмаган, уларнинг қобилятиини намоён килишига йўл бермаган...

...Ёш йигит-кизларни, олий маълумотли, билимга ташна, интилувчан, иймони бакувват ёшларимизнинг рўйхатини тайёрлаш, уларни турт-беш йилдан кейин мана шундай масъулиятли лавозимларга тайинлаш юзасидан изчили тарбиявий иш олиб бориш зарур. Албатта, үзимизнинг ва хорижий мамлакатларнинг илгор компания, фирма, банклари ва ишлаб чиқариш соҳаларидағи замонавий бошқарув тизимини ўрганиш учун уларга керакли шароит түғдириб беришимиз зарур. Бўлажак раҳбар кадрлар захирасини тузганда холислик ва ҳалоллик бош мезон булиши шарт. Бу масалани ҳал килмасдан туриб жамият олға силжий олмайди.

Мехнатга онгли ва ижодий муносабат бўлмас экан, кадрлар хар кандай масалага оқилона ва одилона ёндашиб, масъулиятни бўйнига олмас экан, ишимиизда ижобий ўзгаришлар юз бермайди.

Эскичафирлаш, эскичақарашлар, боқимандалик ҳамон бизнинг асосий душманимиз, энг заиф жойимиз бўлиб қолмоқда.

Бу касалликлардан қутулишнинг энг тўғри, энг маъқул йули шуки, раҳбарлик лавозимларига эски сарқитлардан халос булган, янгиликка интилувчан ёшларни кутариш керак.

Ёш кадрларнинг касб малакасини оширишга имконият түғдириб бериш, қўрқмасдан уларга кенг йўл очиб бериш, масъулиятли вазифаларни топшириш, уларга таяниш бугунги куннинг энг долзарб масаласига айланниб қолмоқда. Қисқаси, содда қилиб айтганда, бизнинг тараккиётимиз, авваламбор, мана шу муаммога тақалиб қолганини барчамиз англаб етишимиз даркор.

**И.А. Каримов. Янгича фикрлаш ва ишлаш
давр талаби. Т-5.
Т.: Узбекистон,
1997. 353–359-бетлар.**

Кадрлар соҳасидаги сиёsat, ўтиш даврида ҳали ҳам мавжуд булиб турган давлат тақсимоти соҳаси, давлатнинг иқтисодий, ижтимоий ва минтақавий сиёsatи ҳамма ҳудудларга, ҳамма миллий ва социал озчиликни ташкил этувчиларга давлат ресурсларидан тенг баҳраманд булиш ва фойдаланиш имкониятларини таъминлаб бериши лозим.

Маҳаллий ҳокимиятларга кўпроқ мустакиллик бериш зарур. Ўз минтақасининг хусусиятларини билиш жойлардаги раҳбарларга у ердаги моддий ва инсоний имкониятларни мумкин қадар кўпроқ ишга солиш имконини беради. Ислоҳотларни амалга оширишга маҳаллий иқтисодий, демографик ва бошқа хусусиятлардан келиб чиккан ҳолда ўзгартишлар киритишга шароит яратади. Ислоҳотлар учун жавобгарликнинг катта қисмини маҳаллий ҳокимиятлар зинмасига юклаш, уларнинг ташаббусини имкони борича кўпроқ ишга солиш ва маҳаллий ресурсларни жалб этиш имконини беради.

Айни чоғда хўжалик юритувчи субъектларга ва маҳаллий бошқарув органларига кўпроқ иқтисодий мустакиллик бериш билан бирга, улар раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини ошириш ҳам зарур. Бу эса маҳаллий бюджетнинг кўпайишига, маҳаллий иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш учун энг мақбул йўлларни топишга имкон беради.

И.А. Каримов. Хавфсизлик ва барқарор таракқиёт йулидан. Т-VI.

Т.: Ўзбекистон, 1998. 104–105-бетлар.

* * *

Кенг кўламли, аниқ мақсадга йўналтирилган иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, одамларни

ислоҳот жараёнларига кенг жалб этиш натижасидаги на тоталитар мероснинг мудхиш оқибатларини енгиш, иқтисодиётга барқарор ривожланиш тусини бериш мумкин. Бинобарин, ҳар бир раҳбар, ҳар бир ходим, республикадаги ҳар бир илғор фикрли киши ислоҳотларни ўйлаб яшамоги лозим.

Айни чоғда бошқаришнинг обрусизланган маъмурий-буйруқбозлик тамойилларидан, марказлаштирилган таксимотнинг яроқсиз тизимидан, вужудга келган текисчилик кайфияти ва бокимандаликдан катъяян воз кечиш зарур.

**И.А. Каримов. Ҳавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлидан. Т-VI.
Т.: Ўзбекистон, 1998. 166–167-бетлар.**

* * *

Мамлакатимизда ҳаётнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг тақдирида, одамлар дунёқарашининг ўзгаришида, буюк давлат барпо этишдек олижаноб орзумизнинг рӯёбга чиқишида замон тарабларига жавоб берадиган кадрлар тайёрлаш муҳим аҳамият касб этади.

**И.А. Каримов. Ҳавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлидан. Т-VI.
Т.: Ўзбекистон, 1998. 262-бет.**

* * *

Энг муҳими, шуни англаб этишимиз керакки, кадрлар масаласини ҳал этмас эканмиз, саъи-харакатларимиз кутилган натижаларни бериши, ҳаётимиз, маънавиятимиз ўзгариши кийин кечади. Демакки, замонавий таълим-тарбия тизимини ислоҳ қилиш, замон тарабларига мос кадрлар тай-

ёрлаш ишини йўлга қўйиш фаолиятимизнинг бош йўналиши бўлмоғи даркор.

**И.А. Каримов. Хавфсизлик ва баркарор тараққиёт йўлидан. Т-VI.
Т.: Ўзбекистон, 1998. 263-бет.**

* * *

Оддий бир хақиқат бор – буни барчамиз чукур англаб олишимиз даркор: қандай ишласак, шундай яшаймиз. Ҳеч ким четдан келиб, мушкулимизни осон, рўзгоримизни бут қилиб бермайди. Нимагаки эришсак, факат ўз кучимиз, меҳнатимиз ва салоҳиятимиз билан эришамиз.

**И.А. Каримов. Хавфсизлик ва баркарор тараққиёт йўлидан. Т-VI.
Т.: Ўзбекистон,
1998. 275-бет.**

* * *

Ислоҳотларнинг муваффакияти кадрлар малакасига, уларнинг ташкилотчилик қобилиятига, янгича фикрлашига боғлиқ эканини хаммамиз яхши биламиз.

Рахбарликнинг барча бўғинларига инсофли, диёнатли, ҳалол ва пок, талабчан ва қатъиятли, ҳалқпарвар инсонлар бошчилик қилмаса, кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди.

Шу сабабдан бугун ватанпарвар, янгиликка чанқок, замонавий соҳаларни чукур англаб етадиган, ўз эл-юргига хизмат қиласидиган инсонларни, биринчи навбатда, ёшларни ёнимизга олиб, тарбиялаб, ҳеч иккиланмай раҳбарлик лавозимларига қўйишимиз керак...

Айрим раҳбарлар орасида боқимандалик кайфияти шунчалик ривожланганки, уларнинг назарида ҳамма

нарса давлат хисобидан булиши керак. Бундай эскилик асоратларидан кутулиш лозим.

Халкнинг дардига кулоқ солмайдиган, унинг оғирини енгил кила олмаган, үзининг манфаатидан бошқа нарсаны үйламайдиган бепарво раҳбарлардан воз кечиш керак.

Кадрларни танлаш, уларни жой-жойига қўйиш ишларида кўпинча юзаки қараш, шошма-шошарлик ҳолларига йўл қўйилмоқда...

Кадрларни танлаш ва тайинлашда ошна-оғайнигарчилик, маҳаллийчилик, уруғчилик иллатлари ҳам йўқ эмас. Мен бу масалага алоҳида тұхталмокчиман.

Маҳаллийчилик, уруғ-аймокчилик – миллат күшандаси! Яъни миллатни портлатиб юборадиган балодир. Биз қанчалик уруғ талашсак, алоҳида-алоҳида кабилалар атрофида ўралашиб қолсак, шунчалик майдалашамиз, тор уруғ-аймокчилик доирасида қолиб кетамиз. Замон оламга кенгрөқ қарашни, катта масалалар билан шуғулланишни, йирик муаммолар хусусида үйлаб, кенгрөқ фикрлашни тақозо этади. Ана шундан келиб чикиб, дунёга кенгрөқ қарайлик. Миллий бирлик, миллий яхлитлик, миллий бир бутунлик – миллий равнақ асосидир.

Албатта, биз ҳар биримиз миллатпарвар булишимиз, уз миллатимиз ўтмишини, унинг келиб чиқиш тарихини ўрганмоғимиз керак. Ким қандай уруғ ва аймоқлар зотидан чиққанини билишнинг зарари йўқдир, лекин, авваламбор, умуммиллатнинг манфаати, унинг обруси, қиёфаси ва келажаги учун бирлашиб интилишимиз керак.

Бугун бошқарув тизимиға миллати, элати, уруғидан қатъий назар, эл ишончига сазовор бўлган, масъ-Улиятни хис қила оладиган, халқни үзига эргаштира биладиган раҳбарлар кириб келмоғи зарур.

Бунинг учун ҳар бир раҳбар ўз ўрнига давр талаби даражасидаги кадрларни тайёрлаши керак. Атрофига

қобилияtplи, билимли, ҳар томонлама етук мутахассисларни тўплаб, уларни тарбиялаши лозим.

Биз янгича ишлайдиган, янгиликнинг мохиятини тушунадиган, ташабbus кўrsatiб ишлайдиган, элюрт ташвишини зиммасига оладиган ёшларни қўллаб-куvvатлаймиз. Уларга иқтидори ва билимига қараб, масъулияtplи вазифаларни топшираверамиз. Зотан, янгилик бор жойда ўзгариш бўлади, яратиш, бунёд килиш имконияти туғилади.

И.А. Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараккиёт йўлидан. Т-VI.

**Т.: Ўзбекистон,
1998. 282–283-бетлар.**

* * *

Ҳамма нарса бизнинг тадбиркорлик, ташкилотчилик ва фаоллигимизга, малакамизга, билим ва қобилиятимизга боғлик эканини унутмаслигимиз керак.

Кўплаб корхона ва тузилмаларимизда, биринчи навбатда, бошқарувнинг юкори поғоналарида ишлаётганлар бозор иқтисодиётнинг энг муҳим жиҳатлари – менежмент ва маркетинг ҳамон тасаввурга эга бўлмаса нима килишимиз керак?

Ислоҳотлар иқтисодиётнинг кўплаб бўғинлари, айникса, ўрта ва куйи бўғинларида юзаки амалга оширилаётган, шахсий мулк ва акциялаштириш йўлига кўплаб турачилик тусклари қўйилаётган бўлса, нима қилишимиз керак? Коррупция ва порахўрлик иллати ҳакида нима деса бўлади?

Ва, ниҳоят, энг муҳими – кўплаб ўрта ва қуйи бўғин раҳбарларининг фикрлаш тафаккури жуда секинлик билан ўзгараётгани, улар онгига ишбилармонлик, бозор муносабатларига хос ёндашувлар қийинчилик билан кириб бораётгани сир эмас.

Боқимандалик кайфияти, эскича ишлаш истаги сакланиб қолаётган бўлса ёки улар юкоридан қаттиқ талаб қилингандагина иш моҳиятини эмас, балки факат шаклини ўзгартираётган бўлса, нима килиш керак?

Аниқ айтишимиз мумкинки, деярли барча қийинчиликлар, муаммоларнинг сабаби ана шунда. Ислоҳотларнинг жадал кетмаёттани, олдимизга қўйилган вазифаларнинг тўла бажарилмаётганига ҳам сабаб шу.

Мана шунинг учун ҳам тараккиёт ва ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида кадрлар билан ишлаш ўта муҳим, амалий аҳамият касб этади. Илгаридаги сингари кадрларни шунчаки танлаб, жой-жойига қўйиш билан иш битмайди. Аввало, одамларни, биринчи галда, барча даражадаги бошқарув ва ишлаб чикириш раҳбарларини ўқитиш, тарбиялаш керак.

Иш кетмадими, дарров раҳбарни ўзгартиришга ўрганиб қолганимиз. Айрим тармокларда раҳбарлар икки-уч мартадан алмаштирилди. Хуш, бу билан нимага эришдик? Натижа қандай буляяпти?!

Келинглар, шу хақда бир уйлаб кўрайлик. Алмаштиришдан осони йўқ, ҳамма бало шундаки, резервда талабга жавоб берадиган ғайратли, билимли одамлар бўлмаса, минг уринмайлик, хеч нарса ўзгармайди.

Айтингларчи, раҳбарлар ва тадбиркорлар тайёрлаш билан ҳозир ким шугулланаяпти?

Хусусан, раҳбарлар ва ишбилармонлар тайёрлаш учун хорижга одам юбораяпмизми? Агар юборилган бўлса, уларнинг сони қанча? Қайси олий ва ўрта ўкув юртлари кичик бизнес учун кадр тайёрлаяпти? Нега талай мутахассислар, дейлик, биз кўплаб тайёрлаётган агрономлар, зоотехниклар ўз соҳаларида ишламаяпти?

И.А. Каримов. Ҳавфсизлик ва барқарор тараккиёт йўлидан. Т-VI.

**Т.: Узбекистон,
1998. 303–305-бетлар.**

* * *

...Бугунги кунда олдимизга қўйган буюк мақсадларимизга, эзгу ниятларимизга эришишимиз, жамиятимизнинг янгиланиши, хаётимизнинг тараккиёти ва истиқболи амалга оширилаётган ислоҳотларимиз, режаларимизнинг самараси тақдири – буларнинг барчаси, авваламбор, замон талабларига жавоб берадиган юкори малакали, онгли мутахассис кадрлар тайёрлаш муаммоси билан чамбарчас боғлиқлигини барчамиз англаб етмоқдамиз.

Шу билан бирга, ҳаммамиз яна бир ҳақиқатни англаб етмоқдамиз. Фақатгина чинакам маърифатли одам инсон қадрини, миллат қадриятларини, бир сўз билан айтганда, ўзлигини англаш, эркин ва озод жамиятда яшаш, мустақил давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб, обрули ўрин эгаллаши учун фидойилик билан қурашиши мумкин.

И.А. Каримов. Хавфсизлик ва баркарор тараққиёт йўлидан. Т-VI.

**Т.: Узбекистон,
1998. 325-бет.**

* * *

...Кишлоқда ислоҳотларни янги босқичга кўтармас эканмиз, бошқа соҳаларда ҳам бу масалани ҳал этиш қийин кечади. Чунки қишлоқ хўжалигидаги ўзгариш – бутун хаётимизни ўзгартиради. Одамлар тафаккурини эса фақат ҳаётгина ўзгартира олади. Узбекистон аҳолисининг 65 фоизи кишлоқларда яшини инобатга олсак, бу масаланинг маънавий томони, жамиятимиз тараққиётида ўрни янада кўринади. Шундай экан, биз келажакни ўйлаб, ҳаётда ўзимиздан яхши из қолдиришни мақсад қилиб яшшимиз ва ишлазшимиз даркор. Қайсики раҳбар ўз ишидан, ҳаётидан

қониқиб, интилиш, изланишдан тұхтаса – у ерда тараққиёт бұлмайды.

И.А. Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йулидан. Т-VI.

Т.: Узбекистон,
1998. 366-бет.

* * *

...Қани энди бепарво, бефарқ, бокибегам одамлар сони қамайса, фидойилар, жонқуярлар сони күпайса! Ҳар бир инсон ва, биринчи навбатда, мансабдорлар үз жойида халол, сидқидилдан меҳнат қылса ва үз бурчини вижданан бажарса, унда олам сұзсиз гулистон буларди.

Мен ишонаман, бугун амалга оширилаётган барча зэгү ишларимиз мана шундай кунларнинг ҳәётимизга тезрок келишига асос солади.

Ҳар доим мен учун, үйлайманки, бошка раҳбарлар учун ҳам энг катта бойлик, энг катта шараф – у ҳам бұлса, сизнинг ишончингиз, халқимнинг менга қаратылған очик чехрасидир.

И.А. Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йулидан. Т-VI.

Т.: Узбекистон,
1998. 402-бет.

* * *

Күпгина раҳбарлар онгыда режали иктисадиёт йилларыда шаклланған эски ақидалар ҳамон яшаб келмоқда. У пайтда раҳбарлардан ҳосилни йигиб олиш буйича белгиланған план топшириқларини ҳар қандай йүл билан бұлса ҳам бажариш талаб қылнарды. Дағлат қарзлар ва барча ҳаражатлардан воз кечиб кетишини ҳамма биларди. Мухими,

маҳсулот миқдори ва ҳажми эди, бу миқдор ниманинг эвазига келгани ҳеч кимни ташвишга солмас эди. Бу қоидани яхшилаб ўзлаштириб олган раҳбарлар қаҳрамон бўлиб гердайиб юрарди. Ҳар қандай йўл билан режани бажариш раҳбарларнинг ташкилотчилик қобилияти, уларнинг сиёсий етуклигининг асосий мезони эди.

Афсуски, бугун ҳам раҳбарлар фаолиятига ўтмишнинг ана шундай номақбул ўлчови билан ёндашмокдамиз. Шунинг учун ҳам эски психология, баҳолашнинг эски мезонлари асосига қурилган ортиқча сарф-харажат механизми бугун ҳам ишлаб турибди. Кейинги йилларда паст рентабелли ва зарар кўраётган қишлоқ хўжалик корхоналари сони кисқариш ўрнига тобора ошиб бораётганини бошқача изоҳлаш мумкин эмас.

**И.А. Каримов. Ҳавфсизлик ва барқарор тараққиёт йулидан. Т-VI.
Т.: Ўзбекистон,
1998. 416-417-бетлар.**

* * *

Агар ҳоким ўзини вилоятининг ҳақиқий эгаси қилиб кўрсатса, “Мен шу вилоятнинг эгасиман”, деса ёмонми! Мен бунга карши эмасман. Бу яхши аломат. Эга дегани, шу туман, шу вилоят учун, керак бўлса, жонимни фидо киламан дегани. Йулимизга тұғаноқ бўлаётган тұртбешта муттаҳамнинг ёқасидан олишга тайёрман, дегани.

Сизга ишонган, сизга инонган одамларни химоя қилишга ўрганинглар. Ҳамма ишни ўз ҳолига ташлаб қўйиш ҳеч қачон яхшиликка олиб келмайди. Фидойи экансизлар, раҳбар дегани мен факат фидойи деб биламан, ҳалқ ичига боринглар, унинг оғирини енгил қилинглар. Қўркманлар, қийналиб

қолсаларинг, ёнларингда мен борман. Мен сиз томон-даман.

И.А. Каримов. Биз келажагимизни үз
күлими билан қурамиз.

Т-VII. Т.: Узбекистон,
1999. 41-бет.

* * *

Бизни ташвишга солаётган масала кадрларни танлаш, уларни тарбиялаш, уларнинг қобилият-имкониятлариiga караб жой-жойинга кўйиш...

...Барча катта-кичик лавозимларга раҳбарлар тайинлашда холисона қараш ўрнига таниш-билишчилик, уруғчилик, ошна-оғайнингарчилик, маҳаллийчилик каби иллатлар хукм сурмокда. Аҳвол шу даражага етиб борганди, раҳбар назаридага яхши куринган одам лавозим олади, назарига хунук кўринган, ёқмаган одам вазифадан четлашади. Бошқача айтганда, кадрларни тайинлашда раҳбарнинг субъектив қарашлари асосий омил бўлиб колган.

Бундай қарашлар, бундай сиёsat нимага олиб келишини үзимизга тасаввур килишимиз қийин эмас. Аввалимбор, лаганбардор, хушомадгўй “лаббай”чиларнинг сони кўпайишига ва ҳудудда соглом мухитни, адолатни бузишга, шунинг оқибатида аҳолининг ишончи-ни йўқотишига, раҳбарлар ва ҳокимиятларни обрусизлантиришга олиб келиши турган гап.

Ахир ҳокимият ва назорат идораларида, маъмурий-хукукий масалаларда мана шу принципда танланган раҳбарлар ўтиrsa, бу жойда конун ва адолат ҳукмронлиги ҳақида гап бўлиши мумкинми?! Шундан кейин қонуннинг кучи, қонуннинг таъсири, қонуннинг обруси, қонунга – адолатга одамларнинг ишончи ҳақида Галиришнинг нима ҳожати бор?

**Барака топгурлар, қани, айтинглар-чи, хоким –
халқнинг хўжайиними ёки халқнинг ҳимоячисими?!
Биз кайси даврда яшаяпмиз?! Бундай манманлик,
димоғдорлик ва бундай такаббурлик қаёдан пайдо
булди ўзи?!**

Уйлайманки, одамнинг акли бовар қилмайдиган
бундай ҳолатларни, содир бўлаётган қонунбузарлик ва
ўзбошимчалик, раҳбарларнинг ҳаддидан ошиб кетаёт-
ганлиги, вилоят ҳаётида мавжуд бўлган баъзи бир хунук
ҳолатларни ва ҳакиқатни яшириш, ошкора қилмаслик
каби харакатлар билан изохлаш мумкин.

**И.А. Каримов. Биз келажагимизни ўз
қўлимиз билан қурамиз. Т-VII.**

**Т.: Ўзбекистон,
1999. 66–67-бетлар.**

* * *

**Жамиятда раҳбарнинг ўрни бенихоя мухим.
Халқни эзгу ниятлар билан ўзига эргаштира олган
раҳбар ҳамиша одамларнинг хурмат-эътиборида
булади. Одамларни бир-бирларига суюниб, таяниб,
бир-бирларини тушуниб, муаммоларни биргалашиб
баргарраф этишга даъват қилиш ҳақиқий раҳбарнинг
ноёб фазилати хисобланади. Раҳбарнинг энг катта
душмани – қибру ҳаво, ўзига бино қўйиш, ўзига
ортиқча баҳо беришdir. Бундай раҳбар узокка бо-
ролмайди.**

**Раҳбарликнинг энг буюк мезони –адолат. Бу
сўзининг замирида бутун ҳалқ тақдири, жамият
истикболи, мамлакатимиз келажаги мужассам бўл-
ган. Буни чуқурроқ тушунайлик, чуқурроқ англай-
лик. Адолат ҳамма нарсадан устун бўлиши керак.**

**“Куч – адолатда” деган Амир Темур бобомизнинг
бизга қолдирган ўғит-насиҳатларини эсимиздан, хаё-
лимииздан чиқаришга ҳаккимиз йўқ.**

Узидан бир погона юқори бўлган кишининг олдида икки букилиб, узидан бир поғона паст бўлган одамни оёкости килиш эски мустабид тузум ва жамиятнинг тимсоли эди. Биз бундай иллатлардан кутулишимиз, уни бутунлай йўқотишимиз керак.

Кулингиз остидаги кишилар сизга факат хизмат юзасидан хисобот бериши мумкин, холос. Инсон сифатида, шахс сифатида, колаверса, фуқаро сифатида сиз билан тенг ҳукукли эканлигини ҳеч қачон унутмаслик керак.

Оддий одамларнинг раҳбарга муносабати икки фуқаро ўртасидаги муносабатгина эмас. Айни пайтда у жамиятда қарор топадиган маънавий-рухий, сиёсий-ахлоқий мухитни ҳам яратали. Демак, ишлаб чиқариш маданичилини, унинг самарадорлиги бевосита одамлар кайфиятига, раҳбарга бўлган муносабатига боғлик.

Ҳақиқий раҳбар барчага бирдай одилона муносабатда булади. Албатта, одамлар ҳар хил булади. Уларнинг орасида гап уқмайдиган, баъзан эса рўй-рост эътиroz билдирадиганлари ҳам булади. Халқ дегани барча фазилатлари билан бир қаторда нуксонлари билан ҳам яхлитлигича халқдир. Ҳақиқий раҳбар ана шу яхлитликни англаб, акл билан ҳис этиб, уларнинг бошини қовуштириб, узига эргаштира олиши билан халқ олдида муносиб ҳурмат ва иззат қозонади.

Одамларда гурур ва ифтихор туйғуларини кучайтириш – бизнинг вазифамиз. Токи улар уз күчига ва истиқболига ишонсин, қилаётган ишидан фахрлансин, ташаббускор бўлсин.

Ҳақиқий раҳбар одамларнинг кўнглига йўл топиб, уларни эзгуликка, яхшиликка, яратишга даъват қиласи ва ўзи ҳам одамлар юрагидан жой слади. Ана шундай бахт барча – каттаю кичик раҳбарларга насиб этишини хоҳлайман.

**И.А. Каримов. Биз келажагимизни уз
қўлимиз билан курамиз. Т-VIII.
Т.: Ўзбекистон, 1999. 76–77-бетлар.**

* * *

Бутун маърифатли дунё тан олган ва риоя килаётган, бугунги замоннинг ўзи тақозо этган янги принциплар, конунларни тушунмайдиган, қабул килмайдиган шахслар, амалпарамастлар энди бизга халақит бермасин, чекка-га чиксин, ўрнини ёшларга, илгор фикрловчи мутахасисларга бушатиб берсин!

**И.А. Каримов. Биз келажагимизни ўз кўлими билан қурамиз. Т-VII.
Т.: Узбекистон, 1999. 119-бет.**

* * *

Обод кишлoқларни, янги курилган уйлар ва йулларни, янги ижтимоий обьектларни, энг муҳими, одамлар юзидаги мамнуниятни кўрганимда, халкимиз ташаббускорлиги ва тинимсиз меҳнати туфайли мана шундай натижаларга эришаётган корхона ва ташкилот раҳбарлари, туман ва вилоятлар ҳокимлари ташаббускорлигидан кувонаман.

Ўз бурчинни, ҳаётининг мазмунини тўғри англайдиган барча раҳбарлардан хурсандман ва уларни кўллаб-кувватлашга тайёрман. Фурсатдан фойдаланиб, Ватанимиз гуллаб-яшинаши йўлида қилаётган меҳнатлари учун уларга самимий миннатдорлик билдираман.

Бирок айрим туман ва қишлоқларимизнинг ижтимоий ҳаётида ҳеч нарса ўзгармаётгани афсус ва надомат туйғуларини уйғотади. Баъзи раҳбарлар, мансабдор ва амалдорлар ўз мавқеидан шахсий максадга эришиш йўлида фойдаланиб, бурч ва вазифасини унтиб кўяётганини кўрганда киши шундай ҳолга тушади. Расмиятчилик, тўрачилик, одамларни менсимаслик ва ўз вазифасига совукконлик, бирон-бир ташаббус ва тадбиркорликнинг йўклиги – буларнинг барчаси конуний

равишда жамоатчилик ғазабини ва норозилигини кўзғатади.

Бундай раҳбарлар хамма нарсанинг чеки-чегараси борлигини англаб этиши керак. Улар ҳаётида ҳеч нарса одамлар назаридан четда, сезилмасдан қолмаслиги ва эртами-кечми ўз баҳосини олишини тушунишлари даркор. Бу нуксонларга қарши Президент ва ҳукуматгина эмас, барча ҳалол кишилар, юртимизнинг ҳақиқий ватанпарварлари, фидойилари, кенг жамоатчилик доимий равиша кураш олиб бориши зарур...

Кўп марта айтилди, лекин нимадир сабаб бўлгандай, мансабда, раҳбарлик курсисида ўтирганлар матбуот, телевидение ва радио ходимлари билан мулоқотдан тортинади, ўзини олиб кочади. Бунинг сабаблари нима булиши мумкин? Ўйлайманки, авваламбор, раҳбарларимизнинг масъулиятдан кочишида, ўзининг савияси, билими ва саводини курсатмасликка, яширишга ҳаракат қилишида деб биламан. Бошка изоҳ топиш кийин бўлса керак.

Бундай хунук ҳолларни тугатиш пайти етди. Ўзининг вазифасини ҳалол бажарувчи ва ишининг мохиятини яхши билувчи, кобилиятли, тадбиркор ва фидойи мутахассис ва раҳбарлар афкор омма билан ошкора мулоқотда булиши зарур. Бундан уларнинг ўзи ҳам, жамият ҳам, давлат ҳам манфаатдор булиши мукаррар.

**И.А. Каримов. Биз келажагимизни ўз
қулемиз билан қурамиз. Т-VII.
Т.: Узбекистон, 1999. 130–131-бетлар.**

* * *

Кадрлар тайёрлаш узоқ давом этадиган жараён булиб, у ҳар биримиздан, такрорлайман, ҳар биримиздан астойдил, бетиним, изчил меҳнатни талаб этади. Бу соҳада узоқ йиллар мобайнида шу қадар куп

муаммолар тўпланиб қолдики, эндиликда сусткашликка йўл кўйиб бўлмайди.

Лекин кош кўяман деб, кўз чиқармаслик керак. Кадрлар тайёрлашида ўйламай босилган қадам ху-
нук оқибатларга олиб келиши мумкин. Зоро, гап энг
муқаддас ва нозик нарса – фарзандларимиз қалби ҳакида,
маънавий ва ахлоқий тарбия асосларини яратиш, ёш ин-
сонни муайян касбга йўналтириш ҳакида бормоқда.

Бу муаммони счиш учун, аввало, таълим тизими-
мактаб ёшигача бўлган бола тарбиясидан бошлаб юкори
малакали мутахассислар тайёрлаш, юксак акл-заковат
салоҳиятини шакллантириш, бунинг учун замонавий
моддий-техник ва ахборот базасини яратишгача бўлган
барча соҳаларни ислоҳ этиш керак. Бу таълим тизимига
бевосита дахлдор соҳаларни бутунлай ислоҳ килишни
такозо этади.

**И.А. Каримов. Биз келажагимизни ўз қўнимиз
 билан қурамиз. Т-VII.
 Т.: Ўзбекистон, 1999.
 160–161-бетлар.**

* * *

...Маҳаллийчилик, ошина-оғайнингарчилик, уруғ-
аймокчилик... йўлига кирган раҳбар худбинлик ка-
салига дучор булиб, оёги ердан узилади. Энг ёмони,
раҳбарларга нисбатан кенг жамоатчиликнинг ишон-
чи йўколади. Бундай жамиятдан барака кетади, иш
юришмайди, аҳоли ўртасида турли тортишувлар ва
норозиликлар пайдо бўлади.

Дарҳакиқат, бундай мухитда раҳбарга яқин бўлган,
ишонган, суюнган кадрлари бир-бирларини қўллаб-
кувватлайди, содир бўлган конунбузарлик ва жиноятлар-
ни яширади. Жамиятда адолат йўколади. Бундай холда
халк арз-доди ни, фарёдини кимга айтиши керак?

Вилоят давлат аппаратининг ўзагини лаёқатсиз, сиёсий савияси паст, ахлоқий жиҳатдан нопок, аммо раҳбарнинг ишонган оғайнилари, эски қадрдонлари, бир ховуч лаганбардор кимсалар ташкил этса, одамлар эътирозини кимга айтиши мумкин?

Бундай ҳол хизмат вазифасини сунистельмол килиш, давлат ва жамоат мулкини талон-тарож этиш учун кулагай шароит яратади.

**И.А. Каримов. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. Т-VII.
Т.: Ўзбекистон, 1999.
212–213-бетлар.**

* * *

Бугун бошимиздан кечираётган ўтиш даврини эски тузумнинг носоғлом оқибат-таъсири ҳамда янги тизим, янги замон талабига жавоб берадиган ёш кадрларнинг ҳал қилувчи лавозимларга жуда катта қийинчлилк билан келиши мураккаблаштирмоқда.

Минг афсуски, айрим ҳолатларда раҳбарнинг ваколати канча оширилса, шунча кўп худбинлик касалига учрайди, очқўзлик гирдобига, таъмагирлик комига тушади. Худди дуо кетгандай. Лавозим, вазифа ҳакида гап кетганди, каттами-кичикми, тасдиқланиш олдидан текшириб чиқлади, олдинги фаолияти ўрганилади – дуппа-дуруст одам. Соглом, меҳнаткаш оилада тарбия олган, билими ҳам етарли, ҳаракати ҳам бор. Зиммасига олаётган масъулияти ҳакида гапиради, катта-катта ваъдалар беради. Унинг гапларини эшлитиб, эртага масжидга имомликка тавсия қилса ҳам бўлади.

Лавозимга ўтиргандан кейин эса кўпи билан биринки йил ишлайди, сунг мутлақо ўзгариб кетади. Ишни атрофидаги одамларни ўзгартиришдан бошлайди.

Ўзаринчи таъда, савдо ва хизмат соҳаси ходимларини ўзгартиради. Мисол учун бозоркомни алмашти-

ради, эвазига ўзига “кўк”идан олади. “Кўк”ини бермаса иш битмайди.

Иккинчи галда, маъмурий органларнинг каттакичик раҳбарлари ўзгартирилади. Ички ишлар, прокуратура, адлия, суд, божхона, солик ва бошқалар. Бундай жойларга ўзининг “шоввоз”ларини ўтказади. Тегишли идораларнинг Тошкентдаги раҳбарлари билан тил бириттиради.

Учинчи навбатда, ўзидан олдин ишлаган одамни коралашибга, қилиган ишларини йўқса чиқаришга, шунинг хисобидан осон йўл билан обру топишга ҳаракат қиласди.

Иш бошлиши билан унинг атрофини ошна-огайнилари, таниш-билишлари, қариндош, уруғ-аймоқ вакиллари, кисқа қилиб айтганда, ака-укалар, амакиваччалар, аммаваччаю холаваччалар ўраб олади. Ўзи отасининг исмида бўлса, укаси бобосининг исмида бўлади. Бу майновозчилик, устомонлик билан одамларга ўзларини гўёки бир-бирига бегона қилиб кўрсатишга ҳаракат киласдилар.

Маҳаллийчилик шу даражага бориб етадики, соғлом фикрловчи одам уларнинг найранглари олдида ожиз қолади. Ақл бовар қилмайдиган қиликларни тезда англолмайди. Раҳбар худди бир нарсадан кеч колаётгандай ўзининг ҳам, ҳамтоворкларининг ҳам ҳамёнини тўлдиришга интилади. Бунака одамларда на инсоф, на ирода ва на имон бор.

Улар ўзларини ҳимоя қилишга бошпана излашади, Тошкентда ўтирганларнинг пинжига киришади. Шунака пайтда табиий савол туғилади. Унга ишонган, тақдирини унга боғлаган одамларнинг орзу-умидлари каерда колиб кетди? Улар кимга ишонсин, кимга эргашсин?...

Ахир лавозим кишига кибру ҳаво, бойлик тўплаш ва қайфу сафо учун берилмайди-ку! Аксинча, у юксак масъулиятни, ҳаётнинг бутун роҳат-фароғатидан кечишини, керак бўлиб қолганда ўзидан кечишини талаб

килади. Бундай қарап одатга айланиши, ҳаётимизга сингиб кетиши керак.

Халқимизда “Килмиш-кидирмиш”, деган мақол бор. Яна “Қингир ишнинг қийиги қирк йилдан сўнг ҳам чикади”, дейишади. Шундай экан, қингир ишни эл-юрт назаридан яшириб бўлмайди. Бундай одам бугун бўлмаса, эртага шармандан шармисор бўлиб, шунча йил ишлаб, меҳнат килиб топган обрў-эътиборини бир кунда йўкотиб қўйиши мумкин.

Энг оғири – нафакат эл-юрт, балки ўзининг кариндошлари, таниш-билишлари олдида иснодга колади. Ўз фарзандлари олдида бошини кўтара олмасдан юришдан ортикрок азоб-укубат бормикан?

Нима учун мана шундай аччик ҳақиқатни баъзан тан олмаймиз? Ҳаёт тажрибасини тарих мисолида кўрабила туриб шундан қайтмаймиз. Нафс балоси шунчалик кучлими? Мен ўйлайманки, ҳар қандай соғлом инсон бу саволни ўзига бериб, ўзи жавоб топиши керак. Эл-юрт нафратидан, охиратдан қўркиш, ҳаётда ўзининг ўрнини йўқотмаслик ҳар қандай кишининг бурчи эмасми?!

...Авваламбор, (раҳбарни) бугунги аччик кунга олиб келган сабаблар – иродаси бакувват бўлмагани, нафс, айшу ишрат балосидан халос бўлишга кучи етмагани ва энг муҳими – унинг кариндош-уруғлари, таниш-оғайниларининг таъсиридан чиқолмаслиги, охирокибатда инсофини йўқотгани, деб биламан.

Ҳаёт тажрибасини шуни тасдиклайдики, раҳбар айшу ишратга берилиб, ўзининг талабчанлик, ташкилотчилик ва раҳбарлик бурчини унутиб қўйганида, қонунга риоя килиш, тартиб-интизом масалалари қолипидан чиқиб кетиши табиийдир.

И.А. Каримов. Биз келажагимизни ўз қўнимиз билан қурамиз. Т-VII.

**Т.: Узбекистон,
1999. 215–217-бетлар.**

...Ҳаёт ўз йўлида давом этаверади. Раҳбарлар келиб кетади, эл, ҳалқ қолади. Лескин ана шу раҳбар ҳалқ кўнглидан ўзига жой топа оладими? Эсда қоладиган бирон хайрли иш қилдими? Одамларнинг бошини ковуштириб, ўзи ибрат бўлиб, уларни улуғвор вазифаларни бажаришга сафарбар эта олдими? Назаримизда, ҳар бир раҳбар бу ҳақда доимо ўйлаши, ўзига-ўзи савол бериб кўриши керак.

Ҳалкимизда “Яхшидан боғ қолади, ёмондан дөғ”, деган гап бор. Кимдан боғ қолаяптию, яхши ном, яхши хотира қолаяптию, кимдан дөғ, иснод қолаяпти, буни одамларнинг ўзи ажратиб олади.

Менинг энг катта ишончим ёш авлоддир. Замонавий билимга эга, одобли, илмли, кўрсанг хавасинг келадиган, баркамол ва шижаотли фарзандларимиздир. Мен ўзимнинг тақдиримни ҳам, мамлакатимиз ва мустақиллигимиз тақдирини ҳам ана шуларнинг киёфасида кураман. Киши ана шундай фарзандлари борлигидан куч олади, онги тиниклашади, рағбатланади, кўкси тоғдай кутарилади.

И.А. Каримов. Биз келажагимизни ўз қўлимиз
билин курамиз. Т-VII.
Т.: Ўзбекистон,
1999. 221–222-бетлар.

* * *

...Эл ишониб топширган вазифани сунистъемол киладиган, шахсий манфаатини ҳалқ ва давлат манфаатидан устун биладиган, ўзига ортиқча бино қўйиб, барчани нафратини қўзғотадиган раҳбарлар билан асло келиша олмаймиз! Одамлар ишончидан маҳрум бўлган бундай кимсалар ўринии бушатиб бериши керак. Уларни конун асосида жавобгарликка тортиш лозим.

Бу бало-қазодан қандай қутулиш мумкин, бу мумкиннинг қандай ечими бор?

1) Эски асоратлардан халос бўлган, замон талабига жавоб берадиган ёшларни қўллаб-қувватлаш;

2) Кўп партиявийлик асосидаги жамоатчилик на зоратини кучайтириш, жамиятда демократик тамоилиларни мустахкамлаш;

3) Мулкчилик масаласини ечиш;

4) Соғлом кучларни бирлаштириш ва янги харакат, сиёсий кучлар фаолиятига йўл очиб бериш.

...Бизнинг халқимиз жуда олижаноб, унча-мунча кийинчиликларни писанд килмайдиган, ҳар нарсадан ҳам нолийвермайдиган халк. Шу сабабки, бирордан ҳолахвол сўрасанг, энг ночор ҳолатда ҳам, “Худога шукур, яхши”, деб жавоб беради. Лекин азиз биродарлар, тушунинглар, ҳар қандай сабру токатнинг ҳам чеки-чегараси бор. Халқимизнинг бундай тантилигини, бағри кенглигини сунистеъмол қиласлик керак.

И.А. Каримов. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. Т-VII.

Т.: Узбекистон, 1999. 230–231-бетлар.

* * *

...Вилоят раҳбари давлат ва халқ манфаатини, қонун ва адолатни, оддий халқ манфаатларини ҳамма нарсадан устун билиши керак.

Вилоят раҳбари каттаю кичик, ёшу қари – жамики вилоят аҳлининг бошини қовуштириши, уларни улуғ мақсал, бунёдкорлик ишлари, фаровон ва буюк келажак йўлида жипслаштириши, сафарбар этиши, халқнинг бор куч-гайратини мавжуд муаммоларни хал этишга йўналтирмоғи керак...

Вилоятнинг бойлиги – унинг оғир-вазмин, ориятли ва меҳнаткаш халқидир. Бу халқнинг кунглини топ-

ган, юрагига кириб борган, дарду ташвишларига ошно бўлган раҳбар ўзини баҳтиёр деб билса арзийди. Чунки бундай халқ билан ҳар қандай муаммони ечса бўлади.

**И.А. Каримов. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. Т-VII.
Т.: Ўзбекистон, 1999. 234–235-бетлар.**

* * *

Умрим давомида орттирган озми-кўпми ҳаётни тажрибаларим асосида шундай хulosага келдимки, дунёда инсон иродасини синайдиган воситалар кўп. Аммо уларнинг бироргаси ҳам амал, лавозим, мансаб қаби одамзоднинг кимлигини, унинг қиёфаси ва моҳиятини яққол очиб бера олмайди.

Шу хусусда кўп ўйлайман. Мансаб деганлари қандай сирли, бетизгин куч эканки, нега у манаман деган аклли-хушли, оқ-корани таниган, туппа-тузук инсонларнинг эл-юрт, давлат ишониб топширган ваколатларни сунистемол қилишига, инсофи ни йўқотишига олиб келади. Махаллийчилик, уруғ-аймоқчилик, пораҳурлик, калондимоғлик қаби иллатлар домига тортади? Бунинг сабаблари нимада? Бу ярамас иллат қаердан, қандай пайдо бўлади? Бу хунук, аянчли ахволни қандай қилиб бартараф эташ, жамият танасига канадай ёпишган бу балодан қай тариқа ҳалос бўлиш мумкин?

Бу касаллик илдизи ҳонлар, беклар, козилар, минг-бошию юзбошилар ҳукм сурган олис замонларга бориб тақалади. Балки халқ эртакларидаги пораҳур амалдорлар, Абдулла Кодирий тасвирлаган ришватга ботган ҳон мансабдорлари ёки бўлмаса Абдулла Қаххорнинг машҳур “Ўғри” ҳикоясида қаламга олинган воқеалар фақатгина бадиий тўқима маҳсули эмасдир?..

Айни чоғда тарихимизнинг турли саҳифаларини куздан кечирганда, халкимиз маънавияти билан боғлик

шундай маълумотларга дуч келасизки, улар ҳалоллик, ҳаромдан ҳазар, таъмагирликдан нафратланиш, камтарлик, адолатпарварлик сингари туйгулар миллатимизга хос энг олижаноб фазилатлар эканидан далолат беради. “Бироннинг ҳаки”, “киёмат қарз”, “пешона тери”, “молимардумхўр” деган сўзлар бунинг якқол ифодасидир.

И.А. Каримов. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. Т-VII.
Т.: Ўзбекистон, 1999. 237–238-бетлар.

* * *

Дунёning кўп-кўп мамлакатлари, жаҳон ҳалқларининг ҳаёти, тарихи, иқтисоди, сиёсати, фалсафаси, маданияти шуни кўрсатадики, ёвузликнинг, жумладан, порахўрлик, ўғрилик, товламачиликнинг миллати, насл-насаби йўқ. Бу оғат башарият бошига битган шундай ашаддий балоки, унинг салбий оқибатларини оламдаги жуда кўп давлатлар, юксак таракқий топган мамлакатлар ҳам ўз ўтмиши, бугунги ҳаётида кўриб-сезиб турибди.

Биз озодликка эришган ilk кунимиздан бошлаб, ўз миллий давлатчилигимизни тиклашга киришган дастлабки пайтданоқ ният ва муддаоларимизни бутун дунёга очик-ойдин маълум килганимиз: мақсадимиз аник – Ўзбекистонда ҳукукий демократик давлат қуриш. Инсоннинг ҳақ-ҳукукларини химоя қилиш, унинг орзу-умидларини рӯёбга чиқариш учун шароит яратиш – бош вазифамиз. Бу жамиятда ҳалқ ҳукмдорларга Эмас, ҳукмдорлар ҳалқقا хизмат қилиши – асосий Коида.

Биз ана шу тамойил ва йўл-йўриқларни ҳаёти-мизнинг мазмун-мундарижасига айлантириш учун интиляпмиз. Энг муҳим гап шуки, бошлаган барча

ислоҳотларимизнинг пировард мақсади битта – адолатли жамият барпо этиш.

“Адолат” сўзи минг йиллар давомида инсонга ҳамроҳ бўлиб келган. Асрлар давомида кишилар адолат учун курашган, мислсиз курбонлар берган.

Адолат ҳакида жуда чиройли гапириш мумкин. Адолат ҳакида жуда узок гапириш мумкин. Аммо гап чиройли ва узок гапиришда эмас, балки ҳаётда адолатни ўрната олишда.

Айникса, раҳбар адолати, элу юртга етакчилик килишдек оғир масъулиятни бўйнига олган одамнинг адолати бугунги кунда бекиёс аҳамиятга эга. Авваллари ҳам кўп бора айтган бир фикримни яна тақоррламоқчиман: ҳалқ очликка, йўқчиликка, ҳамма нарсага чидаши мумкин, аммо адолатсизликка чидай олмайди...

Шаркда жуда кадимдан машҳур бўлган “Сиёсатнома” деган асада подшоҳ, ҳоким, амир ва беклар, қозиу қуззотнинг, замонавий тил билан айтганда, раҳбарнинг бош вазифаси “қую қўзиларни бурилардан муҳофаза килиб, ҳаром қўлларни кесиб, ер юзини ёмонлик қилувчилардан тозалаш, жаҳонни адолат ва осойиштадик билан обод қилишдан иборат”, деб курсатилган.

Ҳар сафар шу каби ҳикматли фикрларни ўқиганимда чукур ўйга толаман. Қани эди, шу сўзлар ҳар бир раҳбарнинг, амал курсисида ўтирган катта-кичик мансабдорларнинг имон-эътиқодига айланса, деб орзу қиласман.

**И.А. Каримов. Биз келажагимизни ўз қўлимиз
билин қурамиз. Т-VII.
Т.: Ўзбекистон, 1999.
238–240-бетлар.**

* * *

Биз бугун афсус-надомат билан фикр юритиб, бартараф этиш чораларини излаётган нохуш холатни вужудга келтирувчи асосий сабаб шундан иборатки, кўп холларда давлат ходими, давлат хизматчиси, яъни давлат ваколатидан фойдаланадиган амалдор шу ваколатни сунистельмол қилишга интилади. Нима учун? Чунки мансабдорнинг ўз хизмат вазифасини сунистельмол қилиши учун қутку соладиган омиллар кўп. Чунки унинг қўлида ваколат бор, куч бор. Ана шундай ҳолда нопок ходим давлатни ниқоб қилиб, моддий бойликларни таксимлаш, ишлаб чиқариш соҳасига қушилиш, кадрлар масаласини ҳал этиш каби нозик масалаларга аралаша бошлайди. Бундай муҳим масалаларда давлатнинг таъсири ва амалдорларнинг роли қанчалик кўп бўлса, у шунчалик аянчли оқибатларга олиб келиши мумкин.

Бу фикрни кўплаб давлатлар тажрибасида ҳам, тарихий фактлар мисолида ҳам исботлаб бериш мумкин. Ҳар бир давлат тарихида янги ижтимоий сифат ҳолатига ўтиш, афсуски, коррупция ва жиноятчилик каби жирканч ҳодиса билан бирга юз берган.

Бугун биз бошимиздан мураккаб бир давр, яъни ўтиш даврини кечираётганда, эски маъмурий-буйруқбозлик, мансабдорларнинг чексиз ҳукмронлиги замонидан янги озод жамият, эркин иқтисод, демократик тузум сари қадам қўяётган бир пайтда бундай қусурларнинг юзага калкиб чикиши ҳам табиий ҳол. Янада соддароқ айтганда, эски тизим қонунлари ўз кучини йўқотиб, янги тизим, янгича ҳаёт кечириш, ишлаб чиқаришни, ижтимоий турмуш соҳаларини бошқаришнинг янги қонунлари ҳали тула кучга кирмагани, энг муҳими, одамларимизнинг тафаккурида ўзгаришлар жуда секинлик билан рўй берастгани, уларнинг янги тизим қоидаларини қийинчилик билан идрок этаётгани ва кабул қилаётгани ҳам шу каби салбий ҳолатларни кучайтироқда.

Бу вазиятдан чикиш, вужудга келган ахволни барта-
раф килиш, ҳар кайси жамоа ва минтақада соғлом иж-
тимоний мухит ташкил этиш борасида турли хил фикр-
лар билдириш мумкин. Баъзилар, ҳукуқ-тартибот таш-
килотлари, маъмурий идораларнинг кучини ошириш
керак, дейиши мумкин. Яъни текширувчилар сонини
кўпайтириш, керак бўлса, ҳар бир мансабдорнинг ёни-
га биттадан назоратчи кўйиш зарур, дегувчилар ҳам йўқ
эмас.

Аммо воқелик, кундалик ҳаёт шуни курсатмоқдаки,
текширувчилар устидан текширувчилар қўйган би-
лан порахўрлик иллати камаймайди, аксинча, баттар
авж олади. Қолаверса, биз бундай даврларни бошдан
кечирганимиз. Бир эсланг, шўро замонида қанчадан-
қанча текширувчи идоралар бор эди: давлат контроли,
халқ контроли, уларнинг устидан текширадиган пар-
тия контроли. Жойларда, шаҳар-туманларда уларнинг
ажриқдек тармоклаб кетган яна кўпдан-кўп бўлимлари
мавжуд эди. Бундан ташқари, райком бюrolари, мили-
ция, прокуратура, КГБ, ОБХСС...

Мана шундай тоталитар назорат мухитида ҳам
зўравонлар ўз билганидан қолмаган, порахўрлар ўз
килмишини давом эттираверган. Бундай иллатлар,
айниқса, коммунист мансабдорлар орасида ўтакетган да-
ражада авж олган эди.

Биз бугун турли хил назоратчилар, текширувчилар,
терговчилар ва шунга ўхшаганларнинг сонини қанча
кўпайтирсак, ишончим комилки, порахўрлик баттар ав-
жига чикади.

**И.А. Каримов. Биз келажагимизни ўз қўнимиз
 билан қурамиз. Т-VII.
Т.: Узбекистон, 1999. 241–242-бетлар.**

Агар биз замон билан ҳамнафас яшамокчи бўлсак, дунёдаги бошқа халклар, бошқа миллатлардан кам бўлмасликни, аксинча, улар билан тенг, эркин, ҳамкор бўлиб, умр кечиришни истасак, фарзандларимизнинг баҳту камолини кўрмокчи бўлсак, ҳайётимизда адолат, фаровонлик, маънавий событлик қарор топишини хоҳласак, йулимиизда дуч келиб, улуғ ва эзгу ишларимизга халал берадиган турли иллатлардан халос бўлишимиз, уларга карши қатъият, сабот-матонат, жасорат билан биргаликда кураш олиб боришимиз шарт.

Биз орзу қилаётган фаровон, озод ва обод ҳайётга эришишнинг асосий шарти шуки, унинг қонун-коидаларига, талабларига бўйсуниб, риоя қилиб яаш керак. Акс ҳолда умумисоний тараккиётнинг катта йулидан четга чиқиб, яна ўша оғир муаммолар гирдобида қолиб кетиш хавфи бор.

Нақадар аччик бўлмасин, бу – ҳаёт. Бу ҳакиқат.

**И.А. Каримов. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. Т-VII.
Т.: Ўзбекистон, 1999. 246–247-бетлар.**

* * *

...Депутат ҳам, раҳбар ҳам, қўйингки, ўзини шу юрганинг фарзанди деб биладиган ҳар бир қиши фақатгина ўзининг кундалик иши, кундалик таувишилари ва юмушлари билан чекланиб қолмасдан, эл-юргимизнинг фаровонлиги учун сидқидилдан хизмат қилиши, курашиши ҳам қарз, ҳам фарзdir.

**И.А. Каримов. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. Т-VII.
Т.: Ўзбекистон, 1999. 259–260-бетлар.**

* * *

Баъзида шундай бир тасаввур уйғонадики, олиб борилаётган ислоҳотлар, авваламбор, ўзимиз учун эмас, балки тепадаги Президент идораси, ҳукумат олдида шунчаки хисобот бериш учун бўлаётгандай.

Кўплаб соҳа, тармок, корхона ва ҳужаликларда эса раҳбарлар ва жамоа гафлат уйқусида ётганга үхшайди.

Аксарият раҳбарларнинг иктисадий-хуқукий билимлари саёз. Улар ҳамон эскича, маймурий-буйруқбозлик услубида иш юритмоқда. Бу ҳол жойларда ислоҳотларни ташкил этиш ва амалга оширишга салбий таъсир кўрсатмоқда, ислоҳотлар илдинизга болта урмоқда.

**И.А. Каримов. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. Т-VII.
Т.: Узбекистон, 1999. 261-бет.**

* * *

Босар-тусарини билмай қолган айрим ноқобил раҳбарлар ҳар қандай номаъқулчиликнинг ҳам чегараси ва жавобгарлиги борлиги мукаррар эканини унутмаслиги даркор.

Албатта, биз ҳокимларнинг қариндошлари раҳбарлик лавозимларида ишлаши мумкин эмас, деган фикрдан йироқмиз. Улар орасида ўзининг юкори мартабали қариндошини пеш килмасдан, тинч ва ҳалол меҳнат килаётган кишилар оз эмас. Лекин ҳоким бўлиб келгандан кейин, ўз жойида туппа-тузук ишлаб турган раҳбарни бушатиб, ўрнига ўзининг қариндошини ёки оғайнисини тикиштираётган кимсалар билан асло чикиша олмаслигимизни яна бир марта кескин таъкидламоқчиман.

**И.А. Каримов. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. Т-VII.
Т.: Узбекистон, 1999. 270-бет.**

* * *

...Корхоналар ва хўжаликлар раҳбарларининг онгида ҳамон бокимандалик кайфияти, бизга давлат ёрдам беради, танглик ҳолатидан унинг ўзи кутқариб колади, деган тушунча сақланиб келаётганидан далолатдир. Эски замондан қолган энг ёмон асоратлардан бири – бокимандалик кайфиятидан жудо булиш оғир кечмоқда.

Бу ерда ҳамма нарса кадрларнинг касбий малакаси, масъулияти, ташкилотчилик кобилиятига бориб тақалади. Бу, авваламбор, бошқарув соҳасида ишлаётган кадрларга тегишлидир. Биз буғуниги кадрлар ишлаб чиқариш, иқтисодни ташкил қилиш соҳаларининг кун сайин ўсиб бораётган талабларига нечоғлик жавоб берадиганига, уларнинг замонавий менежмент услубларини, маркетинг санъатини қанчалик эгаллаб олганларига. Янги бозор мұносабатлари шароитда ишлашга қанчалик қодир эканликларига холис баҳо беришимиз керак.

Агар шу нұктай назардан кадрларимизга баҳо берадиган бұлсак, афсуски, уларнинг күпчилиги буғуниги ҳаёт талабларига жавоб бермайди.

**И.А. Каримов. Биз келажагимизни ўз қўлимиз
 билан қурамиз. Т-VII.
 Т.: Ўзбекистон, 1999.
 280–281-бетлар.**

* * *

Кишилок хўжалиги буғуниги кунда ерни биладиган ва ардоқлайдиган, бу соҳада ишловчиларнинг бошини қовуштира оладиган билимдон бошқарувчиларга, юкори малакали мутахассис ва раҳбарларга ҳаммадан ҳам кўра кўпроқ эҳтиёж сезмоқда...

Мен вилоят раҳбари, туман, шаҳар раҳбари, ҳўжалик раҳбарлари, қўйинингки, одамларининг ишончига сазовор бўлган барча раҳбарларга таъкидлаб

айтмоқчиман. Биз ўтказаётган сиёсатнинг рўёбга чикиши сизнинг фаолиятингиз билан узвий боғлик. Сизлар комил исон тарбияси моҳиятига чуқур кириб бориб, ўта масъулият билан ёндашмас экансиз, бу дастурни рўёбга чиқариш жуда қийин бўлади.

Мен оддий, бугунги кунда ҳаммамиз учун тушунарли бўлган ҳақиқатни такрор-такрор таъкидламоқчиман. Биз бугунги ҳаётимизнинг қайси масалалари ва вазифалари ҳақида, қайси истиқболлари ҳақида гапирмайлик, бошқариш ва ишлаб чиқаришнинг барча бўғинларида – ҳамма нарса буғун кадрларга ва яна кадрларга бориб тақалади.

Бу масалани ҳал этмасдан туриб, амалда ўз истиқболимизни куриш мумкин эмас. Бу охир-оқибатда бизнинг ўз фарзандларимиз, набираларимиз олдидағи бурчимиздир. Биз уларни эртанги мураккаб, суронли ҳаётга тайёрлашимиз керак.

И.А. Каримов. Биз келажагимизни ўз қўнимиз
билин қурамиз. Т-VII.

Т.: Узбекистон,
1999. 289–290-бетлар.

* * *

Яна бир бор шунга икрор бўлишимиз шарт. Камчиликларнинг сабабини суриштирсанг, чиқаверади. Лекин уларнинг барчаси, пировард натижада кадрларнинг профессионал тайёргарлигига ва қобилиятига, масъулиятни хис этишига, замонавий менежмент, маркетинг сир-асрорларини нечоғлиқ эгаллаб олганига, янги бозор шароитида ишлай билиш, мустакил қарорлар қабул қилиш, зиммасига масъулият ола билиш лаёқатига, керак бўлса, жасоратига бориб тақалади.

Кўпгина ташкилот ва корхоналарнинг noctor аҳволга тушиб колганинг ҳакиқий сабаби ва илдизи айнан мана шундадир.

**И.А. Каримов. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. Т-VII.
Т.: Узбекистон, 1999. 325-бет**

* * *

Хурматли ҳокимлар, раҳбарлар, шуни үнутмангики, сизларни рентген каби текширадиган ишларингизга ҳақконий ва одил баҳо берадиган мезон – шу юртда яшайдиган одамларнинг кўзи, фикри, улар чиқарадиган холосадир.

Бу юрт ахлида андиша кучли, улар мулойим гапиради, бетга чопарлик килмайди, лекин ҳар бир одамнинг раҳбар ҳакида ўз фикри, ўз баҳо ва холосаси, албатта, бўлади.

Шунинг учун мен минг бор афсусланиб, қуюниб, барака топгур раҳбарлар, сизлар учун айтмоқчиман: модомики, шундай экан, ўзингизга қараб юрсангиз бўлмайдими? Нафс балосидан, унинг гирдобига тушиб қолишдан ўзингизни тиймайсизларми?

Ахир бу ўткинчи дунёда факт ном қолдириш, ҳалол меҳнат туфайли қозонган обру-эътибор билан фарзандлар хотирасида қолиш – ҳар бир инсон учун шараф эмасми?

Афсуски бугунги мажлисда мен мана аччик, оғир гапларни сизларга яна такроран айтишга мажбурман. Купчиликка бошчилик қилиш, етакчи бўлиш – бу ғоят масъулиятли, оғир иш. Амалга оширилаётган ишлар, ислохотлар жараёни, маънавий-ахлоқий мухитнинг соғломлиги, албатта, авваламбор, биринчи раҳбарга, унинг ақл-идроқи, виждочи, билим ва маҳоратига боғлиқ...

Адолат бузилдими, раҳбар ўзининг устидан назоратни йўқотдими, атрофини кариндош-уруги, таниш-билишлари ўраб олдими, оёги ердан узилдими, имон-иродаси сусайдими-билингки, вилоятда ёки туманда мухит бузилади. Одамларнинг бир-бирига ишончи йўколади, миш-мишлар, шу билан бирга, ҳар хил уйдирмалар ҳам кучайиб кетади.

Энг ёмони шундаки, иш ўрнига гурухбозлик, шикоятбозлик, ўзаро зиддият ва низолардан иборат носоғлом вазият вужудга келади, меҳнат самараси йўқолади. Бундай кайфият бир тумандан бутун вилоятга тарқалади, ишимизга, ҳаётимизга, ривожланишмизга халақит берадиган түсикка айланиб колади.

Бугун биз бундай нохуш оқибатлар сабаб бўлиши мумкин бўлган бу ҳолатнинг олдини олиш, вилоятдаги ижтимоий-маънавий мухитни соғломлаштириш мақсадида тегишли чора ва ташкилий масалаларни кўриб, зарур қарорларни қабул қилишимиз керак.

И.А. Каримов. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. Т-VII.

Т.: Узбекистон, 1999. 367–368-бетлар.

* * *

Биз олдимизга қандай вазифа қўймайлик, қандай муаммони ечиш зарурати туғилмасин, гап охир-окибат барибир кадрларга ва яна кадрларга бориб тақалаверади. Муболагасиз айтиш мумкинки, бизнинг келажагимиз, мамлакатимизнинг келажаги ўрнимизга ким келишига ёки бошқачароқ айтганда, қандай кадрлар тайёрлашимизга боғлиқ.

И.А. Каримов. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. Т-VII.

Т.: Узбекистон, 1999. 381-бет.

* * *

Агар одамнинг баҳти нимада, деб суралса, мен кимки ўз ички дунёси, бошқача айтганда, иймон-эътиқоди амрига бўйсуниб яшаса, шундан розилик, қаноат тўйса, шубҳасиз, ана шундай инсон баҳтли-дир, деб жавоб берган бўлардим.

И.А. Каримов. Озод ва обод Ватан,
эркин ва фаровон
ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т-VIII.
Т.: Ўзбекистон,
2000. 13-бет.

* * *

Мен умрбод она ҳалқим билан бирга, унинг хурматига мұяссар бўлганимдан, таъбир жоиз бўлса, унинг корига яраганимдан ўзимни баҳтли ҳисоблайман.

Бу ҳаётда бева-бечоранинг пешонасини силаған, етим-есирларга ёрдам берган, одамларнинг оғирини енгил қилган инсон ўзини баҳтиёр санашга, албатта, ҳақлидир.

Аммо тарихнинг бурилиш нуктасида, улуғ бир миллатни ноҳақ таҳкир ва хурликдан асраш, унинг ўзлигини англаб, қадди-қоматини кўтариб мағрур яшашға даъват этиш, буюк мэрраларга чорлаш, содда килиб айтганда, озодлик ва эркинлик, мустакиллик ва истиқлол йўлига бошлаш – ҳар кимга ҳам насиб этмайди.

Менинг пешонамга ана шундай тақдир, ана шундай қисмат битилган экан. Мен бу қисматни ўзим учун баҳт, ҳам шараф деб биламан. Чунки мен учун Ватан озодлиги, ҳалқимнинг омонлиги, юртимнинг равнаки, мана шу муқаддас заминимизда яшайдиган ҳар бир оиласининг фаровонлигидан бошқа олий саодат йўқ.

Менинг бир армоним борки, шу ҳақда айтмасам бўлмайди. Кўпчилик каторида менинг ҳам ёшим, умрим ўтмоқда. Давлат ишлари билан, мураккаб, оғир, ўзининг ечимини талаб қилиб турган кундалик муаммолар билан банд бўлиб, бир нарсадан вакти келиб афсусланаман.

Менинг энг катта армоним оддий, содда кишилар орасида кўпроқ бўлиш. Бугун ҳаёт қийинчиликла-рига бардош бериб яшаётган оила – хонадонларда бўлиш, ҳаётнинг аччик-чучугини бошидан кечирган отахон, онахонларимиз, фахрийларимиз, энди ҳаётга кириб бораётган ёш йигит-қизларимиз билан сухбат куришдир.

Шу оилаларнинг хурсандчилик кунларини бирга баҳам куриш. Кўп жойларда, одамлар билан учрашганда, қарими, ёшли – агар мени ҳам тўйларингизга таклиф қилсангиз, мен ўзимни бахтиёр сезаман, деганим бекорга айтилган гаплар эмас.

**И.А. Каримов. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон
хаёт – пировард максадимиз. Т-VIII.
Т.: Узбекистон, 2000. 66–67-бетлар.**

* * *

Мен Юртбоши деганда, аввало, бутун бир мамлакат, бутун бир давлат тақдири учун масъул, шу юртда яшайдиган, ҳаёт кечирадиган миллионлаб одамларнинг дунёқарашини, тафакқурини, ҳалқнинг энг орзу-умидларини ўзида мужассам этадиган ва шу интилишларни рўёбга чиқаришга қодир бўлган одамни тушунаман.

Юртбоши деганда, том маънода катта ҳаётий тажрибага, кенг ва чуқур билимга эга бўлган, бошқаларга нисбатан узокни кўрадиган раҳбарни кўз ўнгимдан ўтказаман.

Мен Йўлбошли деганда, бугунги ўта мураккаб, таҳликали замонда ғоят мухим, шу билан бирга.

нозик ва қалтис муаммоларни чукур таҳлил қилиб, негизига етиб бориб, ҳар қандай вазиятда ҳам, сиёсий, иктисолий, маънавий ҳаётимизнинг барча йўналиш ва жараёнларида ҳам – ягона тўғри йўл, оқилона ечим топа оладиган одамни назарда тутаман.

Мен давлат раҳбари, Президент деганда, фақат хорижий үлкаларга бориб, у мамлакатларнинг бошликлари билан учрашиб кўл олишадиган кишини эмас, балки ўз давлатининг, ўз ҳалқининг миллий манфаатларини тұла ифода эта оладиган ва катъият билан ҳимоя қила оладиган одамни тасаввур киласман.

Қиска қилиб айтганда, Юртбоши – ниҳоят даражада оғир, мураккаб ва масъулиятли бир вазифани ўз зиммасига олиб, унга инонган, одамларнинг ишончини оқлаш учун – бу баландпарвоз гап булиб туюлмасин – шу олий мақсад йўлида ўз ҳаётини фидо қилишга ҳам тайёр туриши зарур.

И.А. Каримов. Озод ва обод Ватан, эркин ва
фаровон

хаёт – пировард мақсадимиз. Т-VIII.

Т.: Узбекистон,
2000. 127–128-бетлар.

* * *

Ҳар биримиз, айникса, раҳбарман деб юрган одамлар, шуни яхши англаб олишимиз керакки, ҳеч ким четдан келиб, бизнинг муаммоларимизни ечиб, бизнинг ишимизни бажариб бермайди. Фақат ўз кучимиз, ўз аклзаковатимиз, ўз имкониятларимизга таянишимиз лозим.

И.А. Каримов. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон

хаёт – пировард мақсадимиз. Т-VIII.

Т.: Узбекистон, 2000. 162–163-бетлар.

* * *

Халқимизда “Үтгән күнингни унутма, эски чоригингни қурилма”, деган ибратли бир мақол бор. Бу – аслида ким эканлигинги, мансаб курсисига үтирмасдан олдин ким бүлгәнлигинги, лавозимдан түшгач, ким бүлажагингни унутма, камтар бүл, қадамингни билиб бос, халқнинг назаридан қолма, деганидир.

Бу ҳамманинг, айниқса, катта-кичик раҳбарларнинг доим ёдида туриши керак.

Вилоятдаги биринчи раҳбарнинг мавкеи, салоҳияти, энг аввало, иқтисодий ислоҳотларни қай даражада амалга ошираётгани, ундан одамларнинг қай даражада рози булаётгани билан ўлчанади.

Бунёдкорлик, тарақкиёт бор жойда, халқнинг руҳи кутарилади, келажакка умиди кучаяди.

Иқтисодиёт оркага кетаётган жойдан эса, ободончиликни ҳам, кенг күламдаги бунёдкорликни ҳам кутиш бефойда. Бундай жойда халқ ҳам раҳбарлардан рози бўлмайди.

И.А. Каримов.
Озод ва обод Ватан,
эркин ва фаровон
ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т-VIII.
Т.: Ўзбекистон,
2000. 327–328-бетлар.

* * *

Ўз ҳақ-хуқуқини танийдиган, ўз кучи ва қобилиятига таяниб яшайдиган, атрофида рўй берадиган воқеа-ҳодисаларга мустақил муносабатда бўладиган, шу билан бирга, ўз шахсий манфаатларини

мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда күрадиган эркин шахсни шакллантириш учун барча зарур шарт-шароитларни яратиш даркор.

**И.А. Каримов. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон хаёт – пировард мақсадимиз. Т-VIII.
Т.: Ўзбекистон, 2000. 334-бет.**

* * *

...Биз кадрларни танлаш, жой-жойига күйиш ва янгилаш тизимини тақомиллаштишимиз зарур.

Бунда муайян лавозимга муносиб иомзодлар орасидан энг муносибини танлаш йулидан боришимиз керак. Бунинг учун, биринчи навбатда, истеъодди, изланувчан, замонавий билимга зга, Ватанг, она заминимизга садоқатли ёшларга сўзда эмас, амалда кенг йўл очиб беришимиз шарт.

Бу масала барча замонларда ҳам хеч қачон осонликча ҳал бўлган эмас. Одатда, бундай пайтларда субъективизм, манфаатпарастлик, маҳаллийчилик, уруғ-аймокчилик, кариндош-уруғчилик алоқалари ва бошқа кўп-кўп иллатлар намоён бўлади.

Афсуски, бу муаммони ҳал этишинг тайёр йўл-йурикларини топиш қийин. Шунинг учун кадрлар танлашнинг объектив тарзда ишлайдиган тизимини шакллантириш йулида кенг жамоатчилик билан биргаликда ҳали кўп ишлашимиз зарур.

**И.А. Каримов.
Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон
хаёт – пировард мақсадимиз.
Т-VIII.
Т.: Ўзбекистон,
2000. 336–337-бетлар.**

* * *

...Хозирги шаронтда, ута масъулиятли бир даврда, хаёт мураккаблашиб, халқаро ахвол, ички ва ташки вазият тобора кескинлашиб бораётган бир пайтда аввало, раҳбарларга, биринчи навбатда, энг юкори вазифаларда утирганларга, жумладан, ҳукумат аъзолариға, бир сўз билан айтганда, етакчилик вазифасини ўз зиммасига олган шахсларга замон талаблари кундан-кунга ошиб бораётганини пайкаш, англаш қийин эмас.

Бугунги утиш даврида, яъни олдин умуман кўрмаган, бошимиздан ўтмаган муаммоларни ечишда, ноаник, мураккаб, илк бор дуч келаётган масалаларни ҳал қилишда, хаётимизнинг барча жабҳаларидан ислоҳотларни қатъият билан амалга оширишда оғир масъулият, аввалимбор, ҳукумат аъзоси бўлган одамлар зиммасига тушади...

Бугун шу лавозимларга тавсия этилаётган номзодлар бир ҳақиқатни чукур англаб, ўз онгидан, юрагидан ўтказишлари қеракки, одамларимизнинг эртанги хаётдан кутаётган орзу-умидларининг рӯёбга чикиши, Ватан таракқиёти, юрт тинчлиги, ҳалқ фаровонлиги бу раҳбарларнинг ўз вазифасини ҳалол ва малакали бажаришга, колаверса, фидойилигига кўп жиҳатдан боғлик.

Одамлар ҳар қандай раҳбарни, биринчи галда, унинг фаолияти, ишининг амалий натижасига қараб баҳолайди. Қуруқ савлат ва баландпарвоздар гаплар билан эмас, факат шу ҳисобдан раҳбар обру топиши, ҳурмат козониши мумкин.

И.А. Каримов. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон
хаёт – пировард максадимиз. Т-VIII.
Т.: Ўзбекистон, 2000. 357–358-бетлар.

* * *

Одамлар раҳбар курсисида ўтирганлардан биринчи навбатда:

Авваламбор, унинг ватанпарвар ва юртпарварлик фазилатлариға эга булиши, она юртни чин қалдан севиши ва ардоклаши, эл-юрти учун ўзини аямаслиги, керак бўлса, бу йўлда жонини ҳам фидо қилишга тайёр булишини, ўз қасб-корининг устаси, шу ишнинг чинакам билимдони, бу борада бошқаларга ўрнак булишини кутади.

Жамоатчилик, ҳалқ раҳбар шахснинг мустақил дунёкараши, кенг фикрлаши, узокни кўра билиш кобилияти билан бошқалардан ажralиб туришини, иймон-эътиқоди мустаҳкам, иродаси бақувват, орномусли, ҳаром-хариш ишлардан ҳазар қиладиган, изланувчан, ташаббускор, тадбиркорлик фазилатига эга булишини, ташкилотчи, талабчан ва қагъиятли булишини истайди.

Соҳибкирон бобомиз Амир Темурнинг: “Ишбильармон, мардлик ва шиҷоат соҳиби бўлган, азми қатъий, тадбиркор ва ҳушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан афзалдир”, – деган ҳикматининг бугун ҳам ниҳоятда долзарб эканини барчамиз сезиб-англаб турибмиз.

Халқимиз ўзини раҳбар деб биладиган одам, аввало, инсонни яхши кўриши, инсонни ардоклашини хоҳлади. Одамларнинг ғам-ташвишларини юрагидан ўтказиб, уларнинг дардига дармон бўлмоғини орзу қиласи.

Ҳаётнинг кўп асрлик тарихи ва кундалик турмушимизда кўз ўнгимиздан ўтадиган кўп мисоллар. аччик сабоклар асосида айтишимиз мумкин: ҳар қандай раҳбарлик мансабига кўтарилилган одамни синайдиган оғир имтиҳонлардан бири шуки – атрофидаги уни ўраб оладиган хушомадгўй, лаганбардор, “лаббайчи”ларнинг сохта мақтовордан ўзини саклаб.

**мана шундай имтихонлардан одамийлигини, инсоний
киёфасини йўқотмасдан чиқишидир.**

Халқимиз одамни синамокчи бўлсанг, унга амал
бериб кўр, деб бежиз айтмаган.

Агар раҳбар мана шундай талабларнинг ҳаммасига
эмас, лоакал бир кисмига жавоб бера олса ҳам, албатта.
бағри кенг элимиз бундай одамни ардоклайди, бошига
кутаради. уни ҳимоя қилишга, унинг учун ҳатто жонини
ҳам беришга тайёр бўлади.

Очик айтиш керакки, барчамиз ҳам ҳали бу
юксак талабларга тўла жавоб бера олмаймиз. Лекин
одамларимиз айнан шундай фазилатларни биздан –
раҳбарлардан кутишини ҳеч қачон унутмаслигимиз
керак.

**И.А. Каримов. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон
хаёт – пировард мақсадимиз. Т-ВIII.
Т.: Узбекистон, 2000. 358–359-бетлар.**

* * *

**Биринчи маслаҳат шундан иборатки, авваламбор,
янги ҳоким ўзининг амалий ишлари билан одамлар
уртасида обру-эътибор қозониши керак.**

Иккинчи маслаҳат шуки, раҳбарнинг қалби пок,
қўли тоза булиши кераклигини ҳеч қачон унутмаслик
лозим. Ҳар қандай гурухлар, уруғ-аймоклар билан
“уйин” қилишдан, улар билан тил бириклиришдан, ишда
ошна-огайнигарчилик алокаларидан узок булиш керак.
Барчага бир хил кўз билан караш, кабинетга серқатнов
булиб оладиган чақконлардан эҳтиёт булиш зарур.

Учинчи маслаҳат шуки, янги келган раҳбар.
аввало, вилоятнинг мұаммоларини чукур үрганиши,
мавжуд шароит билан яқиндан танишиши, пастдан
юкоригача бўлган барча ижтимоий қатламларнинг
интилиш ва кайфиятларидан, ғам-ташвишларидан

хар томонлама хабардор бўлиши даркор. Ва шу муаммоларни кидириши лозим.

Тўртингчи маслаҳат шуки, ана шу муаммоларни ҳал этиш бўйича чора-тадбирларни белгилашда уларни чукур биладиган, ечимини топишга қурби етадиган, давлат сиёсатини атрофлича тушунадиган, кўллаб-кувватлайдиган раҳбар ва мутахассисларни ўз теварагида жипслаштириши, уларга таяниши зарур.

Бешинчи маслаҳат шуки, ана шу тадбирларни белгилаб олгандан кейин ишни нимадан бошлаш керак? Аввало, жойларга бориб, меҳнаткашлар билан маслаҳат қилиш, ўз фикр-мулоҳазаларини, карашларини, амалга ошириладиган чора-тадбирларни оддий одамлар билан ўртоқлашиши лозим. Ва улардан факат битта нарсани сўраш керак: “Азиз дўстлар, биродарлар, менга таянч бўлинглар, биргалалиб мана шу ишларни қилайлик. Агар менга ёрдам бермасангиз, бу ишлар бир ўзимнинг қўлимдан келмайди”, деб очик айтиш керак.

**И.А. Каримов. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон
ҳаёт – пировард максадимиз. Т-VIII.
Т.: Узбекистон, 2000. 421–422-бетлар.**

* * *

Барчангизга маълумки, вилоят раҳбарларини танлаш ва сайлаш пайтида, биринчи навбатда, бўлғуси ҳоким шу воҳанинг ҳаётини, унинг муаммоларини яхши биладиган, уларни ҳал этиш учун жон кўйдирадиган, шу мухитда тобланган, фикри, дунёқараши, турмуш тарзи шу ердаги одамларга якин бўлиши керак, деган караш ва приципларга суюнамиз.

Яна бир бор такрор айтмоқчиман: ўзини етакчи деб, раҳбар деб, карvonбоши деб хис қиладиган. ўз

зиммасига раҳбарликнинг ўта оғир масъулиятини оладиган одам шу юргнинг ғам-ташвишлари, бир сўз билан айтганда, шу эл-юрт нафаси билан яшаши, ҳаёт кечириши керак...

**И.А. Каримов. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон
хаёт – пировард мақсадимиз.** Т-VIII.
Т.: Узбекистон, 2000. 456-бет.

* * *

...Айтиш жоизки, биз учун муҳим бўлган қишлоқдаги ислоҳотларни амалга оширишда расмиятчилик, пала-партиш ҳамда ишга саводсизларча ёндашув ҳоллари кўплаб учрамоқда. Бу борадаги энг катта камчилик ва йўл кўяётган хатомимиз – хўжалик юритиш шаклларини ўзгартириш жараёни хўжаликнинг ички иқтисодий механизмини ўзгартирмасдан, такомиллаштирумасдан амалга оширилмоқда...

Бу борадаги энг чидаб бўлмайдиган ҳолат – мансабдорлар томонидан йўл кўйилаётган ўта расмиятчилик, ислоҳотларнинг мақсадини, маъномазмунини, моҳиятини тушуниб етмаслигиdir.

Бу борада бизга ўтмишдан мерос бўлиб келаётган “Мендан кетгунча, эгасига етгунча”, деган лоқайдлик иллатидан ҳанузгача халос бўла олмаяпмиз.

**И.А. Каримов. Ватан равнақи учун ҳар биримиз
масъулмиз.** Т-IX.
Т.: Узбекистон, 2001. 24–25-бетлар.

* * *

...Сиз – раҳбарлар ва масъул ходимларнинг фаолиятингиз, сизнинг меҳнатингиз ягона мезон билан баҳоланади: бу жараённи, яъни қишлоқ хўжалигини ислоҳ килиш жараёнини кенг ва чукур маънода қанчалик

тұғри түшунаяпсиз, қандай ташкил этаяпсиз? Аввало, мана шу масала бүйіча жавобгарсиз ва мен сизлардан, биринчи навбатда, мана шуни талаб қиласман.

**И.А. Каримов. Ватан равнаки учун ҳар биримиз
масъулмиз. Т-ІХ.
Т.: Ўзбекистон, 2001. 31-бет.**

* * *

Кадрларни ўз вактида алмаштириш мураккаб, қийин бир иш эканини ҳаммамиз ҳам яхши түшунамиз.

Аммо сизу бизнинг билим ва ҳәстий тажрибамиз, энг муҳими, мамлакатимиз тараккиёти, фаровонлиги ва келажаги, шу заминда яшайдиган одамлар учун муносиб ҳәёт шароити яратыб беришдек олий мақсадимиз биз, раҳбарлардан мазкур жараённи, айниқса, жойларда ўз вактида ва изчил амалга оширишни талаб этмоқда.

Бу – кадрлар тайёрлаш ва уларни жой-жойига қўйиш бүйіча давлат сиёсатимизнинг муҳим ва ҳал килувчи бүгини бўлмоғи керак...

Келинглар, ўзимизга бир савол берайлик: жойларда кадрларни танлаш, тайёрлаш, кадрлар захирасини шакллантириш ва уларни жой-жойига тайинлаш масалаларига амалда ким жавоб беради? Бошқача айтганда, мана шу ўта мураккаб вазифаларни бажарувчиларнинг ўзи бугунги ҳәёт талабларига жавоб беришга кодирми?

Ўтқазилган текширувлар шуни кўрсатмоқдаки, ҳокимиятларда мана шу соҳа учун масъул бўлган ходимлар таркибининг ўзи, уларнинг савияси ва иш малакаси, тайёргарлиги аксарият ҳолларда оддий талабларга ҳам жавоб бермайди.

Бу вазифа курсисида, асосан, маҳсус тайёргарликка ҳам, маҳсус маълумотга ҳам эга бўлмаган одамлар утирибди. Уларнинг аксарияти ҳәстий тажрибага ҳам эга эмас.

Энг ачинарли томони – улар бу борадаги давлат сиёсатининг маъно-моҳиятига чукур кириб боришга кўп ҳолларда қурби ҳам ётмайдиган одамлар, десам, жато бўлмас...

Бундай ачинарли ҳолни мен факат бир нарса – вилоят, шаҳар ва туман ҳокимлари учун мана шундай шароитда ишлаш қулай экани билан изоҳлашим мумкин.

Ҳоким, раҳбарлар учун бу лавозимларда нима деса, гапни икки қилмай бажарадиган, жойлардаги кадрларни хоҳлаганча алмаштиришга халақит бермайдиган одамлар ўтиргани маъқул.

Бундай чидаб бўлмайдиган аҳволни тезда ўзгартириш лозим.

Ҳокимликлардаги ташкилий-кадрлар бўлимлари фаолиятини қайтадан куриб чиқиб, уларнинг мақомини ахборот-тахлил гурухи мақомига tengлаштириш, бўлим раҳбарларини эса ҳоким ўринbosарлари даражасига кутариш зарур.

**И.А. Каримов. Ватан равнақи учун ҳар биримиз
масъулмиз. Т-IX.**

Т.: Узбекистон, 2001. 40–42-бетлар.

* * *

Ислоҳотларнинг моҳиятини, аввало, раҳбарнинг ўзи яхши тушуниши зарур. У масъул бўлган ҳудуднинг муаммоларини, эҳтиёжларини чукур англаб, каттаю кичикнинг ишончини қозониб, уларни рози килиб, ўзининг амалий ишлари билан эл-юргт ҳурматига муносиб бўлиб ишлаган тақдирдагина ҳалқни ўз изидан эргаштириш мумкин.

Юкорида тилга олинган нуқсонларнинг асосий сабабларидан бири шундаки – вилоятда кадрларни танлаш, тарбиялаш ва жой-жойига қўйишда кўпол хатоликларга йўл қўйилган.

Ёш, билимли, иктидорли, уз Ватан ва халқига садоқат билан хизмат қиладиган қадрларни топиши, уларга масъул вазифаларни ишониб топшириш борасида олиб борилаётган ишлар бугунги кун талабларига жавоб бермайди. Ута мухим бу масала уз холига ташлаб қўйилган. Турли бўғиндаги раҳбарларни ташлаш ва тарбиялаш, қадрлар захираларини тузиш бўйича аник дастур ёки режа деярли йўқ.

**И.А. Каримов. Ватан равнаки учун ҳар биримиз
масъулмиз. Т-IX.
Т.: Узбекистон, 2001. 64–65-бетлар.**

* * *

Албаттa, ҳар бир раҳбар бирданига пишиб-етилиб колмайди. Бунинг учун вакт керак, унинг ўсиб бориши учун атрофдагилар ёрдам ва кўмак беришлари зарур. Бу ҳакиқатни ҳеч ким инкор этолмайди. Аммо эл-юрт томонидан билдирилган ишончни оқлашга интилиш, Худо берган акл-заковатини, билими, тажрибасини, бутун борлигини сафарбар кила олиш, аввало, одамнинг узига боғлик. Ҳаётнинг ўзи бу масалага вакти келганда аниклик киритиши муқаррар. Бу барчамиз учун тушунарли, деб үйлайман.

Бугунги ҳаёт талаби – вилоятга раҳбарлик қилиш қўлидан келадиган, билимли, қобилиятли, замон талабларига жавоб берадиган, мавжуд муаммоларни ҳал этишининг уддасидан чиқадиган, вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида туб ўзгаришлар ясашга қодир раҳбарни топиш заруратини қўймокда.

**И.А. Каримов. Ватан равнаки учун ҳар биримиз
масъулмиз. Т-IX.
Т.: Узбекистон, 2001. 67-бет.**

* * *

Жойларда, аввало, ҳокимликлар аниқ мақсадларга каратилган ўз вазифаларини чукур англаб, тегишли хулосалар чиқаришлари лозим. Бу борада ҳал килувчи масалалардан бири – санацияга тортилган хўжаликларнинг ташки бошқарувчилари лавозимига тайёргарликдан ўтган, ўз ишини пухта биладиган одамлар тайнинанишига эришишдир.

Мен бугун барча ҳокимларни, хўжаликлар ҳамда кишлок ва сув хўжалиги вазирлиги раҳбарларини огоҳлантириб айтмокчиман: жорий йилдаги биз учун мураккаб бўлган шаронтда олдимизда турган ишларни тўғри ташкил этиш учун зарур ташаббус ва тадбиркорлик кўрсатиш даркор.

**И.А. Каримов. Ватан равнаки учун ҳар
биrimiz
masъулmiz. T-IX.
T.: Узбекистон, 2001. 263-бет.**

* * *

Ақлини жамлаб, чуқур уйлаб сиёsat олиб борадиган раҳбар бугунги кун билан эмас, балки эртанги кун билан яшайди.

**И.А. Каримов. Ватан равнаки учун ҳар
биrimiz
masъулmiz. T-IX.
T.: Узбекистон, 2001. 305-бет.**

* * *

...Агар биз олдимизга кўйган мақсад-марраларга гезрок етмоқчи бўлсак, ўзимиз кураётган адолатли. ёркин ва фаровон ҳаётни тезрок кўрмокчи бўлсак, аввало, шу мақсадга эришиш, ҳаётимизда демократик

тушунчаларни қарор тоғтириш учун бел боғлаган инсонлардан ўз бурчини, зиммасига юкландын вазифани сидкидилдан адо этиш талаб қилинади. Шу жумладан, жамиятимизнинг барча бўғинларида хизмат килаётган раҳбарлар ва мутасадди ходимлардан ўз ишини вижданан бажариш, журналист ахлидан эса уларнинг фаолиятига танқидий кўз билан, айни вактда холисона қараш, рўй берадиган камчилик ва нуксоналарни очиб бериш талаб этилади...

Такрор айтаман: ҳокимият ўз ишини, матбуот ўз ишини вижданан ва холисона адо этиши лозим. Мана шундай, таъбир жонз бўлса, меҳнат тақсимоти юксак мақсадларга эришишимиз йўлида биз учун ҳар томонлама мақбул бўлади, деб үйлайман.

Бу ишда бир-бирини тўгри тушуниш, беғараз танқидни вазминлик ва босиклик билан кабул килиш айникса, мухимдир. Жиззакилик, аламзадаликка берилиш, бир-биридан ўч олишга уриниш каби бизнинг ишимизга халакит берадиган нохуш ҳолатларга мутлако йул кўймаслик лозим.

**И.А. Каримов. Ваган равиқи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т-IX.
Т.: Узбекистон, 2001. 389–390-бетлар.**

* * *

Бутун ҳаёт ўзгаряпти, ҳаётимизни бошкарадиган конунлар ўзгаряпти, лекин, минг афсуски, мутасадди раҳбарлар, мутахассислар, бир сўз билан айтганда, кадрларнинг онгу тафаккури жуда секинлик билан ўзгармокда.

Ишни амалга ошириш, кадрларнинг масъулиятини кучайтириш, уларга талабчанлик билан қараш, кези келганда рухлантириш, янги-янги мэрраларга, ҳаётий муаммоларни ечиш учун сафарюар этиш, энг

аввало, биринчи раҳбарнинг вазифаси, бурчи эканини унутмаслигимиз керак.

Биринчи раҳбар одамлардаги ташаббускорлик, фидойилик туйғусини үйғотиши, уларнинг турмуши, қайфиятини яхши билиши, эртанги кунга бўлган ишончини мустахкамлаши зарур.

Акс ҳолда, одамлар қалбида ёниб турган умид рўёбга чикмасдан сўниб қолади.

Айни вақтда раҳбар номаъқул ишни кўрганда бирорнинг ёқасидан олмаса, эл-юрт манфаатини ўйлаб, эй инсон, нима қиляпсан, демаса, камчилик-нуксонастарга қарши жамоатчиликни кўтармаса, у ҳеч қачон яхши раҳбар бўла олмайди.

Агар раҳбарнинг ўзи тиним билмай ишламаса, янги имкониятларни топиб, одамларни олижаноб ишларга бошлаш учун куйиб-ёнмаса, унинг атрофидагилар-муовинлар дейсизми, бошқа мутасаддилар дейсизми – бегамликка, лоқайдликка берилиб, шундай иш услубинга, шундай ҳаёт окимиға ўрганиб-кўнишиб қолади.

Лўнда килиб айтганда, раҳбар ўзига ишонч билдирган одамларнинг юрак урушини доимо сезиб туриши, унинг секин ёки безовта уришига қараб, вазиятга тўғри баҳо бериши, шу асосда тўғри карор қабул қила олиши даркор.

И.А. Каримов. Хавфсизлик ва тинчлик учун
курашмоқ керак. Т-Х.
Т.: Узбекистон, 2002. 77–78-бетлар.

* * *

Ҳеч шубҳасиз, бугун биз янги тараккиёт боскичига кўтарилаётган бир пайтда, ҳаёт шиддат билан ўзгариб, ён-атрофимиздаги ички ва ташки вазият кескинлашиб. олдимизда турган вазифалар кўпайиб, муаммолар мураккаблашиб бораётган ҳозирги шароитда – хўжалик ёки туманда бўладими, вилоят ёки республика миқёсида

бұладими, қаерда бұлмасин – биринчи раҳбарға құйилаётган талаб ошиб бораётгани ҳақида гапириб үтиш ортиқча, деб биламан.

Үйлайманки, бу ҳақиқатни бугунги кунда ҳаммамиз яхши англағ олмоқдамиз.

Биз раҳбар одамнинг қандай фазилатларга, қандай хусусиятларга зәға бўлиши ҳақида кўп гапирамиз. Бу масала барча мажлисларда, анжуманларда, турли фикр алмашувларда асосий мавзу бўлиб, диккатимиз марказида тургани ҳам бежиз эмас.

Раҳбарнинг фазилати, аввало, унинг одамларга муносабатида, одамларни рози килиш, уларга ғамхўрлик, меҳрибонлик кўрсата олиш кобилиятида намоён бўлади. Бу баландпарвоз гап эмас. Раҳбар киши эл-юртнинг дарду ташвиши билан, шу гашвишларни имкон қадар осон килиш ва енгиллатишни үйлаб яшаши, одамларни химоя қилишга доимо тайёр туриши, бир сўз билан айтганда, халкнинг дардини ўз дарди, деб билиши керак.

Шу билан бирга, ҳар қайси раҳбар қатъиятлилик, талабчанлик, керак бўлса, қаттиқўллик хусусиятларига зәға бўлиши лозим. Ҳаёт олдимизга қўяётган кўпдан-кўп муаммоларни вақтида ечиш ҳақида муттасил қайғуриш, бу йўлда кечани кеча, кундузни кундуз демай, ўз ҳаловатидан воз кечиб, бошлаган ишини охирига етказмагунича тиним билмаслик – бу ҳам ҳар қандай раҳбарга қўйиладиган ҳаққоний талаб, десак асло ҳатто бўлмайди.

Ўзини етакчи, деб хисоблайдиган раҳбар ҳақиқатан ҳам том маънодаги етакчи бўлиши керак. Бошқача айтганда, раҳбар одам бошқалардан кўра узокни кўра билиши, бошқалардан кўра кўпроқ нарсаларни англаши, нафакат бугунги кун, балки Эртанди кун муаммолари устида бош қотириши зарур.

Биз кўпинча, раҳбар ақлли, доно, билимдон бўлиши керак, деб хисоблайдимиз. Албатта, бу хусусиятлар керак,

лекин бугунги кунда уларнинг ўзи етарли эмас. Нега деганда, инсон аклли, доно ва билимдон булиши мумкин, лекин у хаётда ёниб яшамаса, ҳаммаси бекор.

Бу фикрга қўшимча қилиб шуни айтмоқчиманки, бугунги кунда раҳбар фақат ўзи ёниб колмай, унга кўз тикиб, ундан кўп нарсани кутиб турган ҳалкни хам ёндири олиши зарур.

Мен ёндириш деганда, авваламбор, одамларни бирлаштиришни, одамларни бошқаришни, уларни юксак мақсадлар сари сафарбар этишни назарда тутаман.

Яъни раҳбар эзгу мақсад-муддаоларга, олижаноб режаларга эришини учун одамларни ўз ортидан эргаштира булиши керак.

Раҳбар учун зарур булган яна бир муҳим фазилат шундан иборатки, у ҳалқ билан тил тошиша олиши лозим. Раҳбар энг мураккаб, энг кийин вазиятларда хам одамларни кўндириши, уларни баъзи бир ножӯя йўллардан, хатти-харакатлардан қайтарни ва ўз атрофида соғлом вазият, соғлом иқлим барпо этиш даркор.

Бунинг учун раҳбар, албатта, катта маҳоратга, Ҳудо ато этган ўзига хос, ўзига мос фазилатларга эга булиши зарур.

Ким қандай тушунади – билмадим, лекин, менинг фикримча, раҳбарнинг, аввало, истараси иссик булиши керак.

Истараси иссиқ дегани, бу – унинг одамларга кўнгли очик булиши демақдир. Яъни раҳбар жуда ортиқча сирли бўлмаслиги, бағрикенг ва кечиримли булиши лозим. Ва керак бўлса, мени кечирасизлару, очик айтишим керак, у қандайдир файзли булиши зарур.

Яъни раҳбарнинг атрофидаги мухит, маънавий иқлим одамларни ўзига қаратиши, ўзига жалб эта олиши керак.

Албатта, бундай хусусият ва фазилатларга эга бўлган шахсни топиш қийинлигини, бу ҳозирча биз учун факат истак бўлиб қолиши ҳам мумкинлигини мен яхши тушунаман.

Лекин ҳар қайси раҳбар ана шу талабларга интилиши, ана шу фазилатларга муносиб бўлиш учун ўзини доимо қийнаб яшаши, унга ишонч билдириб, масъул лавозимга кўтарган ҳалқка ҳамиша сидқидилдан хизмат қилиши, керак бўлса, шу йулда жонини ҳам фидо этишга тайёр туриши даркор.

Мана, раҳбарликнинг солда ва ҳаётий фалсафаси.

**И.А. Каримов. Хавфсизлик ва тинчлик учун
курашмок керак. Т-Х.
Т.: Ўзбекистон, 2002. 241–243-бетлар.**

* * *

...Ҳоким, етакчи деган шахс, ҳалқ қандай яшаяпти, унинг орзу-интилишлари, ташвиш-муаммолари нимадан иборат – барча-барчасидан, албатга, хабардор бўлиши керак.

**И.А. Каримов. Биз танлаган йўл – демократик
таракқиёт
ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли.
Т-ХI. Т.: Ўзбекистон, 2003. 92-бет.**

* * *

...Раҳбар деган одам фидойи бўлиши, ҳалқнинг дарду-ташвишларини, орзу-умидларини юрагидан, қалбидан ўтказиб, уларни рўёбга чиқариш, зиммасига юқлатилган вазифаларни адо этиш учун ўзининг ҳаётини фидо қилишга ҳам тайёр бўлиши керак.

Биринчидан, одамларни, эл-юртни юксак мақсадлар ва марраларга даъват қиласидиган раҳбар,

Агар биз бу ишни факат вилоят раҳбарларига ташлаб кўядиган бўлсак, улар нима килади? Ўз вилоятига боради, ҳокимларни тўплайди, Президентимиз ундей деди, Президентимиз бундай деди, деб номига бир хисобот бериб қўяди. Шундай қилиб, ҳаммаси бамисоли дарёга отилган тошдек, сув юзасида озгина тўлқин пайдо килади, шу билан изсиз йўқолади. Биз бундай ишларни бошимиздан кўп кечирганимиз.

Энди бундай бўлмайди. Чунки бу Жамғарма кузатув кенгашига раҳбарлик килишни мен шахсан ўз зиммамга оламан. Албатта, унинг фаолияти билан бевосита шугулланувчи ижрочи директор бўлади. Мен эса Жамғарма фаолияти қандай олиб борилаётганини мунтазам кузатиб, назорат қилиб бораман. Сиз, вилоят ҳокимлари ҳам жойларда шу ишга асосий масъул, кузатувчи бўласизлар. Кузатувчи деганда, ҳам умумий раҳбарлик килувчи, ҳам молиявий масалаларни ҳал этишда ёрдам берувчи, ҳам ишни ташкил этиб, одамларни унга даъват қилувчи кишини тушунамиз. Содда қилиб айтганда, кузатувчи дегани — назорат қилувчи дегани. Қасрдаки муаммо пайдо бўлса, уни ўша кузатувчи, яъни биринчи раҳбар ечади. Мана шундай масъулиятли вазифани сизлар жойларда, мен эса марказда ўз зиммамизга олишимиз керак.

Шунинг учун жойларда ҳокимлар факат пахта, ғалла ва бошка хўжалик ишлари билан ўралашиб колмасдан, болаларни спортга жалб қилиш, бунинг учун тегишли шарт-шароит яратиш билан ҳам шугуллансан. Вазифа шундай кўйилмокдаки, мамлакатимизда 5 ёшдан тортиб ҳамма ахоли спортга жалб қилиниши керак.

Шу нуктаи назардан қарайдиган бўлсак, ҳозир жойларда нима қилиняпти? Бу бўйича шахсан молия вазирининг ўзи вилоятларга бориб, ажратилган штатлардан қандай фойдаланилаётгани билан қизикиши керак. Айниқса, белгиланган штат лавозимларига муносиб

одамларни танлашга алохид аҳамият бериш лозим. Бу ишда кариндош-уругчилик, таниш-билишчиликка йўл кўйиш ярамайди. Биз бунга мутлако йўл кўймаймиз. Олис-олис жойларда — у Қорақалпогистоннинг бир чеккаси ёки Сурхондарёнинг қишлоқ тумани бўладими — кайси лавозимга ким ишга олинаётганини билишимиз керак.

Шундай килмасак бўлмайди. Ҳар ким үзи танлаган одам учун жавоб беради. Мана, Давлат спорт қўмитасини олайлик. Бу ташкилотнинг ҳам жойларда үз бошкарма ва бўлимлари бор. Лекин, афсуски, Фарғона вилоятидан тортиб Сирдарёгача ёки Хоразмдан Сурхондарёгача бирон-бир туманни олиб қарайдиган бўлсак, жойларда, айниқса, қишлокларда спорт бўйича астойдил жон кўйдириб ишлаётган одамларни топиш кийин.

Ваҳоланки, бу соҳани ривожлантириш учун кири-тилган маҳсус штат лавозими бор, лекин уни ким банд килиб ўтирибди, нима учун маош оляпти — бу масалалар билан ҳеч ким қизикмайди. Нега деганда, бу масала бўйича шу пайтгача ҳеч ким ҳеч нарса сўрамаган, иш талаб килмаган. Лекин энди шу масала бўйича қаттиқ суралади.

Иккинчи масала шундан иборатки, Жамғарма бўлимларига муносиб одамларни топиб, жой-жойига қўйгандан кейин улар спорт қўмитасида эмас, бевосита ҳокимият биносида иш олиб бориши лозим. Агар у ҳокимиятда ўтириб, ўз атрофига фидойи инсонларни тўплаб, улар билан бирга ҳар куни жон кўйдириб ишламаса, бирон-бир натижага эришолмайди. Одамларни уйғотиш учун нима керак? Аввало, ўз атрофимизда фаолларни тўплаб, барчамизнинг умумий ишимиз бўлган мана шундай вазифаларни хал этишга сафарбар килишимиз керак.

аввало, ўзининг кундалик ҳаёти, бутун борлиги билан бошқаларга ўриак бўлиши, ҳақиқий курашчи бўлиши шарт.

Иккинчидан, бу мақсадларга эришиш учун раҳбар шу гояларни ўзининг шахсий гоялари деб биладиган фидойи инсонларни ўз атрофида бирлаштириши керак. Лекин улар хушомадгўй, лаганбардор кимсалар эмас, балки раҳбар билан маслакдош, ҳамфир, эл-юрт манфаати йўлида сидқидилдан меҳнат қиласиган, ҳалол ва пок одамлар бўлиши лозим. Раҳбар ана шундай одамларни топиши, уларга таяниб ишлаши зарур.

Учинчидан, раҳбар ўз олдига ҳавойи, баландпарвоз мақсадларни эмас, балки аниқ, амалий вазифаларни қўйиши лозим. Бунга эришиш учун у, бошида оз бўлса-да одамлар ҳаётини яхшилашга бевосита таъсир кўрсатадиган амалий ишларни қилиши керак.

Тўртинчидан, раҳбар қуруқ ваъдабозликка берил-маслиги, ҳаммага ёқиш қайфиятидан узок бўлиши зарур. Энг муҳими, раҳбар изланувчан, тадбиркор, қатъиятли, керак бўлса, каттиққўл ҳам бўлиши, ҳар қандай шароитда ҳам ўзини йўқотмаслиги, давлат, ҳалқ манфаатини ҳимоялаш йўлида жонини ҳам ая-маслиги, бошқаларни ҳам шунга сафарбар қила билиши керак.

И.А. Каримов. Биз танлаган йўл –
демократик тараккиёт
ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли.
Т-XI. Т.: Ўзбекистон,
2003. 95–96-бетлар.

* * *

Ишни кандай ташкил қилиш ҳакида гапирганда, аввало, кадрлар масаласига эътиборни қаратиш лозим. Жойларда биз суннадиган, спортнинг бекиёс аҳамиятини, аввало, ўзи хис этиб, бу тушунчани ҳалкка ҳам сингдириб, кечаю кундуз шу соҳани ўйлаб яшайдиган вилоят ёки шаҳар кенгаши буладими, ҳокимликлар ёки бошка нуфузли идоралар буладими – улар орқали барча раҳбарларга бу ишнинг моҳиятини тушунтириб беришга кодир бўлган, фикрлайдиган, фидойи одамларни топиб, жой-жойига қўйсак, шундагина мақсадимизга эришамиз. Лекин биз шундай одамларни топа оламизми? Мана, фармон имзоланганига роппа-роса икки ой булди. Шу муддат давомида ана шундай одамларни излашга харакат килдикми, йўқми?

Таъсис конференциясидан кейин ҳокимлар жойларга борадиyo яна ўз кундалик ишига шўнғиб, бу масалани эсидан чиқармаслиги зарур. Шунинг учун бу ишга ҳозирданоқ киришиш керак. Уни шунчаки расмий йўл билан, одатдаги бир иш тартибида ҳал қилиб бўлмайди. Мен бу масалада бошқача ёндашув бўлишини хоҳлайман ва барчангиздан шуни талаб қиласман.

Аввало, жойларда Жамғармага раҳбарлик киладиган, унинг фаолиятини юритадиган одамларни катъий бир мезон асосида танлаш керак. Токи улар шунчаки ижрочи эмас, ҳакикий жонкуяр ва фидойи бўлсин, шу ишни севадиган, ўз ҳётининг мазмунини ҳамма вакт болалар билан бирга бўлишда, уларни тарбиялашда, деб биладиган инсонлар бўлсин.

Жамғарманинг вилоят, шаҳар, туман бўлимлари канлай бўлади, уларда нечтадан одам ишлайди? Мен бу масала бўйича молия вазирига камида 200 та штат лавозимини белгилаш ҳакида топширик бердим. Жамғарманинг ҳар бир туманда биттадан масъул одами бўлади ва у бевосита болалар спорти билан шугулланади.

Агар биз бу ишни факат вилоят раҳбарларига ташлаб күядиган бўлсак, улар нима қилади? Ўз вилоятига боради, ҳокимларни тўплайди, Президентимиз ундан деди, Президентимиз бундай деди, деб номига бир ҳисобот бериб кўяди. Шундай қилиб, ҳаммаси бамисоли дарёга отилган тошдек, сув юзасида озгина тўлқин пайдо қилади, шу билан изсиз йўколади. Биз бундай ишларни бошимиздан кўп кечирганимиз.

Энди бундай бўлмайди. Чунки бу Жамғарма кузатув кенгашига раҳбарлик килишни мен шахсан ўз зиммамга оламан. Албатта, унинг фаолияти билан бевосита шуғулланувчи ижрочи директор бўлади. Мен эса Жамғарма фаолияти кандай олиб борилаётганини мунтазам кузатиб, назорат қилиб бораман. Сиз, вилоят ҳокимлари ҳам жойларда шу ишга асосий масъул, кузатувчи бўласизлар. Кузатувчи деганда, ҳам умумий раҳбарлик қилувчи, ҳам молиявий масалаларни ҳал этишда ёрдам берувчи, ҳам ишни ташкил этиб, одамларни унга даъват қилувчи кишини тушунамиз. Содда қилиб айтганда, кузатувчи дегани — назорат қилувчи дегани. Каердаки муаммо пайдо бўлса, уни ўша кузатувчи, яъни биринчи раҳбар ечади. Мана шундай масъулиятли вазифани сизлар жойларда, мен эса марказда ўз зиммамизга олишимиз керак.

Шунинг учун жойларда ҳокимлар факат пахта, галла ва бошқа хўжалик ишлари билан ўралашиб колмасдан, болаларни спортга жало қилиш, бунинг учун тегишли шарт-шароит яратиш билан ҳам шуғуллансин. Вазифа шундай кўйилмокдаки, мамлакатимиизда 5 ёшдан тортиб ҳамма ахоли спортга жалб қилиниши керак.

Шу нуктаи назардан карайдиган бўлсак, ҳозир жойларда нима қилингти? Бу бўйича шахсан молия вазирининг ўзи вилоятларга бориб, ажратилган штатлардан кандай фойдаланилаётгани билан қизикиши керак. Айниқса, белгиланган штат лавозимларига муносиб

одамларни танлашга алоҳида аҳамият бериш лозим. Бу ишда кариндош-уругчилик, таниш-билишчиликка йўл кўйиш ярамайди. Биз бунга мутлақо йўл кўймаймиз. Олис-олис жойларда — у Қорақалпогистоннинг бир чеккаси ёки Сурхондарёнинг кишлок тумани бўладими — кайси лавозимга ким ишга олинаётганини билишимиз керак.

Шундай килмасак бўлмайди. Ҳар ким ўзи танлаган одам учун жавоб беради. Мана, Давлат спорт қўмитасини олайлик. Бу ташкилотнинг ҳам жойларда ўз бошкармана ва бўлимлари бор. Лекин, афсуски, Фарғона вилоятидан тортиб Сирдарёгача ёки Хоразмдан Сурхондарёгача бирон-бир туманинни олиб қарайдиган бўлсанк, жойларда, айникса, кишлокларда спорт бўйича астойдил жон кўйдириб ишлаётган одамларни топиш кийин.

Ваҳоланки, бу соҳани ривожлантириш учун кири-тилган маҳсус штат лавозими бор, лекин уни ким банд килиб ўтирибди, нима учун маош оляпти — бу масалалар билан ҳеч ким кизикмайди. Нега деганда, бу масала бўйича шу пайтгача ҳеч ким ҳеч нарса сурмаган, ишталаб қилмаган. Лекин энди шу масала бўйича қаттиқ сўралади.

Иккинчи масала шундан иборатки, Жамғарма бўлимларига муносиб одамларни топиб, жой-жойига кўйгандан кейин улар спорт қўмитасида эмас, бевосита хокимиият биносида иш олиб бориши лозим. Агар у хокимииятда ўтириб, ўз атрофига фидойи инсонларни тўплаб, улар билан бирга ҳар куни жон кўйдириб ишламаса, бирон-бир натижага эришолмайди. Одамларни уйғотиш учун нима керак? Аввало, ўз атрофимизда фаолларни тўплаб, барчамизнинг умумий ишимиз булган мана шундай вазифаларни хал этишга сафарбар килишимиз керак.

Албатта, бу борада Жамғарма учун зарур буладиган маблағ масаласи ўртага чиқади, лекин биз бу молиявий манбаларни топамиз.

Ва бугун таъсис этиладиган Жамғармани тузиб, бу маблағни ана шу мақсадларга йўналтиришга карор килдик. Бундан ташқари, маҳаллий бюджетлардан маълум миқдордаги маблағ Жамғарма ҳисобига ўtkазилади. Мана шу пулларни факат жондан азиз болаларимизни спорт билан тарбиялаш, уларни соғлом ва жисмоний бақувват булиши учун ишлатамиз.

И.А. Каримов. Биз танлаган йўл –
демократик тараккиёт
ва маърифий дунё
билин ҳамкорлик йўли.
Т-ХI. Т.: Ўзбекистон,
2003. 128–133-бетлар.

* * *

Янги раҳбарга биринчи талаб шуки, у одамлардаги мана шундай кутаринки руҳни, катта ишларга бел боғлаган ахолининг орзу-интилишлари ва азму шиҷоатини сўндиримасдан, камайтирмасдан, шу элга етакчи булиб, бош-кош булиб, уни янги мақсад ва мэрралар сари бошлиши керак.

Иккинчи талаб – вилоят раҳбарлари халқ ичидан чиқкан, унинг табиатини яхши тушунадиган инсон булиши, шаҳар ва қишлоқ аҳлиниң мӯаммоларини чуқур англости, ёрдамга муҳтоҷ одамларнинг дардига малҳам бўла олиши, ёшми-қарими, зиёлими, ишчими, уларнинг интилишларига ҳамоҳанг булиб, ўз фаолиятини эл-юрг ҳаёти билан чамбарчас боғлай олиши зарур.

Барчамиз шуни унутмаслигимиз лозимки, инсон факат бугунги кун билан яшамайди. Шунинг учун ҳам бу вилоятни бошқарадиган одамга үчинчи талаб –

шу ҳақиқатни яхши англаб, авваламбор, мана шу ерда хаёт кечирадиган ҳалкнинг зартанги қунини, истиқболини ҳар томонлама қўзлаб иш олиб бориши даркор...

И.А. Каримов. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-кудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва катъий иродамизга боғлик. Т-XII.
Т.: Ўзбекистон, 2004. 123-бет.

* * *

...Янги раҳбар вилоятдаги катта-кичик етакчи-ларда – у туман ҳокимими, ширкат хўжалиги ёки таш-килот бошлигими, бундан қатъий назар, фақат ижрочи-лик билан чекланиб колмасдан, уларда ташаббускор-лик ва тадбиркорлик аломатларини, изланувчанлик фазилатларини уйғотиши ва рағбатлантириши дар-кор...

И.А. Каримов. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-кудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва катъий иродамизга боғлик. Т-XII.
Т.: Ўзбекистон, 2004. 125-бет.

* * *

...Энг муҳими, вилоят ҳокимлигининг идорасида ҳам, туманларда ҳам узаро ишонч, бир-бирини тўғри тушуниш, умумий иш учун жон куйдириш рухи устун булиши керак.

Янги раҳбар ўзига ёқадиган, ўзига мос бўлган, ўзига шахсий садоқат курсатадиган одамларни амал-га ўтқазишдек номақбул қайфиятларга берилмас-лиги, маҳаллийчилик, ошна-оғайнигарчилик, уруғ-аймоқчилик ва қабилабозлик каби иллатлардан

узоқ бўлиб, кадрларни ўзгартириш масаласида жуда эҳтиёткорлик билан иш олиб бориши зарур.

Бу фикрни ургу бериб айтаётганимнинг сабаби шуки, биз кўпгина туман ва вилоят раҳбарларини бу ҳакда огохлантирганимизга қарамасдан, бундай эски асоратлардан ҳали-бери жудо бўлолмаяпмиз. Мен бу ҳакиқатни афсус билан таъкидлашга мажбурман.

Бу масалага тўғри, холисона ёндашиш, етти ўлчаб бир кесиш, ишнинг негизини биладиган, юқори малакага эга бўлган, ҳалол ва тажрибали ходимларни, мутахассисларни асраб-авайлаш, тарбиялаш керак.

Содда килиб айтганда, яхши қалрларни асрайдиган раҳбар, аввало, ўзини асрайди, муҳитнинг доимо барқарор бўлиб қолишига хизмат қилади.

И.А. Каримов. Тинчлик ва ҳавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжихатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлик. Т-ХII.

Т.: Узбекистон, 2004. 126–127-бетлар.

* * *

Раҳбарларни танлаш ва тарбиялаш, керак бўлса, раҳбарлик меҳнатига, тўғрироқ айтадиган бўлсак, раҳбарлик санъатига ўргатиш масаласи бугунги кунда бошқариш тизимимизнинг энг оғир муаммоси бўлиб келмоқда.

Ўзингиз яхши биласиз: яхши мутахассис бўлиш мумкин, лекин яхши раҳбар бўлиш қийин.

Раҳбар ўз масъулияти ва жавобгарлигини, аввало, ўз виждони олдида, унга ишониб юрган одамлар ва эл-юрт олдида чукур англаши керак, иш устида қуиши ва ёниши керак.

Кечаю кундуз эл ғами ва ташвиши билан яшаб, олдида турган муаммолар ечимини топмагунча, бошлаган ишларни охирига етказмагунча ўзига ҳам, бошқаларга ҳам тиним бермасдан меҳнат қилаётган

инсонни мен ҳақиқий етакчи – раҳбар сифатида
кабул киламан...

И.А. Каримов. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-
кудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва
қатъий иродамизга боғлиқ. Т-XII.
Т.: Ўзбекистон, 2004. 177-бет.

* * *

Хар қайси раҳбар шунинг учун раҳбар қилиб
кўйилган – сайланганки, у атрофида юрганларга нис-
батан чуқуррок билиш ва узокроқ кўриш кобилияги
ва тажрибасига эга бўлиши керак.

И.А. Каримов. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-
кудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва
қатъий иродамизга боғлиқ. Т-XII.
Т.: Ўзбекистон, 2004. 178-бет.

* * *

Лекин раҳбарнинг ясосий вазифаси шундаки,
у узи етакчилик қилаётган тармок ёки ҳудуднинг
истикболи билан боғлиқ энг муҳим масалаларни ол-
диндан кўриб, уларнинг ахамиятини хис этиб, сафар-
барликни олдиндан ташкил қилиши шарт.

Бугунги кун ўтди, эртага бир гап бўлар, деб уйкуга,
гафлатга берилиб юришга раҳбарнинг мутлақо ҳакки
йўқ.

И.А. Каримов. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-
кудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва
қатъий иродамизга боғлиқ. Т-XII.
Т.: Ўзбекистон, 2004. 179-бет.

Айниқса, раҳбар инсон ҳаётига штурм түрк атказадиган майда гапларга, фисқу фасодга, манишатбозликка берилмаслиги керак...

Агар одам үз имкониятлари даражасидан ортиқ вазифани бўйнига олса, табиийки, номутаносиблик вужудга келади. Шунинг учун, етакчи бўламан, деган ҳар қайси инсон факат үзига ишонмасдан, аввало, у билан бирга ишлайдиган раҳбар ва мутахассисларнинг билим ва тажрибасига, халқнинг қуллаб-куватлашларига сяяниб фаолият олиб борсагина, ижобий натижаларга эришиши мумкин.

Энг муҳими, раҳбар, мен үзимга юклатилган вазифани адо этиш учун хали жуда кўп меҳнат қилишим, изланишим керак, деган фикр – туйғу билан, эзгу интилиш ва пок ният билан яшаши лозим. Акс холда, у оёғи заминдан узулиб, атрофидаги лаббайчи – хушомадгўйларнинг сохта мактобларига ўрганиб колиб, хотиржамлик, бегамликка берилса, шу куни үз лавозимига фотиха ўқиган бўлади.

И.А. Каримов. Тинчлик ва ҳавфсизлигимиз үз куч-
кудратимизга, ҳамжихатлигимиз ва
қатъий иродамизга боғлик. Т-ХII.

Т.: Узбекистон, 2004.
310–311-бетлар.

* * *

Раҳбарлик лавозимига – масъул вазифага тайинланадиган одамлардан нималар талаб килинади, улар қандай хусусият ва фазилатларга жавоб бериши кераклиги ҳакида кўп гапирамиз. Биз кўпинча раҳбар қатъиятли, билимдон ва талабчан булиши керак, деймиз. Ҳеч шубҳасиз, раҳбар учун бу фазилатлар сув билан ҳаводай зарур, лекин хозирги замонда факат шуларнинг үзи билан узокка бориб бўлмайди.

Раҳбар қачон эл-юрт ишончини, сътиборини козона олади?

Қачонки, юраги, құли тоза, күнгли очиқ, ақл ва за-
коват сохиби бұлса, унинг табиатида қатыннатлық би-
лан билим, талабчанлық билан адолат уйғун бұлса, у
үзи бошқарадиган одамларнинг ғам-ташвишларини
үз қалбидан үтказишга кодир бұлса.

У үзининг иссик истараси, муомаласи бұладими,
қандайдир бошқа ижобий жиҳати биланми, одам-
ларнинг әзтиборини үзига тортадиган, бир сұз би-
лан айтганда, халқнинг күнглигі йүл топа оладиган
бұлиши шарт.

Рахбар энг мұраккаб, энг мүшкүл вазиятларда
хам одамларни күндириш, уларни баъзи бир ножуя
ишилардан, хатти-харакатлардан қайтариш ва жамоа-
да, туман ёки вилоятда соғлом вазият, соғлом икlim
барпо эта олиш салохиятига зға бўлиши даркор.

...Хар қандай раҳбар ҳам, аввалимбор, инсон, унинг
ҳам үзига яраша фазилат ва камчиликдари бўлиши, у ҳам
кимнидир ёқтириши, кимнидир хушламаслиги мумкин.
Лекин конун ва хукукий мезонларни писанд қилмаслик,
одамлардан узилиб қолиш, манманлик раҳбар учун
мутлако йўл қўйиб бўлмайдиган нуқсонлардир.

Рахбар деган одам ҳар қайси соҳа, тармоқ ва
конкрет ишни, унинг сирларини шу вазифаларда
үтирган мутахассислардан кўра кўпроқ биламан, деб
ўиласа ёки хис килса – бу қип-қизил қалтабинлик ва
ахмоқона караш, десак, хато бўлмайди.

Ҳокимнинг вилоят ҳаётига чукур кириб бормасдан,
кишлок хўжалиги, ишлаб чиқариш, молия-бюджет ма-
салаларини пухта билмаган ҳолда, фактат буйруқбозлик,
дўк-пуписа билан иш юритишга берилиб кетгани қандай
хунук оқибатларга олиб келиши мумкинлигини тасаввур
килиш кийин эмас.

**И.А. Каримов. Тинчлик ва хавфсизлигимиз үз куч-
кудратимизга, ҳамжихатлигимиз ва
кягъий иродамизга боғлик. Т-XII.
Т.: Ўзбекистон, 2004. 321–324-бетлар.**

* * *

Рахбарликнинг оғир масъулиятини бўйнига олган шахс, аввало, ўзига ҳам, ўзгаларга нисбатан ҳам талабчан, каттиққул булиши, керак бўлса, кимгадир ёмон қўринишдан ҳам қўрқмаслиги керак...

И.А. Каримов. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-
кудратимизга, ҳамжихатлигимиз ва
қатъий иродамизга боғлиқ. Т-ХII.
Т.: Узбекистон, 2004. 180-бет.

* * *

Бугун юртимиз харитасига назар ташласак, қайси вилоят ёки ҳудудда раҳбар чет эллар билан ишончли алока боғлаб, сармоядорларни олиб келса, улар билан ҳамкорлик ўрнатса, доимо шунга интилиб яшаса, шу жода ўзгариш ва янгиланиш бўлаётганини қўриш мумкин.

Аммо, афсуски, жойлардаги баъзи раҳбарларда "димоғ" деган нарса бор. Чет элларга ташриф билан борганимизда мен, юртимиз манфаатини ўйлаб, бизнесменлар ва сармоядорлар билан тил топишиш, муносабат ўрнатиш учун, керак бўлса, уларни бағримга босишга ҳам тайёрман. Бу шахсан мен учун, Президент учун эмас, балки ҳалқимиз, Ватанимиз ва давлатимиз учун керак, шу боис, отанг яхши, онанг яхши, деб, уларнинг кўнглини топишга ҳаракат қиласман.

Холбуки, ўзини раҳбар деган, етакчи деган одамнинг зими масъулият бошқаларницидан кўпроқ. Чунки Аллоҳ кимга кўпроқ берган бўлса, ундан талаб ҳам шунча катта бўлади. Ҳаммамиз шу ҳақиқатни унутмаслигимиз лозим.

И.А. Каримов. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-
кудратимизга, ҳамжихатлигимиз ва
қатъий иродамизга боғлиқ. Т-ХII.
Т.: Узбекистон, 2004. 192–193-бетлар.

* * *

Такрор-такрор айтишга тұғри келади – ҳамма жойда ҳам, аввало, раҳбарлар ва масъул ходимларнинг фаолияти, юриш-туришига қараб, уларнинг оилавий ҳаёти ва маънавий киёфасига қараб, фукароларнинг, умуман, жамиятнинг ҳокимиятта бүлган ишончи ёки ортади, ёки бутунлай йўколади.

Лавозим курсисида ўтирган, ҳокимият номидан иш юритадиган баъзи шахслар ўзининг номаъқул ишларини яширишга канчалик уринмасин, одамлар шу жойда адолат тамойиллари издан чиқиб кетганини барибир сезади, билади...

И.А. Каримов. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз құч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлик. Т-XII.

Т.: Ўзбекистон, 2004. 298-бет.

* * *

Раҳбарлар узгаради, янги одамлар келиб кетаверади, лекин ҳамма нарсаны шу эл, шу юртга меҳр кўйган, мард ва танти, лафзи ҳалол меҳнаткаш ҳалқнинг бунёдкорлик меҳнати ҳал қиласи.

Бу гапларнинг барчаси – ҳақиқат, уларга яна бирор нарса қўшимча килиш кийин, деб ўйлайман.

И.А. Каримов. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз құч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлик. Т-XII.
Т.: Ўзбекистон, 2004. 301-бет.

* * *

...Раҳбар ўзига хос ғууррга эга бўлган вилоят ахлиниң кўнглини топмаса, амалий ишлари, шахсий ибрати, қатъият ва багрикенглиги билан одамларнинг қалби а кириб бормаса, билиб қўйинглар, иш кетиши кийин.

* * *

...Хар кайси раҳбар, у тўман, шаҳар, вилоят ҳокими бўладими ёки ваколат олган давлат ходими бўладими, вилоят ва туман кенгашларида, керак бўлса, маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йигинлари мажлисларида мунтазам равишда ҳисобот бериши лозим. Биз раҳбарлар фаолиятига шу асосда баҳо бериш, тегишли хулоса чиқариш тартибини қоғозда эмас, амалда жорий этишимиз керак.

**И.А. Каримов. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-
қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва
қатъий иродамизга боғлиқ. Т-XII.
Т.: Узбекистон, 2004. 335-бет.**

* * *

Ўзини раҳбар деган, етакчи деган одам вилоятдаги вазиятни беш қўлдай билиши – қаерда нима буляпти, қаерда газ-сув, қаерда уй-жой, қаерда иш-сизлик муаммолари кучайиб бормоқда – уларни ечиш учун ҳакикий ахволни ўз қўзи билан куриши, одамларнинг дарду ташвишларини тинглаши, уларга амалий ёрдам бериши даркор...

Бугунги вазият шуни талаб қиласади, раҳбар талабчан, керак бўлса, қаттиққўл булиши, лекин биринчи галда, адолатли булиши зарур. Бағрикенг, оккўнгил одамларимиз ҳар қандай талабчан, қаттиққўл раҳбарга чидайди, лекин адолат бузилса, чидай олмайди.

**И.А. Каримов. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-
қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва
қатъий иродамизга боғлиқ. Т-XII.
Т.: Узбекистон, 2004. 373–374-бетлар.**

Барчамиз бир ҳақиқатни хеч қачон унутмаслигимизни истардим: мансаб курсисида ўтирган, ҳокимиятномидан иш юритадиган баъзи шахслар ўзининг bemаза ишларини яширишга қанча уринмасин, одамлар ўзига нисбатан, жамоатчиликка нисбатан адолат бузилаётганини кўриб, бундай раҳбарларнинг куюшқондан чиқиб кетаётганини барибир сезади, билади.

Качонки раҳбарнинг юраги ҳам, қули ҳам тоза бўлса, таъмадан, гараздан йирок бўлса, унинг табиатида қатъиятлик билан вазминлик, талабчанлик билан акл-заковат уйғун бўлса, факат шундагина у одамларнинг ғам-ташвишини ўз қалбидан ўтказишига кодир бўлади.

И.А. Каримов. Ўзбек ҳалқи хеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т-XIII.

**Т.: Ўзбекистон,
2005. 30–31-бетлар.**

* * *

Шуниси қизикки, амал деса, лавозим деса, баъзилар ўзини томдан ташлайди. Бирок мана шундай кескин муаммолар юзага чикканда жавоб берадиган, ўзини улар учун масъул деб биладиган мардни баъзан кундузи чирок ёкиб ҳам тополмайсиз.

Кўп мисолларда кузатиш мумкинки, баъзи бир лавозимда ўтирганлар шу вазифага ўрганиб қолади ю раҳбарга билдириладиган хурмат-эҳтиромни табий бир хол, деб қабул килади.

Холбуки, одамлар раҳбарнинг лавозим курсисини эмас, балки унинг эл-юрт манфаатини кузлаб, тинимсиз килган меҳнатини, фидойилигини қадрлаши ва хурмат килишини, афсуски, улар англашга ожизлик қиласди.

Тўрт-беш йиллаб, балки ундан ҳам кўпроқ ҳокимлик курсисида ўтириб, айрим раҳбарлар ўзининг ҳаётдан

узилиб қолганини, хушёрлик ва масъулиятни йўқотиб қўйганини ўзи ҳам сезмайди.

Бундай раҳбарларга қаратада одам баъзан шундай дегиси келади:

Эй инсон, бу лавозим сенга ота-бобонгдан мерос бўлиб қолгани йўқ. Бу лавозимда одамларнинг ҳурмат-эҳтиромини фақатгина қагтиқ меҳнат, ҳалоллик ва адолат туфайли қозониш ва шунинг хисобидан саклаш мумкин. Ана шу ишонч ва ҳурматни йўқотдингми, одамларнинг эътиборидан қолдингми – раҳбар бўлиб, ҳоким бўлиб ишлашга ҳаққинг йўқ.

**И.А. Каримов. Узбек ҳалқи ҳеч қачон, ҳеч кимга
карам бўлмайди. Т-XIII.
Т.: Ўзбекистон, 2005. 58–59-бетлар.**

* * *

Биринчи раҳбар шу вилоят ҳаёти билан яшаб, шу элнинг хурсандчилиги билан бирга унинг дарду ташвишларини ҳам юрагидан ўтказиб, оддий инсонлардан тортиб катта-катта жамоа ва корхоналарнинг манфаатини кўзлаб яшаши ва ишлаши керак. У вилоятда бўладиган барча ишларга ўзини шахсан жа-вобгар ва масъул деб хис килиши даркор.

Агарки “Вилоятнинг энг катта фидойиси ким бўлиши керак”, деб сўраса, мен айтардим – “Вилоят ҳокими”. У ўзи бошқарадиган юртнинг бугунги тақдири, унинг эртанги куни, истиқболи, иқболи ва нима хисобидан вилоятнинг ёруғ келажагини, ахолининг фаровонлигини таъминлаш мумкинлигини, бунинг учун қандай лойиха ва чора-тадбирларни амалга ошириш зарурлигини чуқур билиши керак.

Айни вактда, вилоят ҳокими доимо сезгир ва хушёр бўлиб, қабул қилаётган ҳар қандай қарорини етти марта ўлчаб, бир марта кесиб, уларнинг

окибатини ўзига пухта тасаввур килиши, шу юртни, шу тупрокни асраб-авайлаб яшаши шарт.

Бунинг учун эса вилоят ҳокимининг ақсл-заковати, билими ва тажрибаси, етарли фикрлаш доираси, албатта, кенг булиши лозим. Ва бошлаган ишларини охирига етказиш, ўзига ишонч билдирган одамларнинг орзу-умидларини рўёбга чиқаришда қатъиятлилигини намоён этиши, иродаси бақувват, эътиқоди бутун булиши керак.

Албатта, баъзилар бундай одамни топиш қийин, де-йиши хам мумкин. Шундай фикрларга жавобан, мен бир нарсани айтишни зарур, деб биламан.

Майли, бундай юксак мезонларга ҳар томонлама жавоб берадиган одамни топиш ҳакиқатан ҳам қийиндир, бироқ ана шундай хусусиятларга, билим ва тажрибага эга булиш учун интилиш эл-юртни ўз изидан бошлаш учун ўз устида қаттиқ ишлаш, ўзини қийнаш, керак бўлса, жонини фидо килишга ҳам тайёр инсон, ўйлайманки, ҳар қандай масъулиятли вазифани уddyалай олади.

И.А. Каримов. Узбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т-ХIII.

Т.: Узбекистон, 2005. 61–62-бетлар.

* * *

Мана шу юртни ўз ватани деб биладиган, она замини билан ғуур-ифтихор қиласиган одамлар бу масалани ўз қулига олмаса, шундай интилиш ва гоя уларнинг қалби ва онгига кириб бормаса, барча ҳаракатларимиз самара бериши мушкул.

Албатта, бу ишларни ташкил қилиш учун ўз ҳаловатидан воз кечиб, бошқаларга ҳам тинчлик бермасдан, эл-юртни шунга сафарбар этиб, тинимиз мөхнат қиласиган етакчи керак. Ва бу етакчи, ўйлайманки, шу соҳа бўйича мутахассис булиши лозим. Яъни сув хўжалиги, ирригация ва мелиорация

масалаларини, шу ишларнинг негизини чукур биладиган, тажрибали, ўз касбини севадиган, вилоят аҳлининг орзу-умидлари ва ташвишларини юрак-юрагидан қабул қиласиган инсон булиши керак.

**И.А. Каримов. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга
қарам бўлмайди. Т-ХIII.
Т.: Ўзбекистон, 2005. 91-бет.**

* * *

Бизнинг зиммамиздаги энг муҳим вазифа – эл-юртимизнинг ана шу ишончига муносиб бўлиш, одамларнинг ҳаётини амалий ишлар билан яхшилашдан иборат.

Биз раҳбарлар бир нарсани қулогимизга кўргошиндай қўйиб олишимиз керак. Агарки бизга катта умид ва ишонч билан қарайдиган одамларнинг дастурхонида, оилавий ахволида, рўзғор тебратишида, умуман, кундалик ҳаётида ижобий ўзгаришлар кўзга ташланмаса, бу аҳолининг ҳақли эътирози ва норозилигига олиб келиши табиий ҳол.

Шунинг учун ҳам биз қаерда, қайси лавозимда ишламайлик, раҳбарлик ишимиznинг самараси ва маҳсули охир-окибатда ана шундай мезон билан ўлчанади, десак, айни ҳакиқатни айтган бўламиз.

Агар шу мезон асосида баҳо берадиган бўлсак, шуни ҳам афсус билан тан олишга тўғри келади – бугун замон шиддат билан ўзгаряпти, аммо бизнинг онгимиз дунёкарашимиз жуда секинлик билан ўзгаряпти. Мени ташвишга соладиган, керак бўлса, кийнайдиган оғир муаммо ана шу.

**И.А. Каримов. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга
қарам бўлмайди. Т-ХIII.
Т.: Ўзбекистон, 2005. 230–231-бетлар.**

...Бордию бирор-бир мансабдор шахс давлат сиёсатидан чекиниб, конунга хилоф ишлар билан шуғулланадиган, ўз манфаатини давлат, халқ манфаатидан устун кўядиган бўлса, у кимлиги, кимнинг кариндоши, кайси раҳбарнинг оғайниси эканидан катъий назар, мукаррар равишда жазосини олиши шарт. Яъни бундай жазонинг мукаррарлигини шу одамдан юкори лавозимда утирганлар эмас, балки тизимнинг ўзи талаб этиши зарур.

И.А. Каримов. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга
қарам бўлмайди. Т-ХIII.
Т.: Ўзбекистон, 2005. 237-бет.

* * *

Яна бир муҳим масалага эътиборингизни қаратмоқчиман. Бу – давлат ходимларини лавозимга танлаш ва тайинлаш билан боғлик.

Бу ҳақда гапирганда, кўп учрайдиган нохуш бир холатни таассуф билан айтишга мажбурман. Масалан, бир номзодга ишонч билдириб, уни вазирлик лавозимига қўямиз. Ярим йил-бир йил ўтгач, кан.., ишларингизни бир кўрайлик, деб, у бошқараётган соҳанинг аҳволи билан кизиксангиз, ҳар қайси бўлим ёки тармокқа, бошқарув ишига ўзининг таниш-билишлари, кариндошларини, бир пайтлар Фаллаоролдами ёки бошқа жойдами, бирга ишлаган оғайнисини кўйган бўлиб чиқади. Яъни маҳаллийчилик ва ошина-оғайнигарчилик касалига дучор бўлади.

Қачонки, биз кадрлар масаласининг ишимизга энг катта зиён етказадиган мана шундай салбий томонларини бартараф эта олсак, кўп муаммоларни ечишга имкон туғилади. Бизнинг асосий вазифамиз каерда шундай касаллик пайдо бўлди, каерда илдиз отди – шуни аниклаб,

уз вактида чорасини кўришдан иборат. Бордю касаллик кучайиб кетса, уни жаррохлик йули билан кесиб ташлаш, лўнда килиб айтганда, нопок ва нокобил кадрлардан воз кечишдан бошка илож қолмайди. Чунки битта бемаза раҳбар нафакат ишни барбод килиши, балки минглаб инсонларнинг ҳаётини бузиши мумкин.

Шуни таъкидлаш зарурки, давлат хизматчилари орасида коррупцияга, хизмат вазифасини сунистеъмол килиш холатларига қарши доимий кураш олиб бориляпти. Конунни бузган, жиноятга қўл урган нопок ҳодимларни ҳукук-тартибот идоралари вактида ушлаб, жазосини беряпти. Лекин бу масалада олиб борилаётган ишлар мутлако етарли эмаслигини таъкидлаш жоиз.

Ҳаммангизга маълумки, бизда давлат – бош ислохотчи, деган тамойил бор. Бугун шу иборани янгича тарзда, янгича мазмунда қўллаб айтадиган бўлсак, асосий ислохотчи давлат ҳодими бўлиши керак. Ҳозирги кунда ислохотлар тақдирини, энг аввало, давлат ва ҳукумат идораларида масъул лавозимда ўтирган одамлар ҳал қилишини, бинобарин, улар шу масалага бевосита жавобгар эканини барчамиз чуқур англаб олишимиз шарт.

**И.А. Каримов. Ўзбек халки ҳеч қачон, ҳеч кимга
қарам бўлмайди. Т-ХIII.
Т.: Ўзбекистон, 2005. 238–239-бетлар.**

* * *

Бугунги бошимиздан кечираётган ўта мураккаб замонда олдинги даврларга нисбатан раҳбарлик ва етакчилик вазифасининг кундан-кунга масъулияти ошиб бораётгани ҳакида кўп гапирамиз. Ва ҳар кандай идора ва ташкилот, корхонада, аввало, биринчи раҳбарнинг масъулияти, аҳамияти ва моҳияти алоҳида ўрин тутишини барчамиз яхши тушунамиз.

Ута оғир ва мураккаб масалаларни ҳал қилиш тұғри келадиган жойда бириңчи раҳбар курсисида үтирган инсон үзининг Худо ато этган акл-идроқи, билим ва тажрибаси, инсоний фазилатларига эга булиш билан бирга, етакчилік қобилятига, яни одамларни үз ортидан әргаштира олишта ҳам қодир булиши зарур.

У кеңг қамровли тайёрғарлыги ва дунёқараши, шиғоат ва қатынды, керак булса, қаттіккүллігі, үзи бошқарадиган ҳудуддаги барча катта-кичик раҳбар, мутахассис, фаолларни бирлаштириб, бир ёқадан бош чиқариб ишни ташкил эта олиши билан ажралиб туриши керак.

**И.А. Каримов. Узбек халқы ҳеч қачон, ҳеч кимга
қарам бұлмайды. Т-XIII.
Т.: Узбекистон, 2005. 282–283-бетлар.**

* * *

Бир ҳақиқат барчамизга аён булиши даркор: биз үз олдимизга әрқин ва фаровон ҳаёт барпо этишдек юксак мақсадларни қўйган эканмиз, аввало, үзини раҳбар деган, шу юрт фарзанди деган ҳар бир инсон келажакни, әл-улус манфаатини ва равнақини ўйлаб яшаши керак.

Бу шунчаки баландпарвоз гап эмас, ҳаётнинг үзи ўртага қуяётган кескин талаб.

**И.А. Каримов. Инсон, унинг ҳуқук ва
эркинликлари – олий қадрият. Т-XIV.
Т.: Узбекистон, 2006. 39–40-бетлар.**

* * *

Ҳақиқий раҳбар мана шу ер – меники, мана шу юрт – үзимники, уни обод ва фаровон қилиш – ме-

нинг нафакат вазифам, балки муқаддас бурчим, деган эътиқод билан яшаши ва ишлаши зарур. Шундагина ташаббускор ва изланувчан, тиним билмайдиган раҳбар ҳар қандай муаммонинг ҳам ечимини топа олади.

И.А. Каримов. Инсон, унинг хукуқ ва эркинликлари – олий қадрият. Т-ХIV.
Т.: Узбекистон, 2006. 41-бет.

* * *

Раҳбарлик, етакчилик – у кичик жамоа, корхона ёки ташкилот бўладими, туман, шаҳар ёки вилоят бўладими – бундан қатъий назар, эл-юртнинг бошини қовуштириб, бирлаштиришни, уларни юксак марпа ва мақсадлар сари сафарбар этишни, кимнингдир пешонасини силаб, кимгadir яхши гапириб, одамларнинг руҳини кутаришни тақозо этади.

Шу билан бирга, раҳбар дегани кимгadir кескин талаб қўя олиши, керак бўлса, каттиққўллик кўрсатиб, қатъият билан иш олиб бориши, узини ҳам, бошқаларни ҳам аямасдан, кўпчиликни ўз ибрати билан ортидан эргаштириши, одамларда эртанги қунға ишонч уйғота олиши лозим.

Бунинг учун раҳбарнинг, аввало, ўзи ҳалол ва холис бўлиб, адолат билан иш юритиши керак.

Лекин сен менга тегма, мен сенга тегмайман, деган кайфият билан яшайдиган, бирорнинг мушугини пишт дея олмайдиган раҳбарни бугунги замон мутлақо қабул қилмайди.

Узини ҳакиқий етакчи деб хисоблайдиган инсон бу хусусиятлар билан бирга, яна қандай фазилатга эга булиши керак, деса, мен, аввало, фидойилик соҳиби булиши керак, деб айтган бўлардим.

Албатта, барча касб ва хунарларни эгаллаган, ҳамма соҳанинг сир-асрорини пухта билалиган раҳбарни ҳаётда топиш ўзи қийин.

Лекин бошга тушганини кўз кўрар, деганларидек, вилоят раҳбари вазифасида ўтирган одам ўзи етакчи бўлган худуд олдида турган муаммоларни ҳар томонлама чукур англаши, уларни ечиш, кўзланган мараларга эришиш учун илгари ўзига нотаниш бўлган соҳаларни ҳам – у қандай соҳа ва тармоқ булишидан катъий назар – ўзлаштириб олишга каттиқ интилиши, керак бўлса, шу йўлда бутун куч-гайрати ва борлигини сафарбар қилиши зарур.

И.А. Каримов. Инсон, унинг ҳукук ва эркинликлари – олий қадрият. Т-XIV.
Т.: Ўзбекистон, 2006. 42–43-бетлар.

* * *

Барака топгурлар, агар биз эришган ютукларимизни эътироф этиш билан бирга, мавжуд камчиликлар, йўл қўяётган хатоларимизни, аввало, ўзимиз танқидий кўз билан баҳолаб, аччик ҳақиқатни биринчи галда ўзимизга айтадиган бўлсак, ҳеч качон кам бўлмаймиз, аксинча, ҳаётимиздаги мана шундай нуқсонларни ўз вақтида бартараф этиш имконига эга бўламиз.

Бу ҳақда гапирганда мен учта мухим масалага алоҳида ургу бериб ўтмокчиман.

Биринчидан, барчамиз ҳаётимизда ҳанузгача учраб келаётган лоқайдлик ва бепароволик асоратларидан бутунлай халос булишимиз зарур.

Минг афсуски, биз бу масалада хамон заиф бўлиб колаяпмиз ва бундан ганимларимиз жуда усталик билан фойдаланаяпти. Мана, масалан, Андижон воқеаларини олайлик. Бу жиноятларнинг ортида кимлар тургани ва уларни қандай мақсадларни кўзлаб амалга оширгани хозирги кунда суд жараёнлари орқали аён бўляяпти, дамилар орқали исботланаяпти.

Хотирамизда умрбод яра булиб қоладиган Андижон воқеалари содир бўлган кунлардан бошлаб ҳозиргача душманларимиз бу фожиа ҳакида бутун дунёга турли бўхтон ва уйдирмаларни овоза килиб юрибди. Бу масалада миллий матбуотимиз, радио ва телевидениемиз, жонкуяр журналистлар, юргарвар тарғиботчиларимиз халқимизга асл ҳакиқатни тушунтириб бериши зарур.

Чунки чекка вилоятлардаги одамлар Андижон воқеалари содир бўлган пайтда, уларнинг тафсилотларини яхши билмасдан, хавотирга тушганини тасаввур килиш кийин эмас. Бу бизнинг шу борадаги заифлигимизни билдиради. Шу маънода узок-узок жойларда – бу Коракалпогистон ёки Сурхондарё бўладими, Фаргона водийсидаги чекка қишлоклар бўладими – одамларимизнинг бундан бехабар булиб қолишига, авваламбор, биз ўзимиз сабабчимиз.

Мана кўраяпсизлар, ҳозирги пайтда дунё зўравонлар дунёси бўлиб қолаяпти. Кимнинг қўлида кучли матбуот, ахборот воситалари бўлса, таъсир ўтказиш имкони бўлса, ким информация майдонида устунлик қилса, замон кимники бўлади – аввало, ўшаларники бўлади.

Биз бу масалада қандай хатоларга йўл қўяётганимиз, нима учун бепарволикдан кутула олмаётганимиз ҳакида очик айтишимиз керак. Ҳар бир фуқаро, бу менинг Ватаним, менинг тупроғим, аждодларим хоки ётган шу муқаддас замин тақдири учун мен ҳам жавобгарман, деган эътиқод билан яшаса, четдан туриб ўюштирилган бундай бузғунчиликлар одамларимизга ўз таъсирини ўтказмас эди.

Иккинчидан, мамлакатимиз ва унинг атрофида содир бўлаётган воқеа-ходисаларга доимо дахлдорлик хисси билан яшашимиз даркор.

Токи шу юртда яшайдиган ҳар қайси инсон ана шу мураккаб ижтимоий жараёнлардан ҳар томонлама ҳабардор булиб, уларга нисбатан ўз фикри ва муносабати-

га эга бўлсин, нима ҳакиқату нима бўхтон ва уйдирма эканини англаб ета олсин.

Учинчидан, ҳар бир фукаро ўзининг, оиласининг тақдири ва эртанги куни учун ривожланиш йўлимиизда гов бўлиб турган тўсикларга қарши қатъий кураш олиб бориши қерак.

Бугун ҳаётга мана шундай ёндашувни замоннинг ўзи такозо этмоқда ва у кескин талаблардан бош тортиб бўлмайди.

Бу ўринда гап қандайдир тарғибот-ташвиқот ҳакида эмас, балки одамларнинг кўзини очиб бериш, уларнинг қалби ва онгига мустакил фикр уйғотиш ҳакида бормокда. Чунки ҳозирги даврда, халқаро майдонда турли сиёсий манфаатлар тўқнашаётган мураккаб бир шароитда факат ўз фикри, ўз ҳаётий позициясига эга бўлган халқ ва жамиятгина енгилмас кучга айланаб, ўз келажагини ўз қули ва акл-заковати билан куришга қодир бўлади.

**И.А. Каримов. Инсон, унинг ҳукуқ ва эркинликлари – олий қадрият. Т-XIV,
Т.: Узбекистон, 2006. 65-67-бетлар**

* * *

Биз бугунги ҳаётимиз, хусусан, ёшларимизнинг баркамол инсон бўлиб, ўсиб улгайиши, жамиятда ўз ўрнини топиши билан боғлиқ масалаларнинг маънавий томонига катта зътибор бераёттанимиз бежиз эмас.

Баъзи ёшларимиз лавозим поғоналаридан тезрок ўсиш ва улгайишини хоҳлайди. Уларни бунга ким даъват килади. Албатта, ота-онаси. Улар: “Сен ҳам бошқалардек, катта ишларга кутарилгин, масъул вазифаларни эгаллагин”, – дейди. Одатда, кексаларимиз ҳам дуои фотиха килганда “Мартабангиз улуғ бўлсин, янада ошсин”, деган гапларни айтади.

Бундай ниятлар ва тилаклар, албатта, яхши. Лекин менга буюрса ёшларни дуо қилганды, “Аввало, инсон бўл, бир касб ёки хунарни чукур згалла, ота-онангни, эл-юртингни рози қил”, деган сўзларни айтсак, янаям яхшироқ буларди.

Иккинчидан, ҳақиқий инсон етук мутахассис бўлиш билан бирга юксак маънавият эгаси ҳам булиши лозим.

Бу ҳаётда кимгадир раҳбарлик килиш учун кўп ўқиб-ўрганиш, бошқаларга хар томонлама ибрат булиш зарур. Раҳбарлик қилиш дегани – бу кимгадир талаб қўйиш, одамларни бошқариш, уларга иш ўргатиш, масъулиятни ўзига олиб, қатъият қўрсата олиш дегани. Энди ўйлаб кўринглар, бирдан юқори мансабга кўтарилиган одам бу фазилатларнинг барчасини қандай эгаллайди? Амал зинасидан жуда тез кўтарилиган одамнинг бу борада мурт ва заиф булиб қолмаслигига ким кафолат беради?

Ахир лавозим курсисига ўтириб, оғир ва масъулиятли вазифалар бўйинга тушганидан кейин ўқиб-ўрганишга, оркага қайтиб бошқатдан талаба ёки шогирд булишга имкон бўлмайди. Шунинг учун сизларга қарата, эй болаларим, эшитинглар, деб мурожаат килмокчиман: эртага бирданига кўтарилиман, катта амалдор буламан, мансабга эришаман, деб яшашни ўзингизга эп кўрманг. Мансабга интилиб яшаш – аслида энг хунук одат.

Агар яхши инсон, етук мутахассис бўлсангиз, мана шу замин манфаатлари йулида ёниб яшайдиган бўлсангиз, эл-юртнинг, ҳаётнинг ўзи сизни кўтаряди. Халқимизда нарвонга ҳам аста-секин чиқилади, деган гап бор. Ҳеч қачон унутманглар, бу дунёда ҳамма нарса аста-секин, ўз йўли билан бўлади.

Очиғини айтадиган бўлсам, мени доимо хар томонлама қийнаб келадиган муаммо шуки, бирор масъул лавозим, айтайлик, бирорта вазирнинг ўрни бўшаса, шу жойга муносиб одам топиш – мен учун энг оғир маса-

ла. Бу хаётда турли кийинчилик ва синовларни бошидан кечирган, куйи ва ўрта лавозимларда ишлаб, тажриба орттирган, дунёнинг пасти-баландини кўрган одамгина эл-юрт ўртасида хурмат-эътибор топади, раҳбарликнинг машаккатли юкини кутаришга тайёр бўлади.

Аввало, инсон бўлиш, малака ва тажриба орттириш, хаётдан зарур сабок чикариш, кўпроқ билимга эга бўлишга ҳаракат қилсангиз, бас, колгани ўзи келаверади. Мен бу гапларни кўпни кўрган, кўп жойда ишлаган одам сифатида айтаяпман.

И.А. Каримов. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият.

Т-XIV. Т.: Узбекистон,
2006. 114–116-бетлар.

* * *

Бугунги кунда ҳам минтақамизда, ён-атрофимизда сакланиб колаётган мураккаб вазият, турли таҳдид ва хавф-хатарлар Андижон воқеаларини ҳар томонлама таҳлил килиш, улардан зарур сабок ва холосалар чикаришга, заминимизда яшайдиган барча инсонларни доимий огоҳликка даъват этаётганини унутмаслигимиз лозим.

Албатта, бу мудхиш воқеалар ва уларнинг оқибатида кўпгина одамларнинг ҳалок бўлишининг тегишли сабаблари ва чукур илдизлари борлигини ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Бу фожиани келтириб чиқарган сабаблар, жумладан, кўпорувчилик ҳаракатларининг четдан туриб ташкил этилгани, бунга узок тайёргарлик кўрилгани, катта маблағ ажратилгани ҳакида гапириш ва кўп-кўп далилларни келтириш мумкин. Бўлиб ўтган суд жараёнларида бу ҳакиқат ўз исботини топди ва ҳалқимиз, жамоатчилигимиз бу масалани атрофлича англаб олди.

Лекин қалбларимизни ларзага солган бу фожиани яна ва яна бир бор кўз ўнгимиздан, юрагимиздан утказиб,

кайғурар эканмиз, оғир бир савол беихтиёр барчамизни қийнайди: қандай бўлдики, ҳаммамиз, биринчи галда, вилоят раҳбарлари, мана шу юрт ҳаётига, унинг эртанги кунига масъул бўлган шахслар, депутатлар ва фаоллар осто намизга кириб келган бундай бало қазодан ғофил колдик?

Бу воқеаларга сабаб бўлган ҳолатлар ҳакида, масъулият ҳакида гапирганда, албатта, турли хulosаларга келишимиз мумкин. Авваламбор, шу масалага мутасадди, масъул ва жавобгар бўлган тегишли вазирлик ва идоралар – хавфсизлик хизмати, хукук-тартибот ва милиция органлари ўз сезгирлиги ва хушёрганин йўқотгани, ўз вақтида бундай ёвуз хуружларга тайёргарлик ҳаракатларининг олдини олиш ва бартараф этишда ўз куч ва имкониятларини кўрсата олмаганини афсус билан қайд этиш зарур.

Лекин, шу билан бирга, аввало, шу заминда яшаётган халкнинг дарду ташвишларидан доимо хабардор бўлиб, кундалик ҳаётда учрайдиган норозилик ва эътиrozлардан хулоса чиқариб, бир сўз билан айтганда, одамларнинг кайфияти ва интилишларини инобатга олган ҳолда сиёsat олиб бориш, ахоли томонидан кўтарилаётган муаммоларни счиш, агарки уларни ҳал килиш кўлидан келмаса, бу масалаларни марказий ҳукумат олдига қўйиш ва охирига етказиш – бу кимнинг вазифаси?

Бу, биринчи навбатда, шу юртнинг тақдири ишониб топширилган вилоят раҳбарлари, авваламбор, вилоят ҳокимининг вазифаси эмасми?

Вилоятда ким қандай яшаяпти, ҳар қайси оилада қанча одам ишлайди, қанчаси иш тополмаяпти, улар рузгорини қандай тебратаяпти – ҳаётнинг ўзи талаб киладиган бундай ўткир саволларни кун тартибига қўйиш ва уларга жавоб топиш устида, афсуски, мутасадди раҳбарлар йиллар давомида бош котирмасдан келган.

Иккинчи масала – эски совет давридаги тушунча ва карашлар асосида хўжакўрсинга иш килиш, кўзбўямачиликнинг авж олиши оқибатида вилоят

раҳбарлари халқ ҳаётидан, реал вокеликдан узилиб колди.

Агарки ҳоким фақат үзининг ва уруг-аймокларининг манфаатларини кўзлаш, данғиллама уй қуриш, бойлик орттириш билан банд бўлиб, одамлар куриб турган қинғир-қийшиқ ишларни худдики сезмасдан юрадиган бўлса, туман ва қишлоқларда кўпчиликни кийнайдиган муаммолар сурункасига ечилимасдан қолаверса, бунинг оқибатида жойларда норозилик пайдо бўлишини гўёки билмагандек юраверса, бундай номаъкул ҳолатлар бизнинг олиб бораётган сиёсатимизга қарши чиқадиган ғанимларимиз қўлигабамисоли қуролбериб кўйгандек бўлмайдими? Бунинг натижасида ҳокимиятнинг обрусиға путур етмайдими?

Бугун ҳаётнинг ўзи кескин килиб ўртага қўяётган мана шундай ўткир саволларга жавоб излаш, уз ерида меҳнат килиш, ўзи ва оиласи учун даромад топиш максадида бутун имкониятларини, ақл-заковати ва кучкувватини сарфлашга тайёр булган одамларга йўл очиб бериш ўрнига эски тизим, эски ишлаб чиқариш усуларидан ҳали-бери халос бўлолмаган, бизларга бўлаверади, деб, янгиликка, ислохотларга қарши турган раҳбарлар аслида умумий давлат сиёсатига қарши чиқаётганини ўзи англайдими, йўқми?

Бу ерда билимли ва истеъододли ёшларга, ташаббускор ва излунувчан, уз мустакил фикрига эга бўлган кадрларнинг ўсиб-улғайишига йўл бермаслик билан боғлик кўп-кўп мисолларни келтириш мумкин.

**И.А. Каримов. Жамиятимизни эркинлаштириш,
ислохотларни чукурлаштириш,
маънавиятимизни юксалтириш ва
халқимизнинг ҳаёт даражасини
ошириш – барча ишларимизнинг
мезони ва максадидир. Т-XV.
Т.: Узбекистон, 2007. 12-17-бетлар.**

* * *

Нима учун вилоятда ана шу ҳукумат қарорларининг талаблари бажарилмаяпти?

Бунинг сабаби факат битта булиши мумкин – бу масалага дахлдор, мутасадди булган мансабдорларни бугун аллақачон тұхтаб, ёнбошлаб ётган корхоналарни жонлантириш чоралари ҳам, шунинг ортида турған мухим муаммо – одамларни иш билан таъминлаш масаласи ҳам қызметкерлердің көзінде орналасқан болып келеді. Улар күпроқ үзининг шахсий манфаатлари билан овора.

Бундай амалда үтирганлар, бугун оёғимизга кишин булаётгандар, аввало, үзиге наф топиш билан банд булиб, тадбиркор ва ишビルар монлар, тер түкиб ишлайман, даромад топаман, үзимга ҳам, юртимга ҳам фойда етказаман, деб интилаётгандар йүлида түсік-ғов булиб колмоқда.

Хамма бало, аслида, мана шунда, десак, ҳеч қандай хато булмайди. Минг афсуски, бундай амалдорларнинг сони кам эмас.

**И.А. Каримов. Жамиятимизни әркинлаштириш.
ислохотларни чуқурлаштириш.
маънавиятимизни юксалтириш ва
халқимизнинг ҳаёт даражасини
ошириш – барча ишларимизнинг
мезони ва мақсадидир. Т-XV.
Т.: Үзбекистон, 2007. 49–50-бетлар.**

* * *

Турли раҳбарлик вазифасида үтирганлар одамларнинг ҳаёттегі интилишларига, дарду ташвишларига совукконлик билан қараб, күл-оёғимизни ипсиз боғлаб турған эски қолиплардан чиқиб кетиш учун етарлы ҳаракат килмә япти.

Бир ҳақиқат барчамизга аён булиши шарт: ҳеч ким ҳеч қачон четдан келиб бизнинг ишимизни үнглаб, оғиримизни енгил қилиб, муаммоларимизни ечиб бермайди.

Факат ўзимиз, ўз кучимиз ва салохиятимиз, ақл-заковатимизга суюнган холда, олдимизга қўйган максадларга эришиш учун тинимсиз харакат, харакат ва яна бир бор харакат қилишимиз даркор.

Албатта, ҳаёт бор экан, муаммо бор, бу ҳам табиий хол. Лекин мавжуд муаммоларни яширмасдан, ҳалқ билан бевосита мулокот қилиш зарур.

Ҳар қандай оғир ва мураккаб ахволга тушганимизда ҳам жамоатчилик, маҳалла, фуқаролар йигинлари оқсоқоллари, обрўли фахрийлар, кайвонилар билан маслаҳат мавжуд муаммоларнинг ечимини топиш, вазиятни очик-ойдин тушунтириш – бугунги куннинг дол зарб вазифаси, ҳаётда учрайдиган ҳар қандай нохуш ҳолатларнинг олдини олишнинг асосий шартидир.

Ўз вазифасига мана шундай кўз билан, мана шундай ёндашув билан қарайдиган раҳбар ҳеч қачон кам бўлмайди, эл-юрт олдида муносиб обруға эга бўлади.

Ҳаёт ҳақиқати, замон талаби шундайки, катта лавозимда фаолият кўрсатиш учун яхши одам булишнинг ўзи етарли эмас.

Бундай ута мураккаб ва масъулиятли вазифани адо этиш учун нафакат яхши одам, шу билан бирга, эртаю кеч жон куйдириб ишлайдиган, кўзлаган ишини охирига етказмасдан туриб, ўзи ҳам тинмайдиган, бошқаларга ҳам тинчлик бермайдиган, ҳаётда катъий принципларга эга бўлган инсон керак.

Нега деганда, раҳбар ўз фаолиятида талабчанлик, керак бўлса, қаттиққўллик кўрсатиб, билими ва тажрибаси, дунёкараши, фидойилиги билан бошқаларга намуна бўлиб, ҳақиқий эл-юрт етакчисига айланма-

са, ишда хеч қандай силжиш ҳам, ижобий натижа ҳам бўлмайди.

**И.А. Каримов. Жамиятимизни эркинлаштириш,
ислохотларни чуқурлаштириш,
маънавиятимизни юксалтириш ва
халқимизнинг хаёт даражасини
ошириш – барча ишларимизнинг
мезони ва мақсадидир. Т-ХV.
Т.: Узбекистон, 2007. 63–65-бетлар.**

* * *

Ўзимизни яқин тарихимизда, мустақилликни қўлга киритиш, уни ҳимоялаш ва ҳар қандай хавф-хатарлардан асрашда, янги давлат, янги жамият асосларини барпо этиш ва юртимизнинг тараккиётини таъминлашда, бу йўлдаги тўсиклар, қийинчилик ва муаммоларни ечишда, халкнинг тинчлиги ва осойишталигини асраб, бурнини қонатмасдан, ёруғ мэрраларга олиб чикишда, бир сўз билан айтганда, мана шундай ғоят масъулиятли ва мураккаб вазифаларни бажаришда давлат раҳбарининг роли ва таъсири қандай катта аҳамият ва моҳиятга эга эканини, ўйлайманки, яхши англаб олдик. Ана шу ҳақиқатдан келиб чиқкан ҳолда, бу вазифага ўзини муносиб кўрган одам, хеч шубҳасиз, аввало, ўз табнати, хусусият ва аломатлари билан:

биринчидан, унга ишонган халқнинг ранг-баранглиги, турили миллат ва элатларни ўзида мужассам-лаштирганини ҳисобга олиб, таъбир жоиз бўлса, ўз вужудининг ҳар қайси ҳужайраси билан шу халқнинг узвий ажралмас бир қисми бўлиши, ахолининг дарду ташвишлари, орзу-интилишларини нафакат ўз қалби ва юрагидан ўтказадиган, балки уларнинг ечимини топиш ва ўз вактида окилона ҳал қилишга ақл-идроқи ва таж-

рибаси, куч-ғайрати ва азму шижаоти етадиган инсон булиши шарт.

Иккинчидан, бу вазифага ўзини лойик, деб хисобладиган шахс ўз халқи ва давлатининг миллий манфаатларини наинки тула ифода этиши ва событлик билан химоя қилиши, айни пайтда ҳар қандай гов ва каршиликка карамасдан, уларни рӯёбга чиқариш йўлида бутун борлигини бағишлиши, керак бўлса, жонини фидо қилиши зарур, десам. ўйлайманки, сиз, хурматли анжуман иштирокчилари мени тўғри тушунасиз.

Учинчидан, бу юксак лавозим мамлакатимиз олдида турган бугунги долзарб муаммоларни ечиш, энг муҳими, эртанги стратегик вазифаларни адо этишда, ички ва ташки сиёсатнинг устувор, ҳал қилувчи йўналишларини аниқлаш ва амалга оширишда огох, сезгир ва ҳушёр бўлишни, тез ўзгариб бораётган ҳозирги замонда, глобаллашув жараёнлари тобора кенг тус олаётган ўта таҳликали бир даврда давлат ва жамият бошқарувида умрини ўтаб бўлган, ўзини окламаётган услуб ва тизимлардан бутунлай воз кечиб, фақатгина олдинга интилишни, ўткир онг ва тафаккурни, янгича фикрлаш ва доимий изланиш билан яшашни талаб килади, десам, бу ҳеч кимга сир бўлмаса керак.

Такрор ва такрор айтишга тўғри келади – бундай талаб ва ёндашувнинг негизида факатгина Ўзбекистон манфаати ва яна бир бор Ўзбекистон манфаати туришини хеч қачон унутмаслигимиз лозим.

Энг асосийси танланган йўлнинг афзаллигига одамларни ишонтириш, эл-юргни эзгу ғоялар атрофида бирлаштириш, хаётнинг барча соҳалари буйича пухта ва чукур ўйланган дастур ва режаларни ишлаб чиқишида бош-кош бўлиш, уларни амалга ошириш учун жамоатчиликнинг куч-кувватига таяниб, кечаю кундуз қандай каттик меҳнат қилиш кераклиги ҳакида ортиқча гапириб ўтиришга хожат йўқ, деб ўйлайман.

Албатта, раҳбар учун зарур бўлган бундай ута нозик, ноёб хусусият ва аломатлар, инсоний фазилатлар ҳақида ҳаётнинг пасту баландини биладиган, кўпни кўрган одамлар яна янги фикрларни билдириши мумкин. Лекин ундаи вазифада ўтирган раҳбар унга нисбатан кўйиладиган кўп-кўп талаблар билан бирга, энг муҳими, ўзининг таъсирчанлиги, қатъият ва иродаси билан оммани бошқариши, уни турли қалтис қадамлардан асраб, тўғри йўлга бошлишга, ҳар кандай шароитда ҳам одамларнинг рухини кутариш, лўнда килиб айтганда, ҳар қайси инсоннинг юрагига етиб боришга, унинг кучига куч, ишончига ишонч, ғайратига ғайрат қўшишга кодир бўлиши шарт.

**И.А. Каримов. Мамлакатни модернизация
қилиш ва иқтисодиётимизни
барқарор ривожлантириш
йўлида. Т-XVI. Т.:
Узбекистон,
2008. 76–78-бетлар.**

* * *

Мен, каерда бўлмасин, ўзимнинг кўплаб чикишларимда раҳбарларнинг қатъиятлиги ва ҳалоллиги билан бошқаларга ўrnak бўлиши зарурлиги ҳақида қайта-қайта даъват этишим бежиз эмас, албатта.

Минг афсуски, кўпгина ҳолатларда ўзи шу юртда туғилиб ўсан, унинг сувини ичган баъзи туппа-тузук инсонлар масъул лавозимни эгаллагач, тўрт-беш йил давомида боши айланиб, иродаси сусайиб, ўзини йўқотиб қўйиб, окни корадан ажратишга заиф бўлиб қолар экан.

Бу эса, муҳитнинг бузилишига, адолатсизликка сабаб бўлади. Муҳит бузилган жойда эса, раҳбарга ишонч ва хурмат йўколади, иш ўрнига гурухбозлик, ўзаро зиддият ва низолар кучаяди, юртдан барака кўтарилади.

Ҳар қайси раҳбар – у ҳоким ёки вазир буладими, корхона ёки жамоа бошлиғи буладими – ўз қатъияти ва талабчанлигини қачон ифода этиши, қачон тұла намоён килиши мүмкін?

Қачонки бошқаларга үрнак булиб, хеч кимдан тили кисик бұлмаса, хеч кимнинг олдидә муттаҳамлиги бұлмаса, одамларнинг күзига тик қараб, бошини баланд құтариб юришга қодир бұлса.

Энг асосийси, давлат ва халқ ишонч билдири-ған раҳбарнинг оёғи ердан үзилиб, салбий томонға үзгаришини кимки одамлар сезмайды, билмайды, деб үйласа, қаттық янглишади.

Эл-юрг күп нарсадан хабардор, ҳаммасини кузатади, яхши билади, үз хulosасини чикаради. Натижада, бундай раҳбар одамлар үртасида, жамоа назаридан, халқнинг күз үнгіда үз обрусини йүкотади.

И.А. Каримов. Мамлакатни модернизация
қилиш ва иқтисодиётимизни
барқарор ривожлантириш
йулида. Т-XVI. Т.: Ўзбекистон,
2008. 252–253-бетлар.

* * *

Хеч кимга сир эмас – ҳар қандай раҳбардан, айникса, вилоят ва туман етакчиларидан акл-заковат, ташкилотчилик, талабчанлик ва қатъиятлик каби ҳусусиятлар каторида мавжұд вазиятни бошқаларга қараганда чукурроқ англаш ва узокни қўриш, энг мухими, кеңг камровли фикр юритиш, ҳар қайси ишни бошлашдан олдин унинг оқибатини кўра билиш, карор қабул қилаётганда масъулиятни үз зими-масига олиш, керак бўлган жойда қаттиққуллик курсатиш талаб этилади.

Айни шундай хусусият ва аломатларга эга бўлмасдан туриб, одам ўзини етакчи, раҳбар деб хисоблаши ўзи қийин.

Бу ҳақда гапиргандা, шундай бир ҳолатни ўзимизга тасаввур қилсак, ўринли булади, деб ўйлайман. Раҳбар деган одам ўзини бамисоли кураш майдонидаги саркарда, деб фараз қилиши керак. Бошқача айтганда, саркарда кураш майдонининг пасту баландини, хавф-хатар кайси томондан келишини қандай тасаввур қилса, раҳбар ҳам ўзи бошқараётган худуднинг шарт-шароитини, унинг барча жиҳатларини ва мавжуд муаммоларни беш кўлдай билиши зарур.

**И.А. Каримов. Мамлакатни модернизация
қилиш ва иқтисодиётимизни
баркарор ривожлантириш
йўлида. Т-XVI. Т.: Ўзбекистон,
2008. 272–273-бетлар.**

* * *

Биринчи раҳбардан одамларнинг кўнглига етиб бориш, уларни рози қилиш, амалий режалар атрофида бирлаштириш, эртанги кунга ишонтириш, катта мэрралар сари сафарбар этишни талаб қиласди. Бугунги тажриба, бугунги хаёт шуни кўрсатмоқдаки, бундай юксак хусусият ва аломатларга эга бўлиш ҳар қандай раҳбарга ҳам берилмас экан.

**И.А. Каримов. Мамлакатни модернизация
қилиш ва иқтисодиётимизни
баркарор ривожлантириш
йўлида. Т-XVI. Т.: Ўзбекистон,
2008. 273-бет.**

Шуни очик айтиш керакки, раҳбарнинг иш фаолиятида кенг миқёсда фикр юритиш, қарор қабул қилишда масъулият ва жавобгарликни ўз зиммасига олиш, принципиаллик хусусиятлари етишмади. Ўзини ҳам, бошқаларни ҳам аямасдан ишлаш, ишлатиш кайфияти умуман намоён бўлмади.

Хеч кимга сир эмаски, ҳокимнинг талабчанлиги ва катъияти етарли бўлмаса, у талаб қилиш ўрнига кузатувчи булиб турса, бундай вазиятда нафакат унинг бевосита қўл остида ишлайдиган ходимлар, балки жойлардаги раҳбарлар томонидан ҳам ўз вазифасига совукконлик билан қараш, ўзибуларчиликка берилиб кетиш ҳолатлари кучайиши мукаррар.

Етакчи лавозимга сайланган шахс унга йшонч билдирган одамларнинг дарду ташвишларини ўз қалвидан, юрагидан ўтказиб, мавжуд муаммоларнинг ечимини тошишга бош-кош булишга ҳар томонлама кодир булиши шарт.

**И.А. Каримов. Мамлакатни модернизация
қилиш ва иқтисодиётимизни
барқарор ривожлантириш
йулида. Т-XVI. Т.: Ўзбекистон,
2008. 310–311-бетлар.**

* * *

Бой ва кўхна тарихга, улкан салоҳиятга, авваламбор, интеллектуал салоҳиятга эга бўлган бир вилоятга раҳбарлик қилиш нақадар мураккаб ва масъулиятли эканлигини барчамиз яхши тушунар эдик. Бошқача айтганда, бу ўта муҳим вазифа раҳбар олдига қандай юксак талаблар қўйишидан келиб чиқкан ҳолда, бу шахс ўз устида ишлаб, вилоят фаоллари ва депутатларига, мутахассисларга суюниб-таяниб, билмаганини ўрганиб, шу асосда

тажриба орттириб, воҳанинг муаммоларини ечиш, вилоятнинг обруига обруқ ўшишда бутун борлигини бериб ишлайди, деб ўйлаган ва синов тариқасида уни шу лавозимга тайинлаган эдик.

Аммо бугун афсус билан айтиш керакки, ана шу лавозимга ўтиши, кўлида катта ваколат пайдо бўлиши, олдида янги имкониятлар очилиши билан бу одамнинг боши айланиб, оёғи ердан узилиб, бошқаларнинг, аввало, ўз мувонилари, вилоят ташкилотларининг раҳбарлари, шахар ва туман ҳокимлари, жамоатчиликнинг фикри билан ҳисоблашмасдан, манманлик ва ўзбошимчаликка берилиб кетгани, бир сўз билан айтганда, ўзига нисбатан талабчанлик ва назоратни йўқотгани намоён бўла бошлади. Айниқса, унинг иш услубида бошқаларни менсимаслик, ўзини ҳаммадан устун қўйиш, қўполлик ҳолатлари кучайиб боргани кўплаб эътиrozларга сабаб бўлаётгани ҳам сир эмас.

Энг номаъкул томони шуки, унинг хатти-харакатларида эл-юрг ишонч билдирган раҳбарга мутлако тўғри келмайдиган аломатлар, яъни одоб ва ахлоқ нуктаи назаридан кўпчиликка ўrnak бўлиш ўrniga, бу талаблардан йирок бўлиб юриш, маънавий чегарадан чикиш ҳеч чидаб бўлмайдиган даражага етиб борганини кўп мисоллар тасдиқлайди. Нафс балосига гирифтор бўлиб, кингир-кйшик, жиноий ишларга берилиб кетгани, кўпорувчи ишлар билан шуғулланувчи шахсларга унинг оталик қилгани кўп нарсани, аввалимбор, унинг ички дунёсини ифодалайди.

Албатта, вилоятнинг биринчи раҳбари томонидан йўл қўйилган ўзбошимчалик, бундай хунук ҳолатлар ҳакида бугун кўпгина маълумотларни келтириш мумкин ва ҳеч шубҳасиз, буларнинг барчаси бўйича вакти-соати билан қонун асосида баҳо бсрилади ва жамоатчиликка маълум қилинади.

Табиийки, вилоят ана шундай хатти-харакатлари, масъулият ва жавобгарликни бутунлай унтиб кўйгани бу ҳудуддаги ишларнинг ахволига, маънавий мухитга, энг ёмони, ҳокимиятнинг обру-эътиборига, одамларнинг адолатга бўлган ишончига салбий таъсир курсатишни тасаввур қилиш кийин эмас. Ҳаётнинг узи шуни тасдиқлаб берадики, юкори погоналарда тартиб-интизом, талабчанлик бўшашиб, узибўларчиликка йўл очиб берилса, жойларда уз вазифасини сунистеъмол килишлар, порахурлик ва бузгунчиликка йўл очилади.

**И.А. Каримов. Мамлакатни модернизация
қилиш ва иқтисодиётимизни
барқарор ривожлантириш
йулида. Т-XVI. Т.: Ўзбекистон,
2008. 331–333-бетлар.**

* * *

Лўнда қилиб айтганда, бугун дунёда рўй бераётган жараёнлар, ҳар қайси ҳудуд ва миңтақамизда амалга оширилаётган ўзгаришлар барчамиздан янгича қараш ва тафаккурни, ташаббускорлик ва фидойиликни янада кучайтиришни талаб киласди.

Ҳар қайси одам, аввало, раҳбарлар уз фаолиятига баҳо берганда, бутун килаётган ишларимиз, барча ислоҳотларимиз ким учун, нима учун, уларнинг негизида нима турибди, деган савонни ўзига такрор ва такрор беришини истардим. Яъни бугун барчамизга яхши таниш бўлган фикр – “Ислоҳот ислоҳот учун эмас, аввало, инсон учун, унинг манфаатлари учун”, деган қараш ҳар қайси етакчининг фаолиятида, у раҳбарлик киласидаган корхона ёки муассасада уз тасдиғини топяптими, йўқми, деган савол доимо эътиборимиз марказида туриши керак.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, юртимизда сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий соҳаларда амалга

оширилаётган оламшумул ўзгаришлар, хеч шубҳасиз, катта аҳамиятга эга. Лекин оддий одам бу ўзгаришларни ўз кундалик турмушида, ўз дастурхонида, яқинлари, дўсту биродарларининг ҳаёти мисолида кўрмаса, барча килган ишларимиз бехуда, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Шу маънода, биз нимаики кильмасак, қандай вазифада ўтирмасак, барчамиз ана шундай аччик ҳақиқатнинг магзини, таъбир жоиз бўлса, тўккиз пулдай чакиб, тушуниб, англаб олишимиз керак.

И.А. Каримов. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъмишлаш бизнинг олий мақсадимиз. Т-XVII. Т.: Узбекистон, 2009. 68–69-бетлар.

* * *

Рахбар дегани қузатувчи эмас, авваламбор, барча ишларга бош-қош бўладиган, масъулият ва жавобгарликни ўзига оладиган, оғир пайтда бошқаларга намуна бўладиган, ташкилотчи, керак бўлса, одамларни ўз ортидан эргаштиришга қодир, куч-кудрати ва иродаси бақувват инсон бўлиши шарт.

Бошқариш учун раҳбардан катта билим ва тажриба, ташкилотчилик салоҳияти, энг муҳими, кўп миллатли бу воҳада одамлар билан тил топишиб ишлай олиш талаб килинади.

И.А. Каримов. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъмишлаш бизнинг олий мақсадимиз. Т-XVII, Т.: Узбекистон, 2009. 84–85-бетлар.

* * *

Сессияда таъкидланганидек, ушбу (бандлик – Ў.Н.) масалага жавобгар бўлган раҳбар ва ходимларнинг —

бу вилоят даражасида, шахар ёки туман даражасида бўладими – биринчи навбатда, уларнинг масъулиятини алоҳида қўриб чиқиш зарур. Қайси туман, қайси шахар, қайси раҳбар бу масалага совукконлик билан қараётгани бўйича тегишли хulosалар чиқариш даркор. Ахир ҳар қайси ишсиз юрган одам учун, энг муҳими, энди ҳаётга кириб бораётган ёшларимиз учун бу масала ўзининг касбу хунарига қараб муносиб иш топиш, муносиб ҳақ олиш, ўз ҳаётини, оиласини тебратиши учун, эртаниги кунини қўриши учун нақадар муҳим, нақадар ўткир савдо эканини, авваламбор, биз, ҳалк ишончига сазовор бўлган раҳбарлар тушунишимиз, англашимиз, юракдан ўtkaziшимиз зарур эмасми?..

Шуни очик айтиш мумкин: бугунги кунда ҳар қайси шахар ва туман раҳбаридан улар бошқараётган худудда канча одам ишсиз юргани ва иш кидираётгани, ким доимий иш билан, ким вақтинчалик иш билан бандлиги ҳакида, ишсизликнинг даражаси ва улуши ҳакида сўрасангиз, аник-равshan жавоб ололмайсиз. Ваҳолонки, бугунги кунда, жойлардаги мавжуд вазиятга салбий таъсир ўтказадиган сабаблар ҳакида гапирганда, айнан шу масала энг ўткир булиб турганини англаш, масъулиятни сезиш вақти келмадими?..

Жиноятчиликка қарши кураш соҳасида кўзта ташланәётган, чидаб бўлмайдиган энг нохуш ҳолатлар – бу кўзбўямачилик, салбий курсаткичларни сунъий равишда пасайтириш, хукукни муҳофаза килувчи органларнинг шахсий таркиби томонидан хизмат вазифасини сунистеъмол килиш билан боғлик. Хусусан, пора олиш ва та-магирлик туфайли жиноий жавобгарликка тортилганлар орасида 21 нафар ички ишлар ходими, 6 нафар прокуратура ва суд ходими борлиги вилоятда бу борада тартиб-интизом, талабчанлик ва назоратнинг бўшаштириб юборилганидан дарак беради.

Юкорида зикр этилган камчилик ва муаммоларнинг барчаси охир-оқибатда бир масалага, яъни вилоятнинг бошқаруви, авваламбор, биринчи раҳбар фаолиятига,

унинг иш услубидаги камчиликларга бориб боғланади. албатта.

Вилоят ҳокими ўз фаолиятининг дастлабки даврида вазиятни ижобий томонга ўзгартириш, вилоятни ижтимоий-икгисодий ривожлантириш масаласида бирмунча ҳаракатлар бўлди. Лекин кейинчалик унинг фаолиятида ишга масъулиятызлик билан ёндашиш. вилоятдаги мавжуд муаммоларни ҳал этишда бепарволник ва сусткашлик, эришилган натижалардан қоникиш ҳолатлари кўзга ташлана бошлади.

Ишга бундай лоқайд муносабат қандай салбий оқибатларга олиб келганини юкорида зикр этилган мисоллар якъол тасдиклайди. Бу мисолларни давом эттириб, кадрлар масаласида, яъни вилоят, шахар ва туман дарражасидаги кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишда, аввалимбор, уларнинг қобилияти, билим ва тажрибаси, ишни билиши, салоҳияти ва истикболини ҳар томонлама ўрганиб, бамаслаҳат қарор кабул қилишда жиддий камчиликларга йўл қўйилгани ҳакида кўп фактларни келтириш мумкин.

Вилоятда замонавий билим ва профессионал малякага, ташкилотчилик қобилиятига эга бўлган ёш кадрларга ишонч билдириш, уларнинг йўлини очиб бериш ўрнига масъул лавозимларга бугунги кун талабларига жавоб бермайдиган номзодларни тавсия этишдек номақбул тажриба қўлланиб келган.

Вилоят ҳокимининг иш фаолиятида кузатилган яна бир жиддий камчилик шуки, ушбу заминдаги нуфузли олий ўкув юртлари, илмий тадқиқот марказлари, маданият муассасаларида меҳнат килаётган, ўз ҳаётини илм-маърифатга бағишлиган захматкаш олимлар, санъат ва маданият намояндалари, шу юртнинг ҳакиқий фидойилари бўлган инсонларга, уларнинг дарду муаммоларига эътибор бериб, илмий-ижодий изланишлари, бой салоҳиятини вилоятни равнақ топтириш йулида бирлаштириш, сафарбар этишга унинг курби етмади.

Вилоят ҳокимида бугунги раҳбардан замоннинг ўзи таълаб қилаётган мудим ҳусусийлар, аввалимбор,

кенг микёсда фикрлаш, ён-агрофидаги фаолларга суюниб-таяниб, уларнинг бошини қовуштириб ишлаш, багрикенглик аломатлари ва ҳаётий тажриба етишмаслиги намоён бўлди. Буларнинг барчаси вилоятда бир ёқадан бош чиқариб, бир-бирига елкадош бўлиб ишни бошқариш ўрнига қўпгина хато, нуқсон ва камчиликларга йўл қўйиншига сабаб бўлди.

Вилоят олдида турган ута мухим ва масъулиятли вазифаларни, авваламбор, шаҳар ва туманларнинг иктисадиётини, социал соҳани ривожлантириш, аҳолининг оғирини енгил килишда бундай яроқсиз иш услуги үзининг салбий таъсирини ўтказмасдан колмади.

... Сен бошқарган, сенга ишонч билдирган аҳоли, эл-юрт, жамоатчилик ҳамма нарсани кузатади, ҳамма нарсадан хабардор, ҳамма нарсани англайди ва вакти келгандан тегишли хулоса чиқаради.

Бу дунёда ҳар кайси инсон баҳтли бўлишни, муносиб ҳаёт кечиришни истайди. Ҳалқимизнинг шу борадаги эзгу орзу-интилишларини рӯёбга чиқариш, эл-юртимиз учун ҳеч кимдан кам бўлмаган ҳаёт даражасини таъминлаш йўлида ўзимизни аямасдан меҳнат қилиш биз — раҳбар ва фаолларнинг нафакат вазифамиз, айни вактда муқаддас бурчимиздир.

**И.А.Каримов. Демократик ислоҳотларни янада
чуқурлаштириш ва фуқаролик
жамиятини шакллантириш
мамлакатимиз тараққиётининг
асосий негизидир.
Т-XIX. Т.: Ўзбекистон,
2011. 164–172-бетлар.**

* * *

Ёшлар — бизнинг келажагимиз, эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучи, деб кўп гапирамиз. Бугун кучкувватга тўлиб, ҳаётга катта орзу-умидлар билан кириб кепайтган ўғил-қизларимизни муносиб иш билан таъ-

минлаш, уларнинг йулини очиб бериш – ота-она, устоз ва раҳбар сифатида бизнинг нафакат вазифамиз, балки асосий бурчимиз бўлиши зарур, мана шу ҳақиқатни ҳеч качон унутмаслигимизни истардим.

**И.А.Каримов. Демократик ислоҳотларни янада
чуқурлаштириш ва фуқаролик
жамиятини шакллантириш
мамлакатимиз тараккиётининг
асосий негизидир.
Т-ХIX. Т.: Ўзбекистон,
2011. 81-бет.**

* * *

Вилоятнинг ижтимоий-иктисодий ҳаётида йул кўйилаётган камчилик ва нуксонлар ҳақида яна кўп гапириш мумкин, ўйлайманки, бу залда ўтирган фаолларимиз ҳам мавжуд оқсокликлар ва уларнинг сабаблари ҳақида яна қўшимча мисоллар келтириши кийин эмас. Лекин, менинг назаримда, юкорида кўрсатилган камчиликларнинг асосий сабаби вилоят раҳбарлари, аввало, вилоятнинг биринчи раҳбари масъулияти ва иш услуби билан боғлиқдир.

Албатта, у вилоят раҳбари сифатида иш бошлаган дастлабки даврда ижтимоий-иктисодий соҳаларни ривожлантириш, олиб борилаётган ислоҳотлар самарадорлигини ошириш бўйича анча харакат килди ва бу йўлда эришилган натижаларда унинг ҳам ҳиссаси бўлганини бутун холисона тан олишимиз керак.

Шу билан бирга, вилоятда йўл қўйилган камчилик ва нуксонларда бир вакт бошлаган ишларни изчил суръатлар билан давом эттириш учун аҳолини, мутахассис ва фаолларни кенг жалб этиш, энг муҳими, туманлар раҳбарларининг бошини ковуштиришда ишларнинг смараси сусайиб кетиши вилоят ҳокимига боғлиқ эканини қайд этиш лозим.

Унинг иш фаолиятида талабчанлик ва масъулиятнинг бўшашиб, ташаббус ва изланишнинг етишмаслиги каби холатлар кучайиб бораёттанини кузатиш қийин эмас. Бундай холат, кўп марта огоҳлантиришга қарамасдан, афсуски, кўпдан буён давом этиб келмоқда...

Бу ҳақда, раҳбарнинг маҳорати ва усталиги ҳақида сўз юритар эканмиз, бир фикрга алоҳида ургу бериб айтмоқчиман... Ҳар қайси бошланган ишнинг самараси ва пировард натижаси, авваламбор, шу ишга бел боғлаган фаоллар ва раҳбарларнинг ўз олдига кўйган мақсадларига эришиш учун, таъбир жоиз бўлса, ягона бир мушт бўлиб майдонга чиқишига, энг асосийси, етакчининг, ҳар қайси ходимнинг билими ва тажрибасини, узига хос аломатларини била туриб, уларни умумий мақсадга интилган кучга айлантира олишига, уларнинг гайрати ва имкониятларига суюниш, вақти келганда талабчан булиш, керак бўлса, қаттиқўл булиш, шу билан бирга, ўз қўл остида ишлаётган одамларни қуллаб-қувватлашга, химоялашга қодир булишига боғлик.

Яна бир муҳим масала борки, у ҳақда ҳам эслатиб утишни жоиз, деб биламан. Туман, шахар ёки вилоят микёсида эришилган барча ютуқларни ҳар қайси раҳбар ўзининг номи билан боғлайдиган бўлса, ўринли-ўринисиз мактаниб гапирадиган бўлса, биринчидан, бундай холат жуда хунук куринади, иккинчидан, бу раҳбарга ҳеч қачон обру келтирмайди. Бу ҳақиқатни, ўйлайманки, барчамиз жуда чукур англааб олишимиз даркор.

Бу гаплардан битта холоса чиқариш мумкин. Бугун жуда тез ўзгариб бораётган замоннинг ўзи ҳаммамизнинг олдимизга улкан ва ўта масъулиятли вазифаларни кўймоқда. Нафакат бугунги ҳаёт билан ҳамқадам бўлиб яшаш, балки эртага йўлимизда пайдо бўлиши мумкин бўлган муаммо таҳдидларнинг, бошимизга тушиши мумкин бўлган савдоларнинг ечимини ҳозирдан ўйлаб яшашимизни талаб килмоқда. Бинобарин, раҳбарлик ва-

зифасида ўтирган ҳар қайси одам ўз масъулиятини юз карра күпроқ сезиши даркор.

И.А.Каримов. Бизнинг йўлимиз демократик ислохотларни чукурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир.

**Т-ХХ. Т.: Узбекистон,
2012. 56–59-бетлар.**

* * *

Ҳаммамиз яхши биламиз, кейинги йилларда шахримизда эришилган ютуклар билан бирга, ишда йўл қўйилган камчилик ва нуксонлар, одамларнинг норозилигига сабаб булаётган, ҳали-бери ечилмасдан келаётган турли муаммолар ҳам, афсуски, йўқ эмас.

Бу ҳақда гапирганда, биринчи навбатда, шаҳар ва туман раҳбарлари, барча фаолларимиз қулини холисона қўксига қўйиб, ўзига ўзи ҳисоб бериши, бу камчиликларни бартараф этиш тўғрисида бош котириши ҳам қарз, ҳам фарздир. Бундай нуксонларни шу залда ўтирганларнинг кўпчилиги яхши билади, минг-минглаб ҳамшаҳарларимиз ўз кундалик ҳаётида бу муаммоларга доимо дуч келади.

Аввало, одамларни рози қилиш, аҳолининг ташвишларидан узок бўлмаслик, унинг дарди билан яшаш ҳар қайси раҳбардан ўз ишига танқидий қараб, мен шу талабларга жавоб беряпманми ёки йўқми. Деган саволни ўзига беришни, ўз масъулиятини ошириш, зиммасига юклатилган вазифани ўз вактида бајариш ва қонунга сўзсиз итоат қилишни такозо этади.

Шаҳримизда фукароларнинг давлат идораларига мурожаатлари, шикоят ва аризаларига муносабат масаласида ҳам камчиликлар йўқ эмас. Албатта, бундай мурожаатлар белгиланган тартибда куриб чиқилмоқда, уларга жавоб ҳам берилмоқда. Лекин таҳлиллар баъзан шаҳар ва туман ҳокимиликлари мутасаддилари томонидан бу масалада сансол ўрлиқ ва расмиятчилик, камчиликларни ўз

вактида бартараф этмасдан, айбдор мансабдор шахсларга нисбатан тегишли чоралар кўрмаслик ҳолатлариға йўл кўйилганини кўрсатмоқда...

Бу ҳақда гапирганда, мана шундай мажлис ва учрашувларда кўп бор айтиладиган, кўп қарорларда кайд этилган бир фикрни таъкидлаш лозим. Яъни ҳар қайси мурожаатнинг ортида тирик жон турибди, уларда кимнингдир арз-доди, керак бўлса, дарди, айрим амалдорлар томонидан йўл кўйилган адолатсизлик турганини ҳеч качон унумаслик лозим. Бу масалалар бўйича биз канча локайд ва бетараф булиб юрсак, одамларнинг норозилиги шунча кўпаяди. Такрор айтаман, юзага келган бирон-бир муаммо ўз-ўзидан ҳал бўлади, деган кайфият билан юриш жуда катта хато бўлади. Агарки ҳар қайси раҳбар, етакчи ўзи дуч келган муаммони бугун ечмаса, эртага кеч бўлади. Раҳбарнинг асосий бурчи ва вазифаси ҳам айнан ана шундан иборат.

**И.А.Каримов. Бизнинг йўлимиз демократик
ислоҳотларни чуқурлаштириш
ва модернизация жараёнларини
изчил давом эттириш йўлидир.**

**Т-ХХ. Т.: Ўзбекистон,
2012. 227–229-бетлар.**

Барчамиз яхши тушунамиз, яхши англаймиз: шахримизга раҳбар, етакчи булиш, аввало, кўп миллатли пойтахт ахлини бирлаштириш, ишни оқилона ташкил этиш, шаҳар ва туман раҳбарлари, маҳалла оқсоколларининг бошини ковуштириш, уларга суюниш ва таяниш, депутат ва фаолларни умумий максад йулида сафарбар килиш, энг муҳими, шу азим шаҳарда истикомат қиласётган ҳалқнинг ҳаёт сифатини юксалтириш, уни рози килиш – сўзсиз ўта оғир ва мураккаб вазифадир.

**Аввало, инсон омили ўзи нима, деб сураса, мен
кишилиқ тарихида, жумладан, Ўзбанимиз тарихи-**

да барча моддий, маданий бойликларнинг бунёдкори, тарақкиётнинг етакчи кучи сифатида намоён бўладиган инсоннинг, халқимизнинг куч-кудрати, ақл-заковати, билим ва тажрибаси, салоҳиятига алоҳида эътибор қаратган бўлардим. Ҳақиқатан ҳам, тарихда халкнинг, Ватаннинг истиқболи, иқболи қандай булиши ҳакида чукур ўйлаб, бу масаланинг турли томонларини ўзига тасаввур килиб, тўғри қарор қабул килишда, авваламбор, инсон ҳал қилувчи куч бўлган.

Бу фикрнинг замирида жуда чукур маъно бор. Бир вактлар, мустабид совет даврида мактабларда бизнинг онгимизга «Бу дунёни доҳийлар бошкаради», «Доҳийлар йўлбошлилик киласи ва уларнинг жуда акли, узокни кўзлаган сиёсати одамзодни ҳар қандай бало-қазолардан асрайди, миллионларнинг тақдирини ўз қўлига олиб, уларни, албатта, порлок келажакка адаштирумасдан олиб боради», деган фикрлар тинимсиз сингдирилар эди.

Мана, совет даврининг тугаганига ҳам 21 йил бўляпти. Бизнинг ён-атрофимиздаги баъзи давлатларда мана шу фикрларнинг амалдаги нохуш қўриниши, намуналари, афсуски, ҳали-бери кўзга ташланяпти. Уларни кўрмокчи бўлган одам қўряпти.

«Доҳий» деган, «миллатбоши» деган ёки шунга ўхшаш бошка иборалар айтиляпти, буларнинг барчаси одамни ўтмиш сабоклари ҳакида, хоҳлайдими-йўқми, ўйлашга мажбур этади.

Шу нуктаи назардан қараганда, яна бир бор айтаман, бундай номакбул ҳолатлардан биз, албатта, тўғри сабок чиқариб, бундай қўринишларнинг ҳаётда нафакат фойдаси бўлмаслиги, аксинча, жуда катта зиёни борлигини ёшларимизга тушунтиришимиз ва бунга йўл кўймаслигимиз керак.

Мен халқимизга, авваламбор, ёшларимизга мурожаат килмоқчиман. Нега деганда, келажак — ёшларники. Биз эртанги кунни ким учун қуряпмиз — ёшларимиз учун қуряпмиз. Лекин эртанги кунимизнинг миллий табиатимизга, ҳаётнинг юриши, ҳаётнинг бориши бизнинг мақсад-муддаоларимизга мос булиши учун, ўз олдимиз-

га қўйган мэрраларга эришишимиз учун, биринчи навбатда, масъулиятни ким зиммасига олиши керак? Албатта, ёшлар олиши керак!

Шу маънода айтадиган бўлсак, тарихни дохийлар яратмайди, тарихни халқ яратади, бунёдкор инсон яратади. Бу фикр курук шиорга айланмасдан, амалий бир дастурга, фаолиятимиз мезонига айланса, мақсадга мувофиқ буларди.

Ҳар қайси одам тарихни, айниқса, уз юрти тарихини яхши билиши керак. Бу тарихдан чикадиган сабок ва хуносаларни ҳам ўзига тўғри тасаввур қилиши керак.

Менга буюрса, мамлакатимизнинг барча ўкув юртларида шу масалаларни маҳсус дарс соатлари оркали болаларимизга, менинг фарзандларимга атрофлича етказган бўлардим. Агарки халқ бўлмаса, халқ қўллаб-куватламаса, унинг хоҳиш-иродаси, орзу-интилишларини ифода этмаса, дохийнинг ўзи ҳеч нарса қилолмайди. Агарки ўзининг амалий ишлари билан халкнинг ишончини қозона олмаса, ҳар қандай дохийнинг ҳам кўлидан бир иш келмайди.

Беихтиёр савол туғилади: нима учун ўзини дохий сабаб, шунга маст бўлиб юрган одамларнинг хаёлига, менсиз ҳам бу халқ бор эди, мендан кейин ҳам бўлади, деган фикр келмайди? Раҳбарлар келиб кетаверади, Ватан ва халқ абадий қолади. Мен бу сўзларни илгари ҳам айтганман.

Мен бўлмасам, бу халқ ҳеч қачон баҳтли бўлмайди, деган фикрга бориш, ўзини халқдан ҳам юкори қўйиш — бундай манманлик қандай ёмон оқибатларга олиб келиши мумкинлигини ўзини дохий деб хисоблайдиган одамлар йўлайдими, йўқми?

И.А.Каримов. Бизнинг йўлимиз демократик ислохотларни чукурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир.

**Т-ХХ. Т.: Узбекистон,
2012. 259–262-бетлар.**

Биз ўз олдимизга қўйган юксак ва эзгу мақсадга етиш, яъни ривожланган мамлақатлар каторидан ўрин эгаллашимиз учун, аввало, жуда тез ўзгариб бораётган замон билан ҳаминафас бўлиб яшашимиз лозим. Бугун ҳар қачонгидан ҳам мураккаб ва қескин бўлиб бораётган ҳаётнинг ўзи олдимизга улкан ва ўта масъулиятли вазифаларни қўймокда. Нафақат бугунги ҳаёт билан ҳамқадам бўлиб яшаш, балки эртага йўлимиизда пайдо бўлиши мумкин бўлган турли муаммо ва таҳдидларни бартараф этиш ҳақида ҳозирдан ўйлаб яшашимизни даврнинг ўзи талаб килмокда.

Мана шундай шароитда эл-юртни бирлаштириб, керак бўлганда меҳр кўрсатиб, керак бўлганда қаттиқкўл бўлиб, аввало, давлат ва жамият манфаатини биринчи ўринга қўйиб ишлашга қодир бўлган раҳбарга кўп нарса боғлиқ эканини тушуниш, англаш қийин эмас.

Кўпни кўрган, доно ҳалқимиз ўз меҳнати, окилона раҳбарлиги, инсоний фазилатлари билан ҳаётда из колдирган етакчиларни доимо хурмат билан эслайди. Шу билан бирга, ўз лавозимига лойик бўлмаган, ўзига билдирилган юксак ишончни оқламаган одамларни ҳам эсидан чиқармайди.

Ҳалқимизнинг «Яхшидан боғ қолади, ёмондан доғ қолади», деган чукур маъноли мақоли бежиз айтилмаган. Мен бу сўзларни эл-юртимиз олдида, аввало, ёшларимиз олдида такрор ва такрор айтишни ўринли, деб биламан.

Айтиш керакки, кечаги замонда раҳбарларга нисбатан талаб бошқача эди, бугун эса бутунлай бошқача. Бугун раҳбарлик вазифасида ўтирган ҳар қайси одам ўз масъулиятини ўн карра, юз карра кўпроқ сезиши даркор.

Раҳбар бошқаларга талаб қўядиган бўлса, савол туғилади: “Хўп, оғайни, бу масалани бошка томондан кўрайлик, яъни сиз ўзингиз шу талабларга лойикмисиз?” Ҳар бир раҳбар бу саволни, аввало, ўзига бериб, унга жавоб топиши керак.

Бошқалардан ҳалоллик, покликни, адолатли бўлиш, ошна-оғайнигарчилик, маҳатлийчиликка берилмаслик-

ни талаб қилиш ҳакида кўп гапириш мумкин. Лекин одамлар ҳамма нарсани, яъни ким бу талабларга виждан амри билан, амалий ишлар билан жавоб берадиганини, ким эса хўжакўрсинг ишлар билан, «кун ўтса – бас» деб юрганини жуда яхши билади, яхши сезади.

Ҳар қайси раҳбар бу масалани чукур тушуниб етиши, аввало, нафс балосига берилиб кетмаслиги, одамларни менсимасдан, оёғи ердан узилмаслиги лозим. Шундагина у эл-юрт ишончини қозониши, ҳалқни юксак максадлар сари сафарбар эта олиши мумкин.

Олдимиизда турган юксак марраларга эришиш учун ҳаммамиз ҳамжихат бўлиб, белни маҳкам боғлаб меҳнат қилишимиз, юртимизда ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат мухитини янада мустаҳкамлаш учун бир тану бир жон бўлиб яшашимиз лозим. Бугун ўзбек ҳалкининг замони келди, Узбекистоннинг замони келди, маррани баланд қўйиб яшайлик, шундагина эртанги кун, келажак бизники булади.

**И.А.Каримов. Бизнинг йўлимиз демократик
ислохотларни чукурлаштириш
ва модернизация жараёнларини
изчил давом эттириш йўлидир.**

Т-ХХ. Т.: Ўзбекистон,
2012. 196–299-бетлар.

* * *

Биз ҳалқимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслиги, фарзандларимизнинг биздан кура кучли, билимли, доно ва, албатта, баҳтли бўлиб яшаши учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этаётган эканмиз, бу борада маънавий тарбия масаласи, ҳеч шубҳасиз, беқиёс аҳамият қасб этади. Агар биз бу масалада ҳушёрлик ва сезгиригимизни, қатъият ва масъулиятимизни йўқотсан, бу ўта мухим ишни ўз ҳолига, ўзибўларчиликка ташлаб қўядиган бўлсан, муқаддас қадриятларимизга йўғрилган ва улардан озикланган маънавиятимиздан, тарихий хотирамиздан айри-

либ, охир-оқибатда үзимиз интилган умумбашарий тарақкиёт йулидан четга чиқиб қолишимиз мүмкін.

**И.А. Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч.
Т.: Маънавият, 2009. 4-бет.**

* * *

Агарки мендан: “Хозирги кунда маънавиятизни асраш учун нима қилиш лозим ва унга таҳдид соладиган хуружларга нимани қарши қўйиш керак”, – деб сўраса, мен: “Авваламбор, шу юртда яшаётган ҳар қайси инсон ўзлигини англаши, қадимий тарихимиз ва бой маданиятизиз, улуғ аждодларимизнинг меросини чукурроқ ўзлаштириши, бугунги тез ўзгаётган ҳаёт воқелигига онгли қараб, мустакил фикрлаши ва диёrimиздаги барча ўзгаришларга дахлдорлик туйғуси билан яшаши зарур”, – деб жавоб берган бўлардим.

Ишончим комилки, ана шундай ноёб инсоний фазилатларга, юксак маънавиятга эга бўлган халқ хеч қачон қарам бўлмайди, ўзининг эзгу мақсадларига албатта етади.

**И.А. Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч.
Т.: Маънавият, 2009. 17-бет.**

* * *

Албатта, улкан салоҳиятга эга бўлган, мамлакатимизда етакчи ўрин тутадиган вилоятни бошқариш, раҳбарлик қилиш, унинг кўп тармокли иктисадиётини баркарор суръатлар билан ривожлантириш, ахолининг ҳаёт даражасини юксалтириш – бундай вазифаларни удалаш оғир ва ўта масъулиятли ишдир.

Эътироф этиш керакки, вилоят ҳокимининг иш фолияти давомида дастлаб вилоят тарақкиёти йулида. кўпгина муаммоларни ечишда амалий ҳаракат ва ижобий ишлар кузатилди. Лекин охирги йилларда унинг ишга

муносабати ўзгарди, ўзига нисбатан талабчанликни бўшаштириб, хотиржамлик, ўзибуларчилик кайфиятига берилиб, вилоят раҳбари ва етакчиси сифатида масъулиятни йўқотишга йўл қўйди. У ўзига нисбатан билдирилган кўпгина огохлантириш ва танкидий гаплардан холоса чикармади, ахволни ижобий томонга ўзгартириш ҳакидаги ваъдалари курук гап бўлиб колаверди. Ўз қўлида ишлайдиган кўпгина муовин ва мутахассисларнинг, фаолларнинг бошини қовуштириш, уларга бир кўз билан караш, уларни бирлаштириш ўрнига, қўл остида гиларга юкоридан караш, менсимаслик, кўпол муносабатда бўлишни ўзига маъкул топди.

Албатта, одамлар ҳар хил бўлади, уларнинг юриш-туриши, феъл-атвори ҳам бир-биридан фарқ қиласди. Лекин раҳбар бўлиб масъулиятни ўз зиммасига олган одам, ёқадими-йўкми, ҳар кайси ходимга, аввало, ишнинг манфаатини кўзлаб, тўғри баҳо бериши керак.

Вилоят ҳокимининг ана шундай мезонлар асосида ўзидан олдин ишлаган раҳбарларнинг хатоларидан холоса чиқариб олмагани, умумий ишга зиён етказгани ҳакида кўп гапириш мумкин.

Биз, одатда, бирон-бир раҳбарнинг оддий одамлар орасидан чикканига эътибор берамиз, лекин, афсуски, нафс балоси уни бузади, натижада, боши айланиб, оёғи ердан узилади, асосан, хушомадгўй одамлар, раҳбарлар соясида юриб бирор нарса ортиришни ўйлайдиган кимсалар бунга сабаб бўлади. Менга қолса, раҳбарга эмас, уни бузадиган ана шундай одамларга жазо берган бўлардим.

Мухтасар килиб айтганда, мамлакатимиздаги марказий бир худудни бошкариш, одамлар билан тил топишиб, уларнинг ишончини қозониб, обру ортириш, улкан мақсадлар сари сафарбар этиш учун, Р. Холматовга кенг миёсда фикрлаш, узокни куриш, улкан салоҳиятли вилоятни бошкариш хусусиятлари – қурби етишмади. Ўз-ўзидан аёнки, бундай ҳолат охир-окибатда унга билдирилган ишончни йўқотишга олиб келди.

Тошкент вилоятидек катта вилоятга янги раҳбарни танлаш ва тайинлаш – ўта мураккаб ва масъулиятли иш. Ўйлайманки, сиз, хурматли мажлис иштирокчилари, барчангиз буни яхши англаб, тушуниб турибсиз.

Албатта, ҳар бир номзодни тавсия қилаёттганда, биз фаоллар, депутатлар билан кўп маслаҳатлашамиз, унинг таржимаи ҳоли, дунёқараши, аввалги иш фаолияти, инсоний хусусиятлари, феъл-атвори, ҳар хил қинғир-кийшик ишлардан узок бўлганини, биринчи навбатда, эътиборга оламиз. Бундай номзодларга кўйиладиган энг асосий талаблар каторида, аввало, ўзини раҳбар, етакчи деб хисоблайдиган шахс бугунги шиддат билан ўзгараётган, тараккий топаётган замон талаблари-га жавоб бериши, эртанги кунимизнинг энг долзарб, энг устувор йўналишларини ўзига яққол тасаввур қилган ҳолда, унга ишонч билдирган эл-юрт олди-да унинг зиммасига юкланган вазифаларни амал-га оширишда ўз масъулиятини чукур сезиши, хис-килиши шарт.

Энг муҳими, раҳбар ҳалқ ғами ва ташвиши, умиди ва интилишлари билан яшаши, одамларни бир-биридан ажратмасдан – биттасига иссикрок, бошқасига эса совукроқ қарамасдан, ошна-огайнигарчиликка берилмасдан, оёги ердан узилмасдан, адолат, талабчанлик ва қатъият билан иш олиб бориши, бундай қараш, бундай муносабат унинг бур-чига, ҳаётий мақсадига айланиши даркор.

Катта аҳамиятга эга бўлган Тошкент вилоятини бошқариш учун юкори савия, билим ва тажрибага эга бўлган етакчи керак. Ҳаёт синовларида тобланган, ул-кан режа ва дастурларни амалга оширишга, юртни обод, элнинг турмушини янада фаровон килишга курби-кучи стадиган раҳбар керак.

Вилоят депутатлари ва фаоллари, жамоатчилик ва-киллари билан маслаҳатлашганда, айни шундай юксак талабларга жавоб берадиган вилоят раҳбари кераклиги ҳакида сўз юритилди.

Тошкент вилояти ҳокими вазифасига тавсия этар эканмиз, аввало, унинг одамлар кўнглига йўл топиб ишлаш, уларнинг дарду ташвишлари билан яшаш, ахолини рози қилиш ва ишончини козониш, Тошкент вилояти халқига сидкидилдан хизмат қилишда ўзининг бой ҳаётий ва раҳбарлик тажрибасини ишга солади ва вилоят олдида турган вазифаларни амалга оширишда жонбозлик кўрсатади, деб ишонамиз.

Президент Ислом Каримовнинг халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг 2013 йил 1 апрель куни булиб ўтган навбатдан ташкари сессиясида сўзлаган нуткидан.

“Халқ сўзи”, 2013 йил 3 апрель, № 63 (1737)

* * *

Сизларга яхши маълумки, Узбекистонимизнинг барча ҳудуд ва минтақаларини мутаносиб ва изчил ривожлантириш устувор вазифамизdir. Бу ҳакда гапирганда, улкан салоҳиятга эга бўлган, мамлакатимизда етакчи ўрин тутадиган Тошкент вилоятини бошқариш, унинг кўп тармокли иқтисодиётини барқарор суръатлар билан ривожлантириш, ахолининг ҳаёт даражасини юксалтириш – бундай вазифаларни уddyалаш foят оғир ва масъулиятли иш эканини яна бир бор таъкидлаш ўринлидир.

Тошкент вилоятида кейинги пайтда ўткир муаммоларнинг ечими тошилмасдан, кўргина масалаларда оқсокликка йўл қўйилгани, биринчи раҳбарда ташкилотчилик, етакчилик қобилияtlари етишмагани сабабли уни ишдан озод қилишга туғри келди.

Андижон ахли ўз юртига бўлган меҳри ва садоқатини, ғурур ва ифтихорини, ор-номусини юксак қадрлаб, ўз кучи ва қудратига ишониб яшайдиган халқ.

Бундай олижаноб фазилатларга эга зл-юртни бошқарадиган, унинг эришган мэрралари, ўсиш суръат-

ларини пасайтирмасдан, аҳолининг бошини қовуштириб, янги максад ва уфкларга сафарбар эта оладиган янги раҳбар сайлаш бугунги мажлисимииз кун тартибиға кўйилган.

Кенг ва юқори салоҳиятга эга бўлган, ҳам инсонийлик, ҳам ташкилотчилик, ҳам талабчанлик нуқтаи назаридан эл-юртнинг дарду ташвиши билан яшайдиган, одамларнинг харакатига харакат, интилишига интилиш, ишончига ишонч қўшиб, юртни янада обод, ҳалқнинг хаёт даражаси ва сифатини оширишга қурби етадиган раҳбарни топиш – ўзингиз тушунасиз – бу оғир вазифа.

Шуни айтмоқчиманки, кўп жойларда янги раҳбарни лавозимга тавсия этар эканмиз, одамлар, аввало, Президент билдирган таклифга ишонч билан қарайди. Мен бу ишончни юксак қадрлайман ва айни вақтда унинг замидаги катта масъулиятни ҳам чукур хис киласман.

Вилоятга янги раҳбар танлашда кўп ва узок ўйлашга, жамоатчилик билан кенгашишга тўгри келди. Баъзан ўз жойида туппа-тузук ишлаб турган раҳбар янги жойида ўзини кўрсатолмаслиги, окибатда, ўзига ҳам, умумий ишга ҳам зарар етказиши мумкин. Шунинг учун бу масалада етти ўлчаб, бир кесиш керак...

“Одамнинг кимлигини билмокчи бўлсанг, унга амал бериб кур”, деган гап бежиз айтилмаган. Ҳақикатдан ҳам, эл-юрт ҳар қандай раҳбарни у амалга ўтирган пайтдан бошлаб синайди ва унга баҳо беради.

Биз бугун юртимизда янги давлат, янги жамият курмокдамиз. Шу нуқтаи назардан караганда, вилоятнинг янги раҳбари эришилган мэрраларни янада мустаҳкамлаб, ўсиш суръатларини тезлаштиришга интилиши лозим. Янги раҳбарнинг келиши билан эл-юрт қандайдир ўзгаришлар бўлади, деб кутади. Агарки ҳеч қандай ўзгариш сезилмаса, одамларнинг раҳбарга бўлган ишончи йўқолади.

Бу уринда раҳбарнинг факат ваъда бериши эмас, аввало, Андижон ахлига, вилоятнинг депутат ва фаолла-

рига, кенг жамоатчиликка таяниб, ишни қандай ташкил этиш, қандай режа ва дастурларни амалга ошириш борасидаги фикрлари муҳимдир.

Вилоят ҳокими, аввало, унга ишонч билдирган халк олдида, унинг вакиллари бўлмиш депутатлар олдида ўз вақтида ҳисоб бериб туриши керак. Шу ўринда юрагимда, қалбимда бўлган бир фикрни айтишни истардим: мен учун доимо яқин ва қадрдан бўлган Андижон ахли эришган барча ютуқларни мен ҳамиша гўёки ўзимнинг ютуқларим, деб қабул қиласман ва бу билан фахрланаман.

Ишончим комил, ҳамиша замон билан ҳамнафас бўлиб, ўзининг мустаҳкам иродаси, яратувчилик салоҳияти, она-юрга улкан меҳри ва садоқатини намоён этиб келаётган Андижон халки янги раҳбар атрофида бирлашиб, у билан бамаслаҳат иш олиб бориб, Ватанимиз равнақи йўлида барча куч ва имкониятларини сафар-бар этади.

Президент Ислом Каримовнинг халқ депутатлари Андижон вилояти Кенгашининг 2013 йил 26 апрель куни бўлиб ўтган навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нуткидан.

“Халқ сўзи”, 2013 йил
27 апрель, № 81 (5755)

* * *

Ҳаммамиз яхши тушунамиз, юқорида тилга олинган карорлар, дастур ва режалар ортида Қашқадарёда яшетган минг-минглаб одамларнинг ҳаёти, эртанги куни, тақдирни турибди.

Бундай улуғвор вазифаларни бажаришда кўп нарса вилоят бошқарувида раҳбарлик вазифасида ўтирган шахсларга, энг аввало, вилоятда ишни ташкил этиб, узокни кўзлаб, шу мақсадга интилган фаолларни ўз ортидан эргаштира оладиган биринчи раҳбарнинг масъулиятига боғлик...

Катта бир вилоятга раҳбар бўлиш масъулиятини сл-касига олган (бу) одамнинг, аввалимбор, кенг миқёсда

фикрлашга, ён-атрофидаги раҳбарлар ва фаоллар билан тил топишиб ишлаш, керак бўлса, узини оддий инсонларнинг ўрнига кўйиб, ўзини улар каби тасаввур килишга, лўнда қилиб айтганда, аҳоли ҳаёти билан яшаш, вилоятнинг кўпгина ўзига хос тамойилларини, сирларини ўрганишга, чукур англаб олишга курби етмади.

(Унинг) кўл остидаги одамларга хурмат ва ишонч билдириб, улар билан баҳамжихат ишлаш, уларни умумий максадларга сафарбар килиш, фаолларнинг фикрига, маслаҳатларига суюниш ўрнига манманликка берилгани носоғлом вазиятга, нохуш ҳолатларга олиб келди.

Икки йил давомида вилоятнинг кўп киррали иқтисодиётининг ўта мураккаб тармоқларидағи турли муаммоларнинг, жойларда мавжуд бўлган, одамларни кийнайдиган ғам-ташвишларнинг ичига чукур кириш, ҳар томонлама ўйлаб иш тутиш ўрнига, буйруқбозлик услугидан кўпроқ фойдаланиб раҳбарлик килишга бунгни замон чидамайди.

Ўзининг иш фаолиятида атрофдагиларга юкоридан қараш, уларни менсимаслик, одамларга нисбатан кўполлик, ўзини тутолмаслик раҳбарнинг обрўсига ҳеч качон обрў кўшмайди. Шу борада Амир Темур бобомизнинг бизга қолдирган чукур маъноли насиҳатларини, “Куч – адолатда” деган ўлмас фикрларини ҳеч эсимиздан чикармасликни истардим.

Кашқадарё эли яхшиликнинг қадрига етадиган, ўзини хурмат килган одамга, албатта, хурмат кўрсатадиган, кепрак бўлса, уни эъзозлаб, бошига кўтарадиган халқ. Буни тушунган тушунади, тушунмаган тушунмайди.

Кашқадарё халқи кўпни курган, оқкўнгил, заҳматкаш, ишнинг негизини биладиган халқ сифатида ном қозонган. Ўзини раҳбар деган инсон одамлар назарида қандай обрў-эътиборга лойиқ эканини доимо сезиб, англаб юриши, у бошқарадиган халқ ҳаёти билан яшashi, ўзига зеб қўймаслик билан бошқаларга ўрнак бўлиши шарт. Ана шундагина бундан раҳбар

нафакат ақл-заковати, қатъият ва талабчанлиги билан, балки ўзининг юриш-туриши билан эл-юрт ўртасида обру қозонади.

Афсуски, вилоят ҳокими бу ерда яшаётган одамларга мансуб хусусиятларни, уларнинг фикру зикрини, дарду ташвишларини ҳар томонлама тушуниб, англаб этиш, вилоятнинг улкан салоҳиятидан фойдаланиб, ишни тұғри ва самарали ташкил этишда заифлик қилди.

Биз вилоят ҳокими лавозимига номзод танлашда депутаттар ва фаоллар, күпни күрган оқсоқоллар билан атрофлича маслаҳатлашып...

Бир сұз билан айттанда, бу номзод етарлича ҳаёт ва иш тажрибасига эга, энг мухими, у Қашқадарё вилоятининг пасту баландини, бу заминда яшаётган одамларнинг табиати, орзу-интилишларини яхши билади. Қашқадарёning кутлуғ заминида улуг ишларга, катта мардлик ва матонат күрсатишга кодир бўлган халқ яшайди. Ўз юрти, ўз ғурурини доимо қадрлаб яшайдиган ана шундай бағрикенг, иродаси мустаҳкам элга бош булиш, етакчилик қилиш, айғиши керакки, ҳар қандай раҳбар учун улкан бахт, улкан шарафдир.

Мен ишонаман, ҳозиргина сизлар билан бирга сайлаб олган янги ҳоким, мана шу ҳақиқатни чукур англаған ҳолда, шу элнинг ҳурматини қозониш, унинг бунёдкорлик салоҳиятини юзага чиқариш учун ўзини аямасдан, бутун борлигини бериб меҳнат киласди.

Президент Ислом Каримовнинг 2013 йил 27 сентябрь куни халқ депутатлари Қашқадарё вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқидан.

“Халқ сўзи”, 2013 йил
28 сентябрь, № 192 (5866)

Расмий нашр

**ПРЕЗИДЕНТ
ИСЛОМ КАРИМОВ:
РАҲБАР ҚАДРЛАР
ТҮҒРИСИДА**

Нашрга тайёрловчи **Ў. НОСИРОВ**

Мухаррир **А. МУХТОРОВ**

Бадний мухаррир **А. МАМАСОЛИЕВ**

Саҳифаловчи **САФАРАЛИЕВ**

Техник мухаррир **Д. ГАБДРАХМАНОВА**

Мусахих **У. АБДУРАҲМОНОВА**

Нашриёт лицензияси А1 № 231. 16.11.12.

Теришга 2 август 2014 да берилди. Босишга руҳсат 2 август 2014 да берилди.

Бичими 84x108 Офсет когози. Офсет босма усулида босилди.

«Times» гарнитураси. Нашр босма тобоги 12,0.

Намуна нусха.

Оригинал-макет «TAFAKKUR» нашриёти медиа марказида тайёрланди.

Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чилонзор кучаси 1-й.

«TAFAKKUR BO-STONI» МЧЖ босмахонасида оғсет усулида чоп этилди.

Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чилонзор кучаси, 1а-й.